


САЪДУЛЛА СИЁЕВ



**ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЛОЧИНИ
ЁҲУД МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН
ҚИССАСИ**



**Тошкент - 2021
«Наврӯз» нашриёти**

КВК:83 10 (5Ўзб)

C-57

УО'К:544.14.32

Саъдулла Сиёев // Дашти Қипчоқ лочини
(Мухаммад Шайбонийхон) қиссаси – Т.: “Наврўз”, 2021, 144 бет.

ISBN 978- 9943- 602-21-2

Қўлингиздаги китоб халқимизнинг буюк фарзандларидан бири, лашкарбоши, ислохотчи, шоир ва мутафаккир Мухаммад Шайбонийхон ҳаётига бағишланган. Шайбонийхон Амир Темурдан кейин парчаланиб кетган салтанатни қайта тиклади, хорижий босқинчиларнинг хужумига барҳам берди. У раият хотиржамлиги, мамлакат фаровонлиги учун куч-ғайратини аямади. Мадрасалар, масжидлар, кўприклар, хонақоҳлар курди, маориф соҳасида ислоҳат ўтказди. У илм аҳлини, толиби илмларни моддий ва маънавий жиҳатдан муттасил қувватлаб турди.

Бу асар тарихимизнинг кам ёритилган саҳифаларини кашф этишда Сизга асқотади деб ишонамиз.

Масъул муҳаррир – Орифжон Салимов

КВК:83 10 (5Ўзб)

УО'К:544.14.32

Саъдулла Сиёев // Дашти Қипчоқ лочини
(Мухаммад Шайбонийхон) қиссаси – Т.: 2021,

ISBN 978-9943-602-21-2

© Саъдулла Сиёев
© «Наврўз» нашриёти, 2021



“Дашти Қипчоқ лочини (Мухаммад Шайбонийхон) қиссаси” ҳақида

Машҳур ёзувчи Саъдулла Сиёев ўзининг тарихий мавзуларда ёзган кўплаб асарлари орқали нафақат Ўзбекистон, балки қардош туркий халқлар китобхонларига ҳам жуда яхши таниш бўлган адибларимиздан ҳисобланади. Хусусан, ёзувчининг икки китобдан иборат “Ахмад Яссавий” тарихий романи машҳур бўлиб, асар халқимиз ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетган.

Ёзувчининг янги “Дашти Қипчоқ лочини (Мухаммад Шайбонийхон қиссаси)” асари ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим роль ўйнаган Мухаммад Шайбонийхон (1451-1510) ҳақида бўлиб, у туркий шайбонийлар сулоласи ва давлатининг асосчиси ҳисобланади. Мухаммад Шайбонийхон ҳақида ҳозиргача ўзбек адабиётида айрим тарихий мавзудаги хикояларни мустасно этганда барорта қисса ёки роман яратилмаган эди. Адиб С.Сиёев ўзбек адабиётидаги мазкур бўшлиқни тўлдириш учун масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, жуда катта машаққат ва захматлар эвазига мазкур қиссани яратди.

Тарихий қисса Шайбонийлар сулоласи фаолият кўрсатган XV-XVI асрларда ўзбек тарихчилари томонидан яратилган кўплаб тарихий асарлар (“Бобурнома”, “Мухаммад Шайбонийхон”, “Меҳмонномаи Бухоро”, “Абдуллонома” ва бошқалар)ни синчиклаб ўқиш ва ўрганиш, турли китоблардаги маълумотларни ўзаро қиёслаш ва улардан танқидий фойдаланиш натижасида яратилган. Асарни

ўқир экансиз, беихтиёр XV-XVI асрлардаги тарихий воқеалар ичига ўзингиз тушгандек, ўша воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланиб кетгандек бўласиз. Ёш ва жўмард, бироқ мулоҳазакор ва тажрибали саркарда ҳамда давлат арбоби Муҳаммад Шайбонийхоннинг мураккаб ва зиддиятли фаолияти, фожей қисмати китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Ёзувчи Саъдулла Сиёев таниқли давлат арбоби Шайбонийхон фаолиятини ўзбек адабиётида проза жанрида илк марта ёритиб, ўзига хос жасорат кўрсатди. Турон лочини Шайбонийхон ҳақидаги мазкур қисса ҳам тарихий, ҳам адабий асар сифатида шунинг учун ҳам катта аҳамият касб этади. У бугунги ўзбек халқининг баркамол авлодини Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур қисса Ўзбекистонда тезроқ чоп этилиши ва ўқувчилар кўлига етиб бориши зарур. Шайбонийлар сулоласи, хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон ҳақидаги асл ҳақиқатнинг бадиий тасвири бўлган мазкур асар бугунги кунда жуда муҳим бўлиб, мен тарихчи олим сифатида ушбу қиссани чоп этишга тавсия бераман.

*Қаҳрамон Ражабов,
тарих фанлари доктори, профессор*





*Шайбонийхоннинг Камолиддин Беҳзод
томонидан ишланган сурати
1507 йил.*



МЕНИНГ ИСМИМ ШОҲБАХТ!

Бухоро. Лаби ховуз яқинидаги чоғроққина хонадон. Ховлига кираверишдаги кичкина хужрада ўн беш-ўн олти ёшлардаги дуркун болакай олдидаги лавхга эгилганча қуръон тиловат қилиб ўтирибди. У қийиқ кўзларини юмиб, оятларни ичида қайта-қайта такрорлади. Сўнг мусхафни ёпиб, кўзларига суртди-да, тўрдаги токчага олиб қўйди. Керишиб, хомуза тортди. Келинпатнисдек мўъжаз деразадан ховлига боқди. Азим балхтут роса пишибди. Навдаларда бош бармоқдай мевалар ялтирайди. Таги ҳам оппоқ, сарғиш доналарга тўлиб ётибди. Болакай бир – бирига ҳезланиб тут талашаётган жайдари чумчуқ билан маккаи мусичага қараб кулиб қўйди. “Баайни одамларнинг ўзи, – деб хаёлланди, – шунча меванинг устида турсалар-да кўзлари тўймайди, бир – биридан қизғанишини кўринг! Ахир бу тутни бутун бир боғнинг қушлари ҳам еб адо қилолмайди-ку? Ё ажаб! ”

Хаёл билан бўлиб, устозининг кирганини сезмабди. “Иҳм!” деган калта йўталдан кейин ўзига келди. Остонада чинордек бўлиб, устоз турибди. Болакай таъзим қилди. Устоз тўрга ўтирди. Юзига фотиҳа тортди. Сўнгра муртидан кулиб, сўради:

– Хўш, нечуксиз, шаҳзодам?

Болакай чўккалаб, қуллиқ қилди.

– Азбаройи жанобларининг марҳаматидан кўнгил чароғон, устоз. Алҳамдулиллоҳ!

Муҳтарам ўқувчи! Сизни “Нотаниш ўсмир киму устози аввал ким бўлибди.?” деган сўроқлардан халос

этиш фурсати етди, шекилли. Қуббатул ислом аталмуш Бухорои шарифга мажбурий – ихтиёрий суратда келиб ўрнашган бу йигитча кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхоннинг набираси Абулфатх Муҳаммад, яъни бўлажак Шайбонийхондир. Муҳаммад ўн тўрт ёшга тўлар-тўлмас отасидан айрилди. Кейин онаси Оқкўзибегим дунёдан кўз юмди. Ҳали улуғ бобоси Абулхайрхон ҳаёт эди. Шунинг учун Муҳаммад ҳам, иниси Султон Маҳмуд ҳам ғариблик даштида саргардон бўлмадилар. Уларни падари Шоҳбудоғнинг содиқ хизматкори Қорачабек бағрига олди. Уйининг тўрига ўтказди, фарзандларидан кам кўрмай тарбия қилди.

1468 йилда Абулхайрхон ҳам фоний дунёдан боқий дунёга равона бўлди. Энди етимларга Мазид тархон ҳомийлик қила бошлади. У Темурийлардан эди. Абулхайрхон қайнотаси бўлмиш Мирзо Улуғбекка ҳурмат юзасидан Мазид Тархонга Туркистон ва Ўтрор шаҳарларининг беклигини инъом қилган эди. Ака-укалар бир муддатгача тархоннинг Ўтрордаги кўрғонида яшадилар. Кунлардан бир кун Тархоннинг хос мулозими хожасининг қулоғига шивирлади:

– Бек оға, сиз кўнгли дарёдек улуғ бир зотсиз. Аммо, бул етим болаларни қанотингиз остига олиб ўзингизга савдо орттирмадингизми деган хавотирдамен...

Мазид мулозимга гумонсираб боқди.

– Қандайчин савдо? Наҳот бу етимлар тузлуғимга тупурса? Аларни нонкўр деб ўйлайдиларми?

– Бир кун келиб, шаксиз тупурадилар. Етим кўзи асрасанг, оғзи бурнинг мой этар, етим бола асрасанг ... У ёғи ўзларига аён, бек оға. Хусусан, улкан ўғлоннинг дийдаси қаттиқ Анинг от чопишини кўрсангиз, ўқ отиши-

ни кўрсангиз, оға. Мерганликни ҳавасини олибди, баттол! Эгар устида тик туриб, осмондаги қушни отиб туширди. Ҳали – ҳозирча у бола темирқанот, улғайса, маъзур тутинг, сизнинг ўрнингизга ҳам кўз тикиши турган гап. Бургутга айланиб, жигарингизни чўқимасин, дейман-да, бек оға...

Мазид Тархон энсасини қашлаб ўйланиб қолди. “Раҳматлик Султон биздан мурувватини дариф тутмоғон эрди. Икки муқаддас шаҳарнинг беклигини қўшқўллаб ҳадя қилди. Энди мен Абдулхайрхоннинг икки етим наби-расини ҳайдаб солсам, хон ҳазратнинг арвоҳлари чирқи-рамайдиму? Ҳақ таолонинг олдида гуноҳкор бўлмайманму? Хўш, Сотимхўжанинг хавотири ўринлими? Наҳот оғанин улғайиб нонкўрлик қилса? Аларнинг бир кун қилич қайраб, менга таҳдид қилишларига ақлим бовар қилмай-дир. Раззоқ эгам, ўзинг сабр бер, кўнглимдаги гумонларни хайда, ёлғиз сенга суяндим...”

Бир - биридан йироқдаги икки шаҳарни идора этаман деб, суяги сирқираб юрган Мазид Тархон гўё икки фариштанинг исканжасида қолди. Шайтон гуноҳ сари судрайди, раҳмон инсофу диёнатга чорлайди. Тархон ўйланди. Аммо бу мушкулотни ақли расо иймонли бир зотнинг маслаҳатларисиз бир ўзи ечолмаслигига кўзи етди. Илло қани ул одил ҳакам, уни қандай топади? Мазид ўзи билган, танийдиган уламою умарони хаёлан тафтиш қилди. Бирдан кўз ўнгида Оқпўш ота намоён бўлди. У саксонларга борган, тарки дунё қилиб, Ўтрорнинг бир четидаги хонақоҳда зоҳидона кун, кечирадиган авлиё сифат қария эди. Асли зоти пири бузруквор Арслонбоб отага бориб уланарди. Мазид саҳарлаб, бир хуржун емиш олдию, саман отда хонақоҳга етиб борди. Оқпўш ота икки

қалға ҳокимини кўриб, ўрнидан ҳам турмади. Зеро, ҳукмдорлар олдида тик туриб, уларга қуллиқ қилиш сўфийлар ақидасига хилоф эди.

– Бомдоддан берисига кутаман сени, - деди Оқпўш ота ерга қараб, - уч кундирки, ичингга чироқ ёқса ёримайди. Икки ўт орасида қоврилиб юрибсан. Гапир!

Ҳоким дардини айтди. Оқпўш ота гапни қисқа қилди:

– Сотимхўжа сенга дўст эмас. Қўйнингдаги илон асли ўша лаънати Сотим сўтак. У сени дўзахий қилмоқчи. Иймонингга чанг солиб турибди.

– Маслаҳат беринг, Оқпўш ота .

– Султон Шоҳбудоғнинг кенжасини тарбиянгга олиб қол, каттасини Бухорога юбор. Пиримиз Хожа Аҳмад Яссавий сулукининг пешвоси Муҳаммад Хитойидан бир=икки йил таълим олсин. Яссавия тариқатини ўргансин. Оқпўш отанинг иродаси бу, деб Хитойига ҳам ёз, уқдингми?

– Хўп, ота.

Мазид Тархон султон Маҳмудни ёнида олиб қолди, Абулфатҳ Шайбонни ўзига яқин кишилар ҳомийлигида Бухорога жўнатди. Шу тарзда ўсмир Муҳаммад Яссавий замонидан бери сақланиб қолган тариқат одобидан таҳсил ола бошлади.

Хитойидан кейин алломаи даврон Шайх Мансурдан фикҳ, қиёс, ижмо масалаларини ўрганди. Таҳсилнинг икки йили ҳам ўтди. Шайбонийхон ўн саккизга тўлиб, қарчиғайдек ўктам, норғул йигит бўлди. Энди у Туркистондан келадиган ҳар бир муждани интизор бўлиб кутади. Тукқан элига бориб, бобосидан кейин пароканда бўлган давлатни қайта тиклашни ўйлайди. Назарида бунинг учун қулай

вазият ҳам пишиб етилган эди. Темурийлар салтанати бўлақларга бўлиниб, парча-парча бўлиб кетган, ҳар ким ўзига бек, ўзига хон эди. Бу салтанатни тиклаш учун нуфузли, қатъиятли бир ҳукмдор керак эди. Ёш шаҳзода зукко ақли, қувваи мушоҳадаси ила буни англади. Мовароуннаҳрга даъвогар шахс ҳали туғилмаган, тирик шаҳзодалар иродасиз, ўзаро ихтилофда, бир-бири билан тахт талашарди.

Оллоҳ таоло икки дарё оралиғида жаннатмонанд қилиб яратган Мовароунаҳр деб аталмиш ораста, бой, гўзал, ададсиз, гулларга, боғларга кўмилган, шарқироқ сойлари жонга ором бергувчи, булоқлари болдек ширин, ҳавоси кексаларни ёшартириб, йигитларни кишнатадиган, зебо қизлар, гулюзлар, барною моҳичеҳралар, малойика янглиғ сулувлар ўлкаси бўлмиш бу улуғвор ўлкани қўлга киритмай яшай олмаслигига шаҳзоданинг кўзи етди. Таҳсилнинг учинчи йили унга Туркистондан элчи келди. Энди белга қилични боғлаб, дубулғаю совут қалқон кийиб подшолик тахти учун олишуга отланиш керак эди. Устоз Шайх Мансурнинг бир ўғити ёдида. Бир куни таомдан кейин устоз Муҳаммаднинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, “Дастурхонни бир четидан йиғиштир, шунда панд емайсан”, деди. Бу ишорани шаҳзода ўзича тўғри англади: “Мамлакатни бир четидан мусодара қилмоқ керак, шунда у кўрадаги кўйдек бир ерга жамланади”. Шайбонийхон аввалига бир неча юз кишилик суворийлари билан Сиғноқ, Ўзган қалъаларини забт этди. Ўтрор ҳам ихтиёрига ўтди. 1475 йилларга келиб, Шайбонийхон аскарлари юз мингга етди. У энди иккиланмай Тошкент, Андижон сари юриш бошлади.

Шайбонийхон ўнг қўлининг ўрта бармоғига тақилган олмос кўзли узукка “Менинг исмим Шайбонийхон шохбахт ” деган сўзларни ўйиб ёздирган эди. Ҳар сафар жанг олдидан ана шу муҳрга қараб қўядию Оллоҳдан мадад сўраб, отга қамчи уради.

МУҲАББАТ ҚАЛЪАСИ

Ва ниҳоят, 1501 йилнинг авжи баҳорида Шайбонийхон иккинчи марта Самарқандга юриш қилди. Сарипул яқинидаги жангда Бобур аскарлари мағлубиятга учраб, қалъага чекинди. Шайбонийхон шаҳарни қамалга олди. У Темур Султон, Урусбек, Жонвафо сингари лашкарбошиларини хузурига чорлаб, улуфа¹ тарқатди.

– Улуфанинг улуғини Самарқанд фатҳ қилинғондин сўнг олғайсизлар, - деди хон.

Саркардалар халта-халта тилло пулларни чангаллаб, чиқиб кетдилар.

Шайбонийхон беш-олти кун қўшинга дам бермоқчи бўлди. Зарафшон бўйларига, Сиёб, Кўҳак қирларига юзлаб чодирлар, ўтовлар тикилди. Сон-саноксиз дошқозонлар осилди. Қассобларнинг қўли-қўлига тегмайди. Голиб аскарлар шарафига ўнлаб туя, от, хўкиз, юзлаб қўйлар сўйилди. Дабллар, ноғоралар, карнай-сурнайлар овози кўкни ларзага келтиради. Алқисса, Шайбонийхонларнинг музаффарият базми бошланди.

Шайбонийхоннинг ўн икки қанотли хос ипак чодири Зарафшон соҳилидаги кўм-кўк ўтлоқли қирга тикилган.

¹ Улуфа – жангчиларга бериладиган мукофот.

Чодир тепасида хоннинг улуғвор яшил туғи ҳилпирайди. Туғнинг қоқ белида қанотларини кенг ёзиб, парвозга шайланан баҳайбат бургут сурати. Бургут – Шайбонийхон салтанатининг рамзи. Бир қарашда, чаппор уриб тебранаётган ялов гўё бургутни Самарқанд сари хужумга ундаётгандек туюлади.

Тонг отмоқда. Тоғлар ортидан гўё уялиб бош кўтараётган қуёшнинг нафис, қизғиш нурлари чодир сиртида рақсга тушади. Келинпатнисдек мўжазгина дарчадан дашт чечакларининг ифори анқийди. Шайбонийхон туя жунидан қилинган юмшоқ, бахмал болишда ёнбошлаб ётибди. Олдидаги тилла баркашда бир кўза қимиз, кийик, қирғовул эти. Хон ярим пиёла қимиз қуйиб ичадию, кўзларини юмиб боз хаёл уммонида сузади. Уни рўпарасида гавҳардек кўз қамаштириб турган Самарқанд ўйлантиради, кекса кўнглида умид билан иштибоҳ, сабр ила беқарорлик жой талашади.

Самарқанд... Бу зебо шаҳарни Муҳаммад шоҳ Будоғ ўғли ибн Абулхайрхон ёш вақтидан яхши кўрарди. Шавкатли Султон Мирзо Улуғбекнинг суюкли қизи Робия Султон бегим раҳматли бобосининг шаръий завжаси эди. Ҳар сафар бегим ойиси отасини зиёрат қилгани Самарқанд сари отланар экан, Муҳаммад ҳам бобосининг шоҳона карвонига қўшилиб, Самарқандга келар, Амир Темур Кўрагон бунёд этган обидаларни томоша қилиб, тонг қоларди. Завқдан унинг кўнгли тўлиб-тошар, қани энди, Худо ёр бўлиб, мана шундай шаҳарга подшо бўлиш насиб этса, дея орзу қиларди. Шукруллоҳким, ёшлиқдаги орзу қуши қўлга кирай деб турибди. Лекин бу кунларга етиш осон кечмади...

Шайбонийхон Мавороуннаҳрнинг катта-кичик шаҳарларини забт этдию, Самарқандга кўз тикди. Самарқанд бу ўлканинг бош шаҳри эди. Уни қўлга киритмай туриб, Шайбонийхон ўзини якка ҳоким деб эълон қилолмас эди. У савдогар ёхуд дарвеш қиёфасидаги хуфялари орқали Самарқанддаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиб турарди. Бу вақтда шаҳар Бухородан келган ёш ҳоким Султон Али Мирзонинг тасарруфида эди. Шайбонийхон Али Мирзонинг журъатсиз, жангу жадалда ноқобил бир кимса эканлигини ҳам билади. Устига устак Султон Али фитначилар қуршовида қолган. Шайхулислом Абулмакорим, Хожа Аҳрор Валийнинг ўғли Муҳаммад Яҳё хўжа бошлиқ рухонийлар Султон Алини тахтдан мосуво қилиб, ўрнига Бобур Мирзони ўтқазиб пайида. Ёш ҳоким икки ўт орасида қовриларди. Шаҳар аҳли дин пешволари тарафида, Шайхулисломнинг гапини икки қилмайди. Иккинчи томондан, Султон Али тахтни Бобур Мирзога бўшатиб беришдан кўра, Шайбонийхонга тобе бўлишни истайди. Негаки, хонга мойиллик келгусида ўз мевасини бериши мумкин. “Шаҳарни ўз ихтиёрим бирла топширсам, зора бирон вилоятнинг беклигини инъом этса”, дея хоннинг марҳаматига умид боғлайди. Ана шу мажхул хаёл оғушида у бир куни етти хуфтонда қабатига хос маҳрамларини олдию Шайбонийхоннинг қароргоҳи томон йўналди.

Шайбонийхон, Самарқанддан не сас келар экан, деб Қарши чўлидаги бир манзилда кутиб ётган эди. Султон Али Мирзони чехраси очилиб қаршилади. Унинг нега келганини хон сезиб ўтирарди. Шундоқ бўлса-да, “Қулоғимиз сизда, сўзласинлар”, дегандек ишора қилди. Султон Али қўл қовуштириб, арзини айтди.

– Ҳазратим, даргоҳингизга бош уриб келдик. Аҳли Самарқанд жанобларини интизор бўлиб кутаётир. Шавкатли қўшинингиз учун шаҳар дарвозалари субҳи содиқдан очикдир. Марҳаматингизга мунтазирмиз...

Султон Али қандай пинҳона келган бўлса, тағин хуфёна жўнаб кетди. Уч кундан кейин Шайбонийхон бир ўқ отмасдан, гўё ораста боққа қадам босгандек Самарқанд дарвозасидан ичкарига кириб борди. Самарқандликлар саросимада қолишди. Улар кўчманчи ўзбекларни бераҳм, ваҳший, қамчисидан қон томадиган қавм деб эшитган эди. Гўёки бу сахройилар ёшу қарини ҳам, аёлу болаларни ҳам аямас эмиш. Қочганлар қочди, қочолмаган нотавонларга сичқоннинг ини минг танга бўлди. Аммо Шайбонийхон шаҳар аҳлига тегмади. Хазинани, бою баёнларнинг мол-мулкини олди, шаҳарга ўз одамини доруға этиб тайинладию, қалъада оз сонли аскар қолдириб, изига қайтди.

Шайбонийхон Туркистонга жўнаб кетдию Самарқанд уламоларига жон кириб қолди. Шаҳарда Шайбонийхоннинг бор-йўғи олти юзга яқин навқари кўриқчилик қилиб турар эди. Бобурийлар билан бўлган жангда улар мағлубиятга учради. Бобур иккинчи бор Самарқанд тахтини эгаллади. Абулмакорим бошлиқ руҳонийлар уни подшо деб эълон қилдилар.

Кўпни кўрган саркардалар тилида бир ҳикмат юради: тахтни эгаллашдан кўра уни кўлда тутиб қолиш мушкулроқ эмиш. Бу эътироф ёш ҳукмдор Бобур Мирзога ҳам тааллуқли бўлиб чиқди. У Самарқандни куз ойлари-нинг оёғида ишғол қилган эди. Қишга бориб, аҳвол оғирлашди. Самарқанд ниҳоятда ғариблашиб қолган эди. Шайбонийхонлар шаҳарнинг бутун бойлигини олиб кетган, хазина бўм-бўш. Ҳатто навқарларга маош бергани

сармоя етмасди. Бобур ночорлик важидан лашкарининг бир қисмини тарқатиб юборди. Унинг устига шаҳар аҳли орасида ҳам норозилик кучайди. Шайбонийхонлардан меҳру шафқат кўрмаган оддий меҳнаткаш халқ бобурийларнинг ваъдаларига ҳам ишонмай қўйди.

Ана шу сўник кайфият ва нотавон маиший-моддий турмуш ила қиш ўтди, баҳор келди. Султон Али Мирзо тарафдорлари шаҳардаги бор ҳақиқатни баён этиб, энди Шайбонийхонга мактуб йўлладилар. Шайбонийхон Бухоро чўлларида қўшинини бўлажак мухорабга пухта тайёрлаб, қулай вазиятни кутиб ётарди. Султон Алининг хуфёна таклифи уни тағин Самарқанд сари йўлга отлантирди. Асосан суворийлардан иборат қудратли қўшин билан Самарқанд остонасига етиб келди. Бобурнинг атиги минг кишилиқ сарбозларини бир ҳамлада енгиб, Самарқандни қамалга олди...

Хон пиёлани тўлдириб, қимиз симирди. Қуёшнинг илиқ нурлари билан баробар Шайбонийхоннинг кўксида ғолиблиқ нашъу намоси янада жўш ургандек бўлди. Чехраси ёришди. Шитоб билан болишдан бўксасини узиб, ўнг тарафидаги кумуш қўнғироқни чалди. Дарҳол эшик оғаси Мамат Ёвқур кириб, қўл қовуштирди.

– Отимни келтирсинлар, - деди хон, – қалъани айланиб кўрмак истайман.

Эшик оғаси чиқди. Қайтиб кириб, хонни кийинтирди. Шайбонийхон бу сафар уламолардек жайдари кийинди: бошида тилла жиғалиқ симобий салла, эғнида нилий яктак, қизил қўнжли, ўкчаси баланд этик. Яктак ичидан олтин сопли ханжарини тақиб олди.

Қалъа айланиш – хоннинг одати. У қабатига бешўнта тан соқчисини оладию, ҳафтада бир-икки маротаба

қалъани гир айланиб, тафтиш қилиб чиқади. Шаҳар ичка-
рисиди Бобурнинг бор-йўғи мингга яқин аскар қолган.
Улар очик майдонга чиқиб жанг қилишга ботинмайди.
Самарқанд атрофида Шайбонийхоннинг ўн минглаб сипо-
хилари қилич-қалқонларини шай қилиб турибдилар. Шу-
нинг учун бу ёғидан хоннинг кўнгли тўқ. Аммо... барибир
у қалъа теварагини айланиб, ниманидир кутади, безовта
кўнглига таскин бермоқчи бўлади. Гап шундаки, хон –
ошиқ! Бобур Мирзонинг эрка эгачиси Хонзода бегим икки
йилдирки, унинг хаёлини ўғирлаган. Хонзодани у нозик
адо, малаксиймо, зебо ва зукко деб эшитган. Ана шу
парирухсор қизнинг таърифи Шайбонийхоннинг кекса
қалбини куйдиради, ёндиради. Кечалари уйқусини қочи-
ради. Ғойибона маъшуқасига бағишлаб қанча ғазаллар
битди.

Шайбонийхон кўриқчилар қуршовида кетар экан,
лаблари пичирлаб, Хонзода бегимга аталган бир ғазалнинг
матлаъсини ўқиди:

*Юзингни кўрдим ул чортоқ ичинда,
Очилмиш тоза гул япроқ ичинда.
Неча изландинг, эй раъно газолим,
Мени ёндирмагил овлоқ ичинда...*

Рост, Шайбонийхоннинг қўш хотини бор. Бироқ
улар тан маҳрамлари эди. Хонга эса, назму навонинг
кадрига етадиган, илму ирфонда камол касб этган дил
маҳрами даркор эди. Агар тангри ёр бўлиб, Хонзода
бегимга уйланса, назарида руҳига қувват бўладиган мас-
лакдош, ҳамдард, ҳамдил бир малика билан тақдирини
боғларди. Хоннинг яна бир мулоҳазаси ҳам йўқ эмас.
Мабодо, у Хонзода бегимни никоҳига киритса, шуҳратли

бобоси Абулхайрхон сингари темурийзодаларга куёв бўлғуси. У ҳолда Бобур Мирзо ҳам андишага бориб, язнаси билан урушни бас қилар, сулҳга рози бўлар...

Сулҳ сўзи Шайбонийхонни сергаклантирди. Тўрт ойдирки, у қалъадан мужда кутади. Аммо Бобур Мирзо на таслим яловини кўтариб, элчи юборади, на сулҳ таклиф этади. Агарда Бобур сулҳ таклиф қилса, хон кўнармиди? Худо билади. У чоғда хон ҳам Бобурнинг олдига битта шарт қўяди. Хонзода бегимни хотинликка сўрайди. Бу шартга Бобур рози бўлармикан? Эҳтимол, суюкли эгачисини ашаддий рақибига раво кўрмас. Унда Шайбонийхон қалъани қамалда ушлаб тураберади. Токи шаҳар аҳли муҳтожлик ва очликдан тинкаси қуриб, қирилиб кетмагунча ортига чекинмайди.

Шайбонийхон Шайхзода дарвозасига ёвуқлашди. Шу пайт қалъа деворидаги тўртбурчак шинакнинг туйнугидан визиллаб ўқ учиб чиқди. Ўқ бош кўриқчи Жонвафонинг пўлат қалқонига жаранглаб урилди. Жонвафо бир газлик оғир ёйини ўқлаб, шинакка кетма-кет ўқ узди. Девор ортидан додлаган овоз эшитилди. Хон ёнидаги сипоҳилар ҳам шинакларни нишонга олиб, ўқ ёғдирдилар. Жонвафо хоннинг олдига ўтиб, уни кенг гавдаси билан тўсиб кета бошлади.

Чорраҳа дарвозаси ёнида қалъа тешигидан эмаклаб чиқаётган бир эркак кўринди. Эгнида минг қуроқ увада тўн, ялангбош, яланг оёқ. Эти бориб суягига қапишган, кўзлари бежо, ўзи тирик мурдани ёдга солади.

Эркак ўзини кўриқчи отининг оёғига ташлади. Йиғламсираб, дудуқланиб, аранг оғиз очди:

– Оч... очликдан ўлар ҳол... ҳолатга етдик, ҳазрат... Икки боламини кўмдим. Шишиб ўлди... Бизларда не гуноҳ... Раҳм қилинг...

Шайбонийхон индамади. Қалъада қаҳатчилик бошланганини у билади. Кузнинг боши. Самарқанд атрофидаги боғларда мевалар фарқ пишган, полизларда анвойи сабзавот мўл-кўл, ариқларда шарқираб сув оқади. Қалъада эса одамлар кун оша бир тишлам нонга зор бўлиб бораяпти. Шинаклардан кўз узмай, от устида чайқалиб кетар экан, Шайбонийхонни хаёл чулғади: “Бу мавҳумот тоқайгача давом этаркин? Мард бўлсанг, майдонга чиқиб сўғиш, ўмаса, тақдирга тан бериб, қалъани бўшат, шахзода! Бойлар борини ер, йўқсил несини ейди? Мискинларга раҳминг келмайдими? Сенинг шоирлигинг қайда қолди, Мирзо Бобур?”

Орадан салкам икки ой ўтди. Куз оёқлади. Ҳисор тоғларидан совуқ ел эса бошлади. Бу қишнинг даракчиси эди. Изғирин гўё очарчиликни ҳам бошлаб келгандек бўлди. Одамлар жон ҳолатда молларини сўйиб ейишга ўтди. Қўйлар, соғин сигирлар, ҳатто туялар бирин-кетин пичоққа тортилди. Сўнг навбат аскарларнинг отларига келди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Бир-икки юз от гўшти юз минг кишилик оч-наҳор фуқарою сипоҳиларнинг қурсоғига урвоқ ҳам бўлолмади.

Қалъада ит, мушук каби жониворларнинг қораси ўчди. Улар қозонларга тушиб кетган эди. Халойиқ ўлган молларнинг терисини қиртишлаб, қуруқ сувда пишириб ер, Бобур жангчилари дарахтларнинг пўстлоғини шилиб отларига берар, шу алпозда бир неча юз арғумокни захирада сақлаб туришарди. Шаҳарда тобут елкалаган мўминлар тез-тез кўзга чалинар, мотамсаро хонадонлар

хар қадамда учрарди. Қалъанинг қайси дарвозасига яқин борсангиз, аёлларнинг нолаю фиғони, норасида гўдакларнинг “Нон!” деб чирқираб йиғлагани, кексаларнинг қарғишию Оллоҳга муножоти эшитиларди.

Бундоқ доду фарёдларни ўз кўзи билан кўриб, эшитиб ўтирган Бобурнинг жигар-бағри эзилади, бошини қайси деворга уришни билмайди, “Не чора қилмоқ керак, эй танграм!” дея ўйланади, ўйланади...

Ана шундай адоғи йўқ машъум кунларнинг бирида “сулҳ” сўзи ўртага тушди. Шайбонийхон навбатдаги тафтиш чоғида қалъани ярмигача айландию, кафти билан бурнини бекитди. Бир замонлар мушки анбар уфуриб турадиган Самарқанддан бу сафар ўлакса ҳиди анқирди.

Неча ҳафтадан бери кўнглини кемираётган иштибоҳ ва иккиланиш ўрнини қатъий қарор эгаллади. “Шу бугуноқ шартимни айтаман. Бобур кўнса - кўнди, билъакс қалъани тўпға тутғаймен. Оллоҳ гуноҳимни кечирсин”.

Хон чодирига келиб, шеърый мактуб ёзишга тутинди. Хонзода бегимга аталган бу изҳори дилда маъшуқанинг васфи ҳам, хоннинг шаҳар аҳлига қўйган шарти ҳам мужассам эди:

*“Эй манго орзуйи жон васлинг,
Бедаво дардима дармон васлинг.
Сифотингни эшитиб зор ўлдум,
Ишқинг илкига гирифтор ўлдум.
Сени кўрмай манго аҳвол будур,
Ишқинг илкида ҳол будур.
Боқибон қолди хаёлингга кўзум,
Оҳ, агар тушса жамолингга кўзум.
Сабр кўйига гузорим йўқтур,*

*Етмойин сенга қарорим йўқтур.
Қилсанг ойдек фалак устида ватан,
Ё гуҳардек садаф ичра маскан,
Тўкойин ашк Сурайё янглиз,
Чиқойин кўкка Масиҳо янглиз.
Кўз ёши ичра бўлойин заввос,
Ул садафдин сени қилойин халос.
Айлайин шарт сенинг бошинг учун,
Бўлма гамнок қариндошинг учун.
Ҳеч ёмонлиқ анго ёвутмоғоли,
Сени термултириб ани тутмоғоли.
Ҳар қаён хотири истар борсун,
Борсун, ончаки юрурдин ҳорсун.”*

Шайбонийхон мактубни хос элчиси орқали қалъага юборди. Мактубни элчи Бобурнинг волидаси Қутлуғ Нигор хонимнинг кўлига топширди. Пошшо ойим хатга кўз югуртирдию, бошини чангаллаб қолди. Назарида ҳозирнинг ўзида ардоқли қизи Хонзода бегимдан айрилиб қолаётгандек эди. Кўзларига ғилтиллаб ёш келди. “Эй худойим-ей! – деди жисму жони ёниб, – шу кўргуликлар ҳам бор эдими? Не чора қилдик энди, Оллоҳим?”

Қутлуғ Нигор хоним мактубдаги икки байтни қайта ўқиди:

*Айлайин шарт сенинг бошинг учун,
Бўлма гамнок қариндошинг учун.
Ҳеч ёмонлиқ анго ёвутмоғоли,
Сени термултириб ани тутмоғоли.*

Бу байтлар Қутлуғ Нигор хонимнинг тилка-пора юрагида умид чироғини ёққандек бўлди. Вале... қизи не дер экан? Хон шартига рози бўлармикан? Бобур-чи? У рад

этса керак. Ўғлининг феъли онасига аён. Бобур ориятни ўлимдан устун кўядир.

Пошшо ойим Хонзода бегимни чорлатди.

– Бу мактуб сенга атаб битилмиш, ўқи! - деди ва хатни қизининг олдига ташлади. Хонзода мактубни шошмай ўқиди. Рангида бирон ўзгариш сезилмади: на севинч, на ғусса. Мактубни онасига қайтарди.

– Шундоқ бўлишини кўнглим сезиб юриб эди, - деди уҳ тортиб, – Ҳазратим ўқидими буни?

– Йўқ. Ининг ризо бўлмас, деб кўрқадирмен.

Мактуб дарагини эшитиб, Бобур етиб келди. Хатни ўқидию, ғижимлаб отиб юборди.

– Мен ёлғиз эгачимни саҳройи душманимга бериб қўймайман. Қўлда қилич билан шаҳид бўлғаймен! Бу хатга иккалангиз ишониб ўтирғон кўринасиз. Хоннинг мунофиқлиги, лафзидан қайтиши сизларга равшан эмасми?

Хонзода Бобурнинг елкасидан қучди:

– Ҳазратим! Кўз қиймас укажоним менинг! Ғариб опангиз сизни ўйлайдир. Сиз омон бўлинг илойим. Иншооллоҳ, ҳали саодатли кунларингиз олдинда. Очликдан, ташналикдан жон бераётган гўдакларни, қарияларни кўриб, юрагим садпора бўладир. Уларга раҳмингиз келмайдиму? Тонгла маҳшарда ул нотавонларнинг уволига қолмасмизми, ҳазратим? Начора, опангизнинг шум қисмати шундоқ экан. Бир қариқиз Хонзодани деб минглаб бегуноҳ кишиларнинг қафанга ўралишини ўйласам, иймоним куядир, яратган эгамдан уяладирмен...

Хонзода рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди. Бобур опасига кинояли боқиб, сўради:

– Хонда ўзингизнинг кўнглингиз ҳам борга ўхшайдими?

– Кўнглим йўқ. Илло, сиздек улуғ иним учун, бизга нон-туз берган шаҳар аҳли учун ўзимни қурбон қилишга тайёрмен.

Қутлуғ Нигор хонимнинг таклифи билан Шайхулислом Абдулмакорим бошлиқ қози-калон, фақиҳ, муфти дегандек бир тўп уламо етиб келишди. Хон шартини эшитиб, Шайхулисломга жон кирди. У неча кундан бери қалъадан қочишга ҳозирлик кўриб юрар эди.

Қутлуғ Нигор хоним “Сиз не фикрдасиз?” дегандек, Шайхулисломнинг қип-қизил афтига боқди.

– Хон шартига ризо бўлмоқ вожибдур, маликам, - деди Абдулмакорим, – бул ҳароб шаҳарни нечоғлиқ тез тарк этсак, шунчалик авло. Юз минг ҳалойиқнинг тенг ярми Оллоҳнинг раҳматига борди. Марҳумларни ерлагани ер қолмади. Мозорлар тўлган. – Шайхулислом Бобурга ўгирилди, – Ҳазратим, ризолик беринг, тириклар дуои жонингизни қилғай. Ахир Қуръони каримда ҳам сулҳ яхшироқдир, дейилган.

Бобур ижирғанди. “Ахир Шайхулислом кечагина “Бир томчи қонимиз қолгунга қадар, гавҳарга тенг шаҳримизни ҳимоя қиламиз”, деб лоф урмаганмиди? Бугун бу кўрқоқнинг ҳам жони ширин бўлиб қолибди”.

Онасининг хон шартига мойиллиги, опасининг розилиги, Шайхулисломнинг сулҳни қувватлагани жам бўлиб, Бобурнинг азми-қарорини синдиргандек бўлди.

– Эrsa, унга вакил юбормоқ лозим. Хон кўлига Қуръон олиб, сўзини тасдиқласин. Андин сўнг сўзлашармиз.

Бобур шитоб билан ўрнидан туриб, чиқиб кетди. Уламолар кенгашга ўтди.

– Орамизда Муҳаммад Яҳё хўжа ўтирибдилар, - деди Шайхулислом, – ул тақсир пиримиз Ҳожа Аҳрор Валийнинг зурриёдлари бўладилар. Элчиликка бул кишидан муносиб кимса йўқдир.

Яҳё хўжа чаён чакқандек ирғиб тушди.

– Мен боролмасмен, кўрқадурмен.

– Нечук кўрқасиз? Элчига ўлим йўқ, демишлар.

– Менда хоннинг адовати бор. Ўзларига аён, ҳазратим, бултур Бобур Мирзони Фарғонадан чорлатиб келганлар сирасида камина ҳам бор эдим. Хон буни билар экан. Бир куни Муҳаммад Яҳё илкимга тушса, терисини шилиб, ўлигини итларга ташлайман, дебди. Авф этсинлар...

– Унда ким боради? Сизми? Ўзларими? - деб Абулмакорим уламо аҳлига боқди.

Қозикалон, муфти, фақиҳ учаласи бир нарсани важ қилиб, ўзларини четга олдилар. Шайхулислом тагин Яҳё хўжага қаради.

– Боролмасангиз, ўрнингизга одам топинг. Биз шу ерда кутиб ўтирғаймиз.

Қутлуғ Нигор хоним билан Хонзода бегим хобхоналарига кетдилар. Самарқанднинг уч руҳонийси Яҳё хўжани кутиб, гурунглашиб ўтирдилар.

Алламаҳал бўлганда Яҳё хўжа бир дарвешни бошлаб келди. Дарвешнинг бошида кулоҳ, бўйнида кашкул, кўлида кўнғироқ-сафойил, жанда тўни етти еридан ямоқ эди. У патак соқолини силаб кўйиб, пойгакка чўқди. Шайхулислом дарҳол уламолар қарорини билдирди:

– Биз, мана учовлон келишиб, сени Шайбонийхон ҳузурига элчи қилиб юборадиган бўлдик. Хон бизларга

оғир шарт қўйибди. Сен ўшал шартнинг рост-ёлғонлигин билиб келурсен. Уқдингму?

Дарвеш ўтирганларни танимаса-да, ошқовоқдек саллаларига кўз югуртириб, Самарқанднинг уламою киромлари бўлса керак, деган хаёлга борди.

Дарвеш эшикка етганда Шайхулислом тайинлади:

– Хон қўлига Қуръони каримни олиб, қасам ичсун, билъакс Бобуршоҳ ишонмайди, деб айт. Уқдингму?

Дарвеш калла чайқаб, ғойиб бўлди.

Шайбонийхон элчини хушҳол қабул қилди. Дарвеш бўсағада мук тушиб, калла осилтириб ўтирган эди. Уни имлаб олдига чақирди. Дарвеш қадини ғоз тутиб, хонга яқинлашди. Юқинди.

– Бошингизни кўтаринг, Худонинг бандаси, - деди Шайбонийхон. Дарвеш хоннинг кўзига тикка бокди. Шайбонийхон кулимсираб сўради:

– Сиздан бўлак тузукроқ кимса йўқмиди элчиликка?

– Бор эди, хон ҳазратлари, илло уларнинг жони ширинлик қилди. Қаҳрингиздан кўрқар эмишлар. Фақирга бириб, мен жонимни жононимга топшириб қўйибман.

– Тариқатдин хабардорсиз, маъқул, - деди хон, – биз одамхўр эмасмиз. Олти ой сабр ила кутиб турдик. Биз Бобур Мирзони ёвқур, мард, эслик йигит деб билурмиз. Илло, шаҳзода нодон Шайхулисломнинг тилига кириб, хато қилди. Шунча раиятнинг бошига етди. Иншооллоҳ, осийлар бул қилмишларига қиёматда жавоб бергайлар. Ол энди, шартингизга келсак, сўзимиз - сўз, ваъдамиз - ваъда. Шайбонийхоннинг сўзи - имом уз-замоннинг, халифат ур-рахмоннинг сўзидур. Қалъадагиларга шундоқ деб айтинг. Биз Хонзода бегимни никоҳимизга киритиб, шаръий завжаликка олмоқчимиз. Бобур Мирзо ёмон хаёлга борма-

сун. Раҳматли бобомиз темурийларга қариндош эрди, биз ҳам куёвлик либосини киймакни ҳавас қилдук. Алқисса, Хонзода бегим бизнинг даргоҳимизга қараб йўлга чиққанларидан сўнг шаҳарнинг тўрт қопқаси очик. Сипоҳиларнинг бошидан бир тук тўкилмагай, бир ўқ отилмагай. Шаҳзоданинг тўрт тарафи қибла, қаён кетса ихтиёри ўзида. Мухтасар сўзимиз шул, эй жонини жононига топширган Худонинг зокир бандаси!

Шайбонийхон кумуш кўнғироқни чалди. Йўрғалаб эшик оғаси кирди.

– Мусҳаф келтиринг!

Мамат Ёвқур сиртига қизил бахмал сирилган Қуръони каримни икки панжасида авайлаб ушлаб, хонга узатди. Шайбонийхон Қуръонни манглайига босди, ўпди. Кейин олдидаги хонтахтага қўйди.

– Юрагингизда тариқдек гумонингиз бўлса, истиффор айтинг. Қалъада сизга интизор васийларингизга-да каломуллолони ўртага қўйиб, онт ичганимизни етказинг! Боринг энди.

Дарвеш орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Дарҳақиқат, уни қалъада бесабрлик ила кутиб ўтиришар эди. Дарвеш бор гапни оқизмай-томизмай айтди. “Бобур Мирзонинг хатоси” билан “нодон шайх” борасида оғиз очмади.

– Қўлига Қуръон олдим-йўқми, шундан кел! – қисталанг қилди Шайхулислом.

– Хон ҳазратлари каломуллога қараб туриб сўзладилар...

– Оллоҳга беҳад шукр, - дея қозикалон дуога қўл очди, – золимнинг зулмидан халос бўладиган кунларга етибмиз.

Хушхабар номози асргача бутун қалъа халқига овоза бўлди. Фақирлар шодликдан йиғлади, аскарлар қурол-аслаҳаларини йиғиштиришга тушдилар. Бекалар, оқсочлар, машшоталар Хонзода бегимни ясатиб, келинликка тайёрлаш тараддудини кўрдилар.

Бобур икки ўт орасида ўртанарди. Бир тарафдан Самарқанд кўлдан кетаётир, энг ғуссалик, изтироблиси дил қувончи - опажонисидан маҳрум бўлаётир.

Эртаси ярим кечаси Бобур сийраклашиб қолган бир тўда лашкарларини Шайхдарвоза олдига тўплади. Сўнг опаси билан видолашгани саройга борди. Хонзода бегим бўзлаб укасининг бўйнига осилди:

– Қайтиб кўришмасак, мендан рози бўл, Бобуржон! Ғариба опангни унутма! Тақдирда бор бўлса, дийдорлашармиз.² Сени ёлғиз Оллоҳимга топширдим, укажоним, меҳрибоним!

Бобур кўз ёшларини аранг тийиб, опажонисининг кучоғидан чиқди.

Ўша куни тунда шаҳар қопқалари ланг очилди. Бобур бошлиқ карвон Шайхзода дарвозасидан чиқиб, Тошкент сари йўл олди. Эрта тонгда Хонзода бегим тушган тахти равонлик махсус арава бир тўп кўриқчилар ҳамроҳлигида Шайбонийхоннинг даргоҳига кириб борди. Самарқандда Хонзода бегимнинг шарафига бир ҳафта давом этган тантанали тўй маросими бошланди.

² Хонзода бегим 1501 йилда Шайбонийхондан Хуррамшоҳ исмли ўғил кўради. Шайбонийхон 1510 йили ҳалок бўлгач, Хонзода бегим Бобурнинг хузурига қайтиб боради. Хуррамшоҳ 1511 йилда, ўн ёшида хасталаниб вафот этади.

ЖАННАТИ МАЪВО САМАРҚАНД

Ҳижрий 908, мелодий 1502 йил. Самарқанд. Сунбула оёқлаган. Табиат мезон кўшиғини куйлаётир. Кўхна Кўҳак янги Зарафшон бўйларида тароватли бир ҳаёт ҳукм суради. Дарёнинг чап соҳилига бора-боргунча ўнлаб ранго-ранг чодирлар тикилган. Ўртада осмон гумбазини эслатувчи улуғвор, мовий чодир. Бу – Шайбонийхоннинг хос оромгоҳи. Уч йилдирки, зебо Самарқанд Шайбонийхоннинг тасарруфида. Уч йилдирки, хон ёзнинг чилласини Зарафшон бўйида ўтказади. Бу йил ҳам у тарки одат қилмади. Бухоро саратон оғушига киргач, чоғроқ лашкари билан Самарқандга етиб келди ва хушҳаво, салқин Кўҳак соҳилини қароргоҳ қилиб танлади.

Хон дарё бўйида уч кун ором олиб, чарчоғини босди. Тўртинчи куни умарою уламони эргаштириб, Самарқанд сари йўналди. Ўнг тарафида ўғли, валиаҳд Темур Султон, укаси Маҳмуд Султоннинг фарзанди Навқирон Убайдулла Султон, содиқ амирлари. Хоннинг чап ёнбошида мақомларига яраша дуогўйи Шамсиддин Абдулло, Сиғноқ қозиси Абдулмутал хожи, насафлик қори Раҳматулло, Самарқанд аълами хожи Барлос Мажидий, шоири замонлар Муҳаммад Солиҳ ва Биноий карвон ортида қирққа яқин кўриқчилар бормоқда.

Издихом қирни ўрлаб, Сиёбтепага кўтарилди. Хоннинг кўз ўнгида гавҳардек зебо Самарқанд ястаниб ётарди. Хон беихтиёр энтикди. Дилида шукроналик жўш урди. Тоғ ортидан куёш жилмайиб юз кўрсатдию шаҳарни заррин нурларга кўмиб, яшнатиб юборди. Самарқанднинг чиройи янада очилиб, кўркамлашиб кетгандек бўлди. Бу ёрқинлик, бу тароватли жилва хоннинг кўксига кўчди.

Кекса қалби ифтихорий бир туйғудан тошиб чайқалди. Тилига қадим аъробий шоирнинг Самарқандни таърифлаб айтган сўзлари келди: ан-нос фи ажр ихм жинна ва жинна вад-дунё Самарқанд...³

“Ҳа, - деди у ичида, - жаннати маъво Самарқанддур, орий рост”.

Зиёратчилар пастга эндиладар. Хон отининг бошини шаҳар кунботаридаги шоҳона қабристон томон бурди. У ерда онаизори Қўзибегим сағанаси бор эди. Хон сағанага бош эгиб кирди. Шамсиддин Абдулло билан Темур Султондан ўзгалари ташқарида қолдилар. Хон овозини пастлатиб Қуръон тиловат қилди. Шамсиддин Абдулло дуога қўл очди.

Қабристондан чекиниб, зиёратчилар Гўри Амир мақбарасига йўл олдилар. Хон Регистонда отдан тушди. Бузрук Амир Темур пойигача пиёда борди. Бу сафар барча сағананинг устки қисмида жам бўлдилар. Хон товушини баралла қўйиб, “Ёсин” сурасини кироат қилди. Сўнг Сиғноқ қозиси, Бухоро шайхур-раиси, Самарқанд аълами ҳам тиловат қилдилар. Дуои фотиҳадан сўнг Шайбоний-хон ҳамроҳларига жавоб бериб, сағанада ёлғиз ўзи қолди. Қабр устидаги нодир яшма тошга телмуриб анча ўтирди. Кўнгли бўшашди, кўзлари намланди. Ниҳоят, ўзини тутиб олди.

Дилида ўтли изтироб, тилида ёниқ эҳтирос ила дардини пичирлаб баён қилди: “Эй, етти иқлим ияси, бузрукворим! Икки оғиз айтар сўзим бор. Соҳибқироним! Туроним, дединг, Туркистоним, дединг. Қўлда адолат қиличи бирла ўттиз мамлакатнинг бошини қовуштирдинг.

³ У дунёда одамлар учун жаннат бор, бу дунёнинг жаннати Самарқанддур.

Бул салтанат сенларники, уни кўз қорачиғидек асранглар, деб васият қилдинг. Вале, зурриётларинг васиятинга амал қилмадилар, тузукларингни кўзга илмадилар. Оғани тожу тахт деб бир-бирининг қонини тўкди, набиранг падаркушлик қилди. Улар адолат ўрнига адоватни, рўшнолик ўрнига залолатни афзал билдилар. Шу тахлит сен пойдеворини қурган улуғ иморатни вайронага айлантирдилар. Бу ожиз қулинг, аввало яратганнинг марҳаматига умид боғлаб, ундан сўнг тилда Қуръон, қўлда қилич бирла сендан ёдгор салтанатни тиклашга азму қарор қилдик. Ҳақ Таолога беадад шукурларким, ниятимиз мустажоб бўлиб турибди. Қадим Туроннинг муаззам бир бўлаги тасарруфимизга кирди. Оллоҳнинг лутфу карами ила Туркистон сарҳадларини бундан-да кенгайтириш таважжуси кўнглимизни равшан этиб турибди. Бузрукворим! Илоҳо, марқаблари мушки анбар ила муаттар бўлғай, илоҳо боқий дунёда сизни жаннатнинг тўрида кўргайман, бизни дуо бирла ёрлақанг, сиз буюрган мақомларни тангрим бизга насиб этсун, валлоҳи аълам биссаваб!

Шайбонийхон юзига фотиҳа тортди, аста туриб, орқаси билан юриб сағанадан чиқиб кетди.

Тунда уйқуси ўчди. Кўнглидан Самарқанд хаёли кетмай қолди. Дили потирлади. Шуури ёришди. Қўли ўз-ўзидан хома бирла қоғозга чўзилди. Мизга эгилди. Кўксидан тиниқ чашмадек қайнаб турган ҳислари, соғинчлари сатрларга айланиб, оқ қоғоз бетини безай бошлади:

*Кетмади кўнгилдан ҳеч дийдори Самарқанднинг,
Кўзумдин учар ҳар дам гулзори Самарқанднинг.
Ҳар нечаки шаҳр ўлса дунёда латиф, аммо,*

*Барчадин эрур яхши бемори Самарқанднинг .
Ҳақ ўз карами бирла ул элни омон тутсун,
Бўлсун бул жаҳондин йўқ азёри Самарқанднинг.
Кўндир Ҳирида, билгил, булбул билан тўти ҳам,
Андалибни уялтти дилдори Самарқанднинг.
Бу шаҳри Ҳири ичра бир зарра сафо йўқдур,
Жаннат каби хушбўйдур бозори Самарқанднинг.
Қош ёси бирла хўбдур, гамза ўқини отса,
Жон жавшанидин ўтар ўқлари Самарқанднинг.
Шайбоний тилар ҳардам Бухору Самарқандни,
Тангриси мадад бўлсун, ул ёри Самарқанднинг.*

Хон дарё бўйида бир ойча турди. Бир ой ичида махсус фармон билан Зарафшон узра маҳобатли кўприк қурилди. Хон кўприкдан биринчи бўлиб ўтди ва отининг бошини она юрти Туркистон сари бурди. Уни Султон-ул орифин, пири комил Хожа Аҳмад Яссавий руҳи чорларди.

ТОШКЕНТ ФАТҲИ

Тарихларда кўхна Шош, деб аталмиш Тошкент Туркистоннинг баҳаво, маъмур шаҳарларидан эди. Унга 1485 йилгача Бобур мирзонинг она томонидан бобоси Юнусхон эгалик қилди. У 1487 йилда фалажга мубтало бўлиб, оламдан ўтгач, ўрнига Султон Маҳмудни ҳоким қилиб кўтардилар. Ўн уч йилдирки, Султон Маҳмудхон Тошкент шаҳри ҳамда азим вилоятнинг якка хўжаси. Гарчанд ҳоким саналса-да, ўзини улкан бир юртнинг эгасидек тутади. Ўқтин-ўқтин атроф-жавонибдаги мулкларга босқин уюштиради, жумладан Тароз, Сайрам, Оқмачит сингари обод шаҳар ва қалъаларни ўз тасарруфига олади. Бу юришларда

унга иниси, Мўғилистон ҳукмдори Олачахон ҳар тараф-лама кўмак беради.

Султон Маҳмудхоннинг бундай бузғунчилигини Шайбонийхон кечиролмас эди. У Тошкентни қўлга киритмай туриб, Фарғона музофотига лашкар тортишни барвақт деб санарди. Шу боис, 1501 йилнинг кеч кузида қўшин бошини Тошкент сари бурди. Сафар олдидан, одатига кўра Султон Маҳмудхонга икки энлик огоҳнома жўнатди: «Ҳоким бўлиб хонлиқ хирқасини кийган Маҳмудхон, гапимни эшит! Биз Тошкент сари йўлга чикдик. Бу шаҳар Туркистон мулкидир, иншооллоҳ минбаъд шундоқ бўлғусидир. Жонинг борида кўч-кўронингни ўғурга юкла-да, Тошкентни бўшатиб қўй. Бизнинг қудратимизни биласан. Сенга уч кун муҳлат. Шайбонийхон».

Шайбонийхоннинг мактубини олиб, Маҳмудхоннинг тиззаси қалтирамади. Тўғри, у такаббур, айёр, нафсининг қули. Аммо кўрқоқ эмас. У чавандозликда ҳам, қилич чопишда ҳам, ёйандозликда ҳам ёнидаги уруш кўрган амирларига улги бўла оладиган аскарбоши эди. Шу билан бирга Маҳмудхон Шайбонийнинг кимлигини ҳам билади. Бу Дашти қипчоқдан чиққан саҳройи ўзбек айтган еридан кесадиған қайсар, маккор ва қаттол бир зот. Самарқандни олди, Бухорони олди, у ёғи Ҳисори Шодмондан Қундузгача қўлга киритди.

Энди Маҳмудхоннинг кўз қорачиғи лобар Тошкентга кўз ўйнатиб турибди. Билади, ўзбек хони Тошкентни ўз кишисига ҳадя этмагунча ором ололмайди. Таассуфки, бу аччиқ ҳақиқат эди. Шундоқ бўлса-да, Маҳмудхон «ётиб қолгунча отиб қол» мақомида иш тутмоқни маъқул кўрди. Шаҳар дарвозаларини мустаҳ-камлади, қалъа шинакларига моҳир мерганларни ўрнаштирди, шаҳар аҳлини жоме

масжидига тўплаб, ёниб-куйиб ваъз айтди, кимнинг аҳли хонадони ўзига азиз бўлса, она шахримиз ҳимоясига чоғлансин, дея даъват қилди.

Маҳмудхонга берилган муҳлат тугади. Шайбонийхон Сайхунни кечиб ўтиб, Ўртаовул (бугунги Янгийўл) мавзесида отдан тушди. Бу ерда пири муршид Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг авлоди Занги ота марқаби сокин эди. Хон сағана томон юрди. Мақбарадан рутубатли бўй келарди. Хон ичкари ўтмади. Ташқарида тиззалаб ўтирганча қурьондан кичик-кичик оятлар ўқиди. Сўнг ёнбошида чўк тушган дуогўйи Шамсиддин Яманийга ўгирилди. Ҳазрат дуога қўл очди:

– Аллоҳумма, ё раббий! Ўзинг мулку салтанатга ривож бергил, имом-уз замон, халафат-ур раҳмон вали-неъматимизнинг умрини баракотли қилгин, Шайхул-машойихимизнинг жамики зурриёдларини мағфиратингга олғил! Бизларни имтиёзли бандаларинг сафидан жудо қилма! Омин, аллоҳу акбар! Валлоҳи аълам биссаваб!

Аср ўтиб, шом ёвуқлашган эди. Хон савашни эрта тонгга қолдириб, қароргоҳини улкан сайхонликка жойлаштирди.

Субҳи содиқдан дабллар, ноғоралар, карнайлар садоси янгради. Бу – жанг фурсати етганидан мужда эди. Шайбонийхоннинг икки туман суворий жангчилари бор эди. У бир туман аскарини заҳирага қолдирди. Иккинчи туманга иниси Маҳмуд Султонни бошлиқ қилди. Ҳировулда – Маҳмуд Султон, ўнг қанотда ўғли Темур Султон, чап қанотда амири лашкар Жонвафобий. Шайбонийхон лашкар ортида, баланд тепаликда олишув бошланишини кузатиб турибди.

Олисдан қуюқ чанг-тўзон кўтариб келаётган қора-кура одамлар кўринди. Хон ёнида қўл қовуштириб турган маликул-шуаро Муҳаммад Солихдан сўради:

– Не бало, Маҳмудхоннинг одамлари қуйруқларига супурги бойлаб олмишми, мунча чангитади далани?

Солих сўзамол эмасми, дарҳол жавоб берди:

– Ортга қочишда қорамизни ёғий кўрмасин, дея андеша қилгандирлар...

Тошкентгача беш-олти фарсаҳ масофа бор эди. Хон амри билан лашкар аста йўлга тушди. Маҳмудхон аскарлари эса, аксинча, қий-чув кўтариб, от қўйиб келарди.

Аскарбоши Султон Маҳмудхоннинг ўзи эди. Шайбонийларга уч юз қадамча қолганда у отининг бошини тортди. Ортига ўгирилиб, навкарларига ниманидир уқтирди. Сўнг «Аллоҳу акба-ар!» деб ҳайқирдию қиличини ҳавога ўқталиб, жанг майдони сари от қўйди. Маҳмуд Султон ҳам «Олға, йигитлар!» дегандек имо қилди. Бир неча сония ичида икки қўшин аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Қиличлар жаранги, отларнинг кишнаши, ярадорларнинг ноласи, ғалабаға чорлов, визиллаб учаётган ўқларнинг ваҳимали товуши... Бари қўшилиб, қиёматни эслатар, саваш тобора авж пардасига чиқиб борарди. Маҳмудхонийлар жон олиб, жон бериб олишар, гарчанд Шайбонийхонни мағлуб этишга кўзлари етмаса-да, «жонидан тўйган, кишига икки дунё бир қадам» эди. Маҳмуд Султон ҳам аввалига ҳоким тўранинг «бир сиқим» йигитларига менсимайроқ боқди. Қараса, навкарлари бир-бир нобуд бўлаяпти, хатто Жамолиддин деган амири лашкар оғир жароҳат олди. Маҳмуд босимни кучайтирди. Шайбонийларнинг камончилари ўта мерган эди. Улар ёв аскаридан кўра, кўпроқ уларнинг отларини нишонга ола бошлади-

лар. Кўликсиз, пиёда аскар дархол ёғий чўқморига ёки найзасига ем бўлиши тайин. Унинг устига Шайбонийхон навкарларининг отлари семиз, бақувват, аскарлар эса, ойлик фароғат туфайли яхши дам олган, ғалаба нашидасидан, димоғлари чоғ эди.

Маҳмудхонлар тарафда талофат кўпайди. Бир-икки соат ичида Маҳмудхоннинг саккиз минглик аскаридан учдан бири ҳалок бўлди. Шайбонийлар тарафидан ҳам бир неча минг навкар сафдан чикди. Бу манзарани кузатиб турган Шайбонийхон ўғли Темур Султонга одам юборди ва тўлғамага ўтишни буюрди. Уч-тўрт минг сарбоз Маҳмудхоннинг орт тарафидан айланиб ўтиб, жангга кирди.

Маҳмудхон гўё қопқонга тушган тулкидек бўлиб қолди. Ортда – Темур Султон етовудаги пистирма, олдинда Маҳмуд Султоннинг ғазабнок йигитлари. Султон Маҳмудхоннинг тақдирга тан беришдан ўзга чораси қолмади. Иниси Олачахон икковлон қаро тунда аскарларининг саркитини эргаштириб, Тошкент сарҳадларига чекиндилар.

Бу сафар ҳам зафар туғи Шайбонийхон қўлида қолди. Қоронғи тушиб, фалакни митти юлдузлар безаганда Шайбонийхон ғолибларга улуфа тарқатгани ҳузурига амири лашкарларни чорлади. Базм тонготаргача давом этди.

Эртасига бошдан-оёқ сийму зар ила зийнатланган тулпор отда Шайбонийхон не-не ҳукмдорлар орзуси латофатли Тошкентга кириб келди. Жоме масжидида хон номига хутба ўқилди. У Абулхайрхон бобосининг севикли ўғли, Мирзо Улуғбекнинг набираси Суюнчхожани Тошкент ҳокими этиб тайинлади. Уч кун шаҳар аҳлига текин ош-сув берилди. Ғарибу ғураболарга хайр-эҳсон тарқатил-

ди. Шу кўйи она юрти Туркистонга туташ ва қардош кўхна Шош энди Шайбонийхоннинг мулкига айланди.

ХОН ДАСТУРХОН ЁЗДИ

Шайбонийхоннинг азалий бир одати бор. У қайси шаҳар ё вилоятни забт этса, авваламбор ўша ернинг бозорини бориб кўради. Зеро, бозор мамлакатнинг юз-кўзи деган ақидага ишонади.

Бу сафар ҳам кўнглининг майлига рози бўлди.

Жумъа номозидан кейин Шайбонийхон шаҳарнинг бош ўрдасига уламою умарони таклиф этди. Қозикалон, даҳа қозилари, муфтий, мударрислар, қалъа дарғаси, мухтасиб⁴. Хоннинг ўнг кўлида дил маҳрамлари Шамсиддин Яманий, Тошкентнинг янги ҳокими Суюнчхожа, шоир Муҳаммад Солиҳ, иниси Маҳмуд Султон, ўғли Темур Султон, доврўғли амири лашкарлари чордона курган. Жами йигирма чоғлиқ аҳли жамоа. Уламолар ер остидан хонга разм солиб кўядилар. Уларнинг кўнглида ҳадик, гумону мажҳул хаёл жой талашади. Улар Шайбонийхон таърифида турли-туман, яхши-ёмон сўзларни эшитган, аммо Турон заминни бир бошидан забт этиб келаётган музаффар шоҳни илк бор кўришлари эди.

Шайбонийхон ҳам бугун шоҳона либосда эмас, одмироқ кийинган. Оёғида кўнжи қизил этик, эғнида кўк шойи яктак, бошида бежирим ўралган симобий салла. Қорин текис, кўзлари қийик, калта кузалган соқол-мурти ўзига ярашган. Елкалари кенг. Туриш-турмушидан навжу-

⁴ Мухтасиб – диний қоидаларнинг адо этилиши ва бозордаги тартибни текширадиган нозир.

вонларга хос ўктамлик, шижоат ва қувват ёғилади. Магар саллага кўндирилган ёнғоқдек ёқут жиға бўлмаса, рўпарада Дашти қипчоқ лочини, дея шараф тожини кийган Шайбонийхон эмас, бирор вилоят ё музофотнинг саркори ўтирибди, деб ўйлаш мумкин эди.

Сукунат узоққа чўзилди. Ниҳоят, хоннинг ўзи сўз очди:

– Мухтарам жамоат! Сизларни бул ерга бир хайрул ният ила чорладик. Шаҳар айланиб, Тошкентимизнинг хусни жамолини бир кўриб қўйсак.

Шайбонийнинг «Тошкентимиз» деган иборага урғу бериб гапирганини эшитиб, қозикалон билан муфтий кўз уриштириб олдилар. Издиҳом гувиллаб хон таклифини маъқуллади. Абдулла Яманий фотиҳа қилди. Халқ кўзғолди. Аммо қай тарафга йўл солар эканмиз, дегандек бир-бирига ҳайрон боқиб турди. Хон ясатиғлик отининг жиловини тутиб турган хос мулозим кўлидан юганни олди, уста чавандозлардек, «бисмилло!» деб ирғиб эгарга кўнди. Шаҳар доруғаси қўл қовуштириб, хоннинг олдига келди.

– Давлатпаноҳ, буюрсинлар, қай манзилга қараб юрайлик...

– Бозорға, - деб мийиғидан кулди Шайбонийхон, - отанг бозор, энанг бозор, дебдилар, тўғрими, жаноб доруға?

Доруға бош эгди:

– Орий рост, ҳазратим...

Доруға бармоғини илмоқ қилиб Миршоҳид мухта-сибни имлаб чақирди.

– Йўл бошла! – деди қовоқ уйиб, – бозор сеники!

Бозорнинг ахволи шоҳга кўрсатадиган алпозда эмас эди. Шуни ўйлаб, мухтасибнинг ранги оқариб кетди. «Таваккалту аллоҳ!» деди ичида у, «Ё калтак остинда қолгаймиз, ёхуд... ўзинг асра, тангрим!»

Тафтишчилар йўлга тушди.

Хоннинг дуогўйи, иниси, ўғли, амири лашкарлардан бўлак жами пиёда эди. Бироз юргач, Шайбонийхон муфтий билан қозикалоннинг баланд мартабаларини эслади чоғи, уларга ҳам от келтиришни буюрди.

Ҳадемай бозорга етдилар. Кираверишда хон отининг бошини тортди. Бирдан кайфияти бузилди. Ҳаммаёқ ифлос, бозордан қўланса, чиркин ҳид келарди. Дехқонлар мева-чеваларини, зироатдан ундирган матоҳларини ерга ёйиб ташлаб, бақир-чақир қилиб сотиб ўтирибди. Пештахтанинг қораси ҳам кўринмайди. Харидор юргани йўл йўқ. Йўлакларни эшак аравалар, қоплар, хуржунлар, хумлару пақир-сақирлар, мўндилар, тоғоралар тўлдирган. Хон лабини қаттиқ тишлади.

– Жаноб мухтасиб, бизни қаерга олиб келдингиз? – деди дарғазаб бўлиб, - бозорғами, лўлихонағами?

Миршоҳид мухтасиб лом демай калласини осилтирди. Хонга яқинроқ турган Тошкент қозикалони «Падарлаънати!» деди товушини баланд қўйиб.

– Шўрлик деҳқон кетмон чоғиб нон топади, - деди хон овозини сал юмшатиб, – сиз уларга дарра уриб нон ейсиз, рўзғор тебратасиз. Вале бозори шабнинг ушмундоқ ахлатхона бўлиб ётгани билан ишингиз йўқ. Аслида даррани сизга урмоқ лозим эркан. Мазасини тотиб кўрадиларми?

Миршоҳиднинг жони товониға тушиб кетди. Кўзига дувиллаб ёш келди. Ўн йилдирки, мухтасиб лавозимида.

Шу пайтгача бирон кас, ҳатто шаҳар доруғаси ҳам унга қаттиқ-қуруқ сўз айтмаган эли. Яратганга илтижо қилди: «Ё раббим, мана бу омий фуқаролар кўз ўнгида шарманда қилма, ер тишлаб, калтак егандин ўлганим авло, ўзингга сиғиндим...»

Хон бир четда узун супургисига суяниб, ҳанг-манг бўлиб турган фаррошни чорлади.

– Супургини чўзинг!

Фаррош йўрғалаб келиб супургини хонга узатди.

– Менга эмас, муҳтасибга беринг!

Деҳқонлар кулиб юборди. Муҳтасиб супургини чангаллаб, хонга мўлтираб боқди.

– Нечун бақадек бақрайиб турибсиз? – деди хон тағин жаҳл аралаш, - супуринг. Ҳов анов ергача ахлатингизни тозаланг-чи, кўрайлик.

Миршоҳид семиз-бақалоқ, камида етти пуд келарди. Тўнқайганча, пишиллаб, ер супура кетди. Умрларида муҳтасибнинг қўлида супурги тугул, уйхалта кўрмаган тижоратчиларга текин томоша топилди. Улар «Ажаб бўлди, сенинг кунингни кўрсатадиган одил пошшо ҳам бор экану дунёда», деб гап қотар, хохолаб кулишарди.

Миршоҳид кўча чангитиб супурги ураяпти. Яна хоннинг таънаси эшитилди:

– Ҳўв, қайси аҳмоқ бундоқ супуради ерни? Озроқ сув сепилмайдими?

Мешкобчи лапанглаб келиб мешини Миршоҳидга чўзди. Муҳтасиб шалоблатиб сув сепди. Қўлига супургини олди. Терлаб-пишиб, кўчани ахлатлардан тозалай бошлади. Охири у ҳолдан тойди. Бир тошга қоқилиб, юзтубан йиқилди. Пешин намозига кечиккан фуқарою

тижоратчилар асроилдан кўрққандек кўрқадиган мухтасиб учун бундан зўр ҳақорат йўқ эди.

Шайбонийхон отининг бошини бурди.

– Оқшомгача бозор чиннидек тоза бўлсин, мухтасиб. Биз ишингизни тафтиш қилгани одам юборажакмиз. Уқдингизми? Бу сафар гуноҳингиздан кечдик.

Миршоҳид хонга етти букилиб таъзим бажо келтирганча супургисини қучоқлаб қолаверди.

КЎСА ШАЙХУЛИСЛОМ

Шайбонийхон Шошнинг бир-икки кўчасини айланди. Йўл-йўлакай бир мадрасага кирди. Хужра эшигидан мўралади. Ичкарида уч-тўрт муллабачча чопонларига ўралиб, китоб мутолаа қилиб ўтирарди. Хужра нимқоронғи, кузнинг адоғи эмасми, совуқ, зах тортган эди. Хон биқинида ялтоқланиб ўпкаси тушгудек чўчиб турган мутаваллига қараб, норози қиёфада бош чайқаб қўйди.

Хон девонхонага етиб келди, ўзига атаб тайёрланган шоҳона курсига чиқиб ўтирди. Девон котибларини чақиртириб, фармони олий ёзишни буюрди.

«Биз, Туркистон элининг султони, Самарқанд подшоси Муҳаммад Будоғ ўғли Шайбонийхон ушмундоқ қарор қилдук:

Шаҳар бозори бузиб ташлансин, ўрнида кенг, обод, саришта деҳқон бозори бунёд этилсун.

Шаҳарда тўққизта янги ҳовуз қазилсинки, халқ ичкилик сувига зор бўлмағай. Бўзсув анҳоридин шаҳар ичкарасига кичик-кичик ариқлар ўтказилсин.

Мадрасалар таъмирлансин, мударрисларнинг маоши икки баробар оширилсин, толиби илмларга бериладиган нафақа ҳам икки ҳисса кўпайтирилсин. Уларга рамазон ва қурбон ҳайити кунлари бош-оёқ либос берилсин. Бозорда ўз молини сотиб ўтирган деҳқон аҳлидан солиқ оз олинсин.

Ҳаражатлар байтул-мол⁵ ҳисобидан қоплансун». Муҳримизни босдик. Имом-уззамон, халифат-урраҳмон Шайбонийхондирмиз. Ҳижрий 907 сана, шаввол⁶.

Хон девонда қозикалон, муфтий, аълам, шаҳар доруғасию дил маҳрамларидан, Шамсиддин Яманий, Рўзбеҳон, Муҳаммад Солих, Сиғноқ қозиси Абдулмутал эшон, Самарқанднинг янги тайинланган шайхулисломи Ҳожи Барлос сингари уламолар жамоасини олиб қолди. Уларнинг олдига дастурхон ёзди.

– Расулуллоҳ суннатлари бўйинча аввал таом, сўғин калом, русумини адо этайлик, – деди биринчи марта чиройини очиб, – қани, марҳамат қилсинлар.

Икки гилам устига ёйилган азим шоҳи дастурхонда мева-чеваю емак шу қадар мўл эдики, меҳмонлар қайси неъматга қўл уришни билмай лолу карахт бўлиб қолдилар. Фақат Шамсиддин Яманийгина «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, етказган неъматингга шукурлар бўлсин» деб дастурхонга қўл узатгач, уламоларга жон кирди ва шивирлашиб, хон эҳсонидан таъм тортишга ўтдилар. Шоҳона дастурхоннинг ўртаси очилай демасди: Паркент узуми, Бахмал олмаси, Бухоро ҳолваси, Самарқанд обинонлари, Тошкент ширмойнонлари, ғоз гўшти, каклик кабоблари, бедана шўрваю, Фарғона анорлари... Хуллас,

⁵ Байтул мол – давлат хазинаси.

⁶ Ҳижрий 907 й. Мелодий 1502 й., қиш.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига ваъда қилган нознеъматнинг барчаси муҳайё эди бунда.

Зиёфат тугади. Энди машваратни бошлаш фурсати етиб келган эди. Хон рўбарўсида ўтирган Жонибек Султонга қаради.

– Жонибек, Маҳмудхон қайда экан, суриштирдингизми?

Жонибек Шайбонийхоннинг амакибаччаси, амири лашкарлардан эди.

– Суриштирдик, ҳазрат, – деди у ўрнидан салгина кўтарилиб, – туғишгани Олачахон бирла бир тунда ғойиб бўлибди. Хазинадан ҳам анча-мунча ўғирлаб кетибди, муттаҳам.

– Қайтиб оламиз хазинани, – деди хон вазмин, – аҳли аёлининг хуни бадалига эрса-да, қайтиб беради. Фикримизча, ул Аҳмад Танбални қора қилиб, Андижон кетган. Иккови азалдан табақдош эрди.

Шайбонийхон ўрнида ўрнашиброқ ўтириб, гап очди:

Азизлар! Сиз муҳтарам зотларни ҳузуримизга чорлашдан муддаомиз шулки, олдимизда икки масала кўндаланг турибди. Шул чигал муаммони ҳақ таоло фарзи, пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам суннатлари асосида ечиб берсангизлар, деган ниятда эрдик.

Уламолар, «Розимиз», дегандек бир-бир бош қимирлатиб қўйишди.

Хон давом этди:

– Маълумингизки, Самарқандда Абулмакорим отлиғ бир шайхулислом бор эрди. Анинг орқасида Хожа Аҳрор Валининг зурёди Муҳаммад Яҳёхон суюнчиқ эрди. Бул икки баттол биз Самарқандни қамалда ушлаб турғон вақтимизда бисёр ҳамоқат сўзларни айтиб, каззоблик

қилдилар. Хожа Яҳё гуёки бир тутам пахолни тутантирик қилиб берди, Шайхулислом уни ёқиб, халқ кўнглига ўт қўйди. Эмишки, ўзбаклар ёввойи, ўзбаклар вахший, гўдакларнинг қонини тўкишдан ҳам ҳазар қилмас эмиш. Биз Абулмакоримни ер остидан бўлса-да топқаймиз, иншоолло...

Эшик аста очилди. Изн сўраб, хоннинг хос маҳрамларидан амир Жонвафобий кирди.

– Узр, ҳазратим, машваратни буздик. Биз Абулмакоримни топдик.

– Қайси гўрда ётган экан ул? – сўради хон.

– Шаҳарнинг бир четида темирчи устанинг уйида жон ҳовучлаб ётган экан. Бир мусофир йўловчиман, деб бошпана сўрабди. Бул каснинг кимлигини билмаган-да, билса, эшигидан қўярмиди темирчи.

– Қани у муттаҳам, олиб кириш мунда! – деди товушини кўтариб хон.

Жонвафо Шайхулисломни олдига солиб кирди. Уламо ялт этиб эшикка қаради. Шайх бўсаға ҳатладию қўлларини ёйганча мукка тушиб ер тишлади. Жонвафо уни елкасидан тортиб турғазди. Абулмакоримнинг бошида кўк сочиқдан ўралган кичкина салла, эгнида эски, кулранг яктак, икки қўли кўксида ердан кўз узмай турарди. Башараси аёлларникидек сип-силлиқ эди. Чунки Шайх биров мени танимасин, деб соқол-мурини қириб ташлаган эди.

Хон кинояли жилмайди.

– Сизга асли баччалик ярашар экан. Соқолни не қилдингиз?

Шайх чўк тушди, ҳиқиллаб жавоб берди:

– Худо ёндирган шамни пуфлаб ўчирмоқчи бўлган кимсанинг соқоли куйди.

Бобур Самарқандни тарк этгандан сўнг Шайх, «Бу ерда юрсам, Шайбонийлар мени омон қўймайди», деган хавотирда Бобурга эргашиб Тошкентга келган эди.

Девонхонани бир неча дақиқа сукунат босди. Ниҳоят, муфтий Шайхнинг бесоқол бетига боқиб, «Иймонсиз!» деди баланд товушда. «Бул ножинсни қаттиқ жазога тортмоқ керак» деб муфтини қувватлади, қозикалон. Муҳаммад Солих, шоир эмасми, ўз одатича лутф қилди:

– Саллада шайхлик унвони бор эркан, илло каллада ислом уруғи ҳам кўринмади...

Хон Шайхдан тикка сўради:

– Халқни йиғнаб не деб ўтлаганингизни ўзингиз айтасизми ё биздан эшитасизми?

Абулмакорим яна ерга юкинди.

– Бир қошиқ қонимдин кечинг, ҳазратим, мен гумроҳни шайтон йўлдин урди...

– Шайтони лаъин қулоғингизга не деб шивирлади? Шайбонийлар сизларни бир тишлам нонга зор қилади, дедиму? Терс тушларингиз ўнгидан келадиган кун яқин, дедими? Катта дасторларингиз бошдан кетиб, оёқости бўлади деган ҳам иблисми? Аҳли аёлингиз хор-зорлик тортади, деган ёлғон сизнинг оғзингиздан чиқмай кимнинг бўғзидан чиққан эди? Гапиринг!

Шайх тилини тишлаб, миқ этмади. Зеро, хон айтган гаплар айни ҳақиқат, Шайхнинг ваъз чоғи халойиқни Шайбонийхонга қарши исёнга даъват этган сўзлари эди.

– Биз олти ой шаҳарни ўраб турдик. Истасак, бир ҳафта ичи қалъани олардик. Раиятга жабр етмасун, бегуноҳ фуқаро шаҳид бўлмасин, дедик. Неча карра сулҳ

таклиф этдик. Бобур Мирзо рози бўлмади. Таассуф! Очидан ўлган минг-минг норасидаларнинг гуноҳи, онасидан жудо бўлиб, етим қолган болаларнинг гуноҳи, етти букилиб оҳ-нола чеккан қариларнинг кўз ёши сизнинг мўйнингизда! Истиғфор келтиринг!

Хон шундай деб ўрнидан турди.

– Шайхулислом либосидаги бу бесоқолнинг ҳаёт-мамотини уламои киромга ҳавола этдик.

Тез-тез юриб чиқиб кетди. Уламолар кенгаши узок давом этди. Оқибат, бу чигал масалани ижмо⁷ асосида ҳал этдилар. Уламолар жамоаси бир оғиздан Шайхулисломни ўлимга буюрди.

Хон девонхонага қайтди. Уламоларга жавоб берди. Икки ёнида Абдулло Яманий билан маликул-шуаро Муҳаммад Солиҳни олиб қолди. Жонибек полвонни чақиртирди.

– Хожа Яҳёни ҳузуримизга келтиринг, – деди чимирилиб. Салдан кейин Жонибекнинг орқасида Муҳаммад Яҳёхон кўринди. Жонибек чиқиб кетди. Хон, Хожа не қилар экан, деб қараб турди. Яҳёхожа Шайхга менгзаб дарҳол тиз чўкиб, бош эгмади. Аксинча, енгил таъзим бажо келтирдию, «Сизни соғу саломат кўрганимдан хурсандман, шоҳим, Аллоҳим умрингизни зиёда айлаган бўлсин!» деб кўяқолди.

Хоннинг хаёлидан «Мен кимсан – Хожа Аҳрор Валийнинг зурриёдиман, Самарқанду Бухоро суфийларининг сархалқасиман», деб ўйласа керак-да, бу кибор хожа ҳам” деган фикр кечди. «Ўтиринг», дегандек қўли

⁷ Ижмо – яқдиллик. Диний арбобларнинг мураккаб масалани ечишда фақиҳ ва муждаҳид ёрдамида бир қарорга келиши.

билан рўбарўсини кўрсатди. Яҳёхон дадил юриб келиб, кичкина гиламчага ўрнашди. Ичида пичирлаб фотиҳа қилди. Хон ўнг томонига ишора қилди:

– Бул ҳазрат Шамсиддин Абдулло Яманий, бизнинг дуогўйимиз, хўш, мавлоно Муҳаммад Солиҳни танирсиз. Маликуш-шуаро. Сизнинг номаи аъмолингиз бу кишимга беш кўлдай аён. Қалъа девори оша тухмат тошидек отган битикларингиз ҳам мавлононинг бисотида турибди.

Хожа Яҳёхон бош эгди. Уҳ тортди.

– Ўтган иш ўтди, шоҳ ҳазратлари. Оқар сувни ортига қайтариб бўлмас эмиш.

– Тўғри. Вале, халқи олам сув ичадурғон ариқни харом қилмоққа ҳеч кимнинг, ҳатто сиздек зоти шарифнинг ҳам ҳаққи йўқ эди. Буни Ҳазрат эшонимизнинг фарзанди билмоғи вожиб эрди.

Хон сўзни зиёда чўзиб ўтиришни истамади. Гапнинг индоллосига кўчди.

– Бизнинг сизга айтар сўзимиз йўқ. Ўзингиздан ўтганини ўзингиз сезиб ўтирибсиз, деган хаёлдамиз.

– Жисми жонимда бир ўт ёнадур, ҳазрат,– деди Яҳёхожа паст, ўксик товушда, – бармоқдек бир чўғ гўё вужудимни ўртайди. Бу ёруғ оламга келиб, виждон азобидан зиёдароқ азобни кўрмадим. Қулнинг ихтиёри хўжасида. Бизга бир калима муборак сўзингиз кифоя. Бил балойи рози айн. Пешонамизда не кўргулик бўлса, розимиз, подшои аъзам. Хон хижолатданми, кўрқувданми терлаб кетган хожанинг кўзига тик боқиб, вазмин товушда деди:

– Сизга адоватимиз ҳам, даъвоимиз ҳам йўқ. Падари бузрукворингиз Ҳазрат эшон жаноблари мискину бенаво-ларнинг ҳомийси, мададкори эрди. Мир Алишерга кўргазган илтифотларидан-да хабаримиз бор. Устозимиз қибла-

гоҳингизни пир муршид мақомида тутардилар. Шул боис, тўрт тарафингиз қибла, хожа. Ҳалитдан бери, «Хоннинг ҳукми не бўлар эркан?» дея гавдасини титроқ босиб ўтирган Яҳёхон бироз ҳушига келди.

– Рухсати олий бўлса, аҳли хонадон бирла хонаи муборак⁸ сари йўлга тушсак, деган ниятда эрдик.

– Маъкул, – деди хон, – сизга чопқир отлардан берамиз. Йўл озиғи ҳам. Шу бугун Хуросон мулкини сўроқлаб йўлга отланинг. Ҳарифларингиз ичинда сизнинг жонингизга қасд қилиб, пичоқ қайраб юрганлари ҳам бор эмиш. Ошиғич йўл тадоригини кўринг, хожа.

Яҳёхон илк бор ўрнидан туриб, юкинди.

– Беҳад миннатдормен, подшоҳим. Жазокумуллоҳу анна хайрон⁹. То қиёматга қадар дуои жонгизни қулур-миз.

Яҳёхон қайта-қайта таъзим адо этиб чиқиб кетди.

Бир неча кундан сўнг хон хожа Яҳёнинг Самарқанд йўлида бегона кимсалар тарафидан тутилиб, фарзандлари билан қатл этилганини эшитди. Гўё Яҳёхожага ғойибона хитоб қилгандек, ўзича деди: «Биз отангиз Ҳазрати Эшон ҳурмати юзасидин дор оғочини синдирдик. Дор ипини-да уздик. Магарки, ўзингизга шаҳиди аъло мартабасини афзал кўрган эркансиз, форсийлар лутф этгандек ихтиёри ба шумо, хожа. Оллоҳнинг ҳукми вожибул мутлақдур.»

⁸ Хонаи муборак – Маккаи Мукаррама.

⁹ Жазокумуллоҳу анна хайрон – Аллоҳ биз туфайли сизни яхшиликлар билан мукофотласун.

БЕКТЕЛБАНИНГ ЭЛЧИЛИГИ

Орадан бир-икки ой ўтди. Шайбонийхон давлатининг сарҳадлари кенгайди. Кунчиқарда Сайрам, Тароз музофотлари, Сайхуннинг этагидаги Янгикент, Жант шаҳарлари, Хуросоннинг бир бўлаги Шайбонийхонга тобе бўлди. Энди шимолда Хоразму, Тошкент тарафда Фарғона вилояти қолган эди. Шайбонийхон Бухородаги устози Шайх Мансурнинг ўғитини эслади. Устоз бир куни таомдан сўнг ёш Муҳаммад Шоҳбахтнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиб туриб, деган эдилар: «Ўғлон, сен бундан кейин дастурхонни бир четидан йиғиштир, шунда панд емайсан». Шайбонийхон Фарғона вилоятини ҳам бўйсундириб, Косон, Акси, Ўш, Хўжанд каби шаҳарларни ўз мулкига қўшиб олмагунча Хоразмга черик тортиш номақбул эканлигини идрок этди. У Амир Темурнинг бир дастурига амал қилади: «Қилич билан битадиган ишнинг олдига музокараю муросани қўймоқ даркор. Магарда рақиб муросага кўнмай, қаршилиқ қилса, куч ишлатмоқ тўғри бўлади».

Фарғона Туронзамин деб аталмиш улуғ мамлакатнинг жавоҳири эди. Мусаллодек кўкка қадалган азамат арчазорлари, ҳар қултуми болдек тотли сувлари, ифор хиди анқиб турадиган чўллари, бир-бирига бош қўйган туташ боғлари, минг дардга даво ҳавосию кўзга нур, дилга сурур элтадиган манзаралари жаннатнинг бир бўлагини ёдга соларди.

Мана шундай сулув вилоятни неча йилдирки Аҳмад Танбал оғаси Бектелба, Шайх Боязид, Султон Калпук каби инилари билан бирга идора қилишарди. Андижоннинг якка ҳокими Аҳмад Танбалнинг ўзи эди.

Шайбонийхон Амир Темур васиятига кўра, «муро-саи мадора» йўсунида Аҳмад Танбалга мактуб битди. «Бугунга келиб, Фарғона вилояти ва унинг шаҳарлари бизнинг қудратли давлатимиз қарамоғида бўлмоғини вазият тақозо қилмоқда. Шу қоидадан келиб чиқиб, сизга шартимиз шулки, итоатгўйлик расмини адо этиб вилоятни ихтиёран топширғайсиз ёхуд устингизга лашкар тортиб, бору йўғингизни зеру забар қилғаймиз. Машойихлар оқилга бир ишора кифоя демишлар. Самарқанду Бухоро подшоси музаффар Муҳаммад Шайбонийхон сўзимиз».

Санаи ҳижрий 908, Ҳамал.(1503, март).

Ўзбек хонининг мактуби Аҳмад Танбалга гуё ёзчилласида ёққан дўлдай таъсир қилди. Шайбонийхон Фарғонадек латофатли ва бой ўлкадан ҳеч қачон воз кечмайди. Буни Аҳмад Танбал яхши билади. Валекин, не чора қилғай? У дўпписини минг марта айлантириб, бир неча кунгача тадбир излади. Не қилмоқ лозимки, ҳам қатли омга дучор бўлмасин, ҳам шаҳар, вилоят ҳукмронлигини асраб қолсин? Султон Маҳмудхондан кўмак сўрасинми? Илгари Маҳмудхон билан ўртага одам солиб, музокара олиб борган. Қочоқ султоннинг шарти ягона: Фарғона вилоятини икки бўлакка бўламиз, ярмига сен Танбал, ярмига биз Олачахон инимиз, Бобур жиян бирга эгалик қиламиз, деб қатъий сўзини айтди. Шу шартга рози бўлсанг, бор суворийларимиз билан ёнингда туриб, уришамиз, йўқса, Шайбоқнинг ғазабига ўзинг ем бўлавер, дебди Маҳмудхон. Танбал иштибога борди: айтайлик, Маҳмудхон Фарғонанинг ярмига эга бўлиб олгач, бирикки йил ўтиб, ёрти нондан бутуни авло, дея вилоятнинг

иккинчи ярмини ҳам талаб этмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳеч ким! «Ё парвардигори олам, ўзинг ҳидоят қилиб, бир тўғри йўл кўрсат!» деб Аҳмад Танбал Аллоҳ таолога муножот қилди. Ва оқибат, хаёлини бир ерга жамлаб, хоннинг шартига ризо бўлмоқдан ўзга чора тополмади. Хонумондин, шунча бойликдан, ўтирган иссиқ ўрнимдан айрилиб, бесару сомон, беватан мусофир бўлгандан кўра итоатгўйлик мақомига бош эгиб, вассаллик фарзини адо этганим маъқулроқ, деган қарорга келди. Зудлик билан Шайбонийхонга жавоб хати тайёрлади: «Бутун Фарғона аҳли сиздек имом уз-замон, халифат ур-рахмон жаноби олийларини интизор бўлиб кутаётирмиз. Сиз бизга ота ўрнидасиз, ваъленеъматсиз. Азим Фарғонани бамисли ипак гиламдек муборак оёқларингиз остига ёйгаймиз. Биз ҳақир фуқароларингизни бир содиқ хизматкор ўрнида кўрсангиз бас. Ҳар сўзингиз бизлар учун фарзу вожиб, дастурингиз бўйнимизга тумор...»

Мактуб ана шундай ялтоқлик, хоксорлик, риё ила давом этиб, ваъдаю вафо, садоқат рамзи ила итмомига етган эди.

Аҳмад Танбал кумуш кўзалар тўла тилла тангалар, Дамашқ қиличи, олтин сопли ханжар, тилла камар, эроний гиламлар, боз сават-сават совға-саломлар билан ўз оғаси Бектелбани Самарқандга Шайбонийхоннинг ҳузурига элчи қилиб юборди. Хон гавдаси келишмаган, паст бўйли, кўзлари олма-кесак терадиган элчини очик чеҳра билан қаршилади. Иззатини қилиб, тўрга яқинроқ ерга кўндирди. Ҳадялар учун Аҳмад Танбалга ташаккур айтди. Бектелба хат солинган зар ғилофни қўшқўллаб хонга топширди. Хон ғилофни очиб, ичидан бир варақ қоғоз олди.

У - Аҳмад Танбалнинг итоатгўйлик мактуби эди. Хон хатга енгилгина кўз югуртириб чикди. Сўнг, «Мавлоно, жанобларининг қироати дуруст, ўқисинлар», деб варақни шоир Муҳаммад Солиҳга узатди. Ўша куни хон элчининг рафт-ангорини кўрсинлар, деб ҳузурига дуогўйи Шамсиддин Яманий, Самарқанд шайхулисломи Ҳожи барлос Мажидий, муаррих ва шоир Рўзбеҳхон, ўғли Темур Султонни ҳам таклиф этган эди. Муҳаммад Солиҳ йирик-йирик ҳарфлар билан битилган бадхатроқ номани яхши қироат ила ўқиди.

– Бул қасамномани биткан кимсанинг дили бирла тили бир бўлса, на чора, ишонмоқ лозим, - деди хон.

– Магарда билъакс бўлса, унда аллоҳнинг ғазабига учрагай, -бош ирғаб хонни қувватлади шайхулислом.

Бектелба шошганидан ўрнидан ирғиб турди.

– Худо шоҳид, Аҳмад оғам ўз қўллари ила ёздилар, ўзим гувоҳман...

Хон бир лаҳза сукут сақлади. Яна Бектелбага бошдан-оёқ разм солди.

– Жаноб элчи, ўзларининг исм-шарифларини айтсинлар, билиб қўяйлик.

Элчи юкинди.

– Қиблагоҳимиз қўйган исмимиз Бектелба, - деди бидиллаб, - Аҳмад Танбалнинг туққан оғаси бўлурмиз, ҳазратим.

Маҳрамларнинг юзига беихтиёр табассум югурди. Хон ҳам кинояли жилмайди.

– Беклар телба бўлмоғи шартми ёхуд телбалардан бек сайланмоғи удумми сиз тарафларда?

Элчи тилини тишлаб, бир нима демади. Муҳаммад Солиҳ қўл кўтариб, хондан изн сўради:

– Ижозат бўлса, бир байт айтсак...

Хон ёйилиб кулди:

– Маликул-шуаро, айтинг!

Шоир ҳозиргина кўнглида туғилган бадихани ўқиди:

– Бектелба Танбалга оға бўлди, Танбал оғасига садоға бўлди.

Шу билан маросимнинг расмий қисми тугади. Хон хос муншийни чақиртириб, Танбалга нома ёздирди.

«Сўзимизга кириб, итоатгўйлик мақомини мўйинлабсиз. Биз розимиз. Вале қасамхўрликдан кўрқинг. Қасамхўр иккала дунёда жазога мустаҳиқ эканлигини унутманг. Тағин икки оғиз сўзимиз шулки, жангари навкарларингизга жувоб беринг. Сизда Андижон шаҳрини кўриқлашга етарли куч қолса, бас. Манглай тери билан қозон қайнатаётган зироатчи бирла деҳқонлар устидаги солиқларни камайтинг. Вилоятдан келадирган хирожни махфий тутиб юрманг, ўзингизга жабр қилғайсиз. Тез кун ичинда бизнинг одамларимиз ҳузурингизга тафтишга боргай. Мухтасар сўзимиз шул. Сизга яратгандан инсофу тавфиқ сўрайман.

*Муҳаммад Шайбонийхон,
Самарқанду Бухоро якка султони,
деб муҳримни босдим.»*

Хон амри билан Бектелба олиб келган совға-саломдан ҳам зиёда қилиб, Танбалга тухфалар берилди. Бектелба хоннинг хатини ўзи келтирган юмалоқ ғилофга жойлаб, бағрига босганча тисарилиб чиқиб кетди.

Хоннинг хотири андек жам бўлди. У Аҳмад Танбалнинг такаббурлигини, мол-дунёга ўчлигини биларди. Ам-

мо мунофиқлик қилиб, сўзидан қайтишини хаёлига ҳам келтирмас эди.

БИР БАЙТЛИК ЖАНГ

Аҳмад Танбалнинг элчиси Самарқанддан Андижонга қайтиб келди. Танбал оғасининг кўлидан хоннинг мактубини олиб ўқиди. Қайта-қайта ўқиди. Юзига қон югурди. Кейин бирдан сергак тортди. Шайбонийхон кўйган шартлар ичида бир модда уни таҳликага солди. Хон, жангари навкарларингиз саноғини камайтиринг, Андижонни кўриқлашга яроқли аскар қолса бас, дебди. Қандай камайтиради? Танбал Ўш, Конибодом, Марғилон, Косон каби йирик шаҳарларда беш-олти юзтадан махсус кўриқчи сарбоз сақлаб турар, ногоҳон четдан бирор босқин бўлмасин, деб эҳтиёт чорасини кўриб кўйган эди. Андижонда ҳам беш-олти мингга яқин кичикроқ кўшини бор. Хўп, ана, тарқол эълон қилиб, навкарларга жавоб бериб юборди, дейлик. Улар қайга боради? Не юмуш қилади? Улар қилич чопиб, найза санчишга, камондан ўқ-ёй отишга уста, аммо уй-рўзғор тебратгани бирон хунарлари йўқ. Тарқолнинг тағин бир хавфли томони бор. Қурол-яроғидан мосуво бўлиб, бекорхўжа бўлиб қолган собиқ навкарлар бирлашиб Танбалнинг ўзига қарши бош кўтарса-чи? Унда Шайбонийхонга ҳожат қолмайди. Танбал ўз ёғига ўзи қовурилиб, адои тамом бўлади. Йўқ, қанча мол-дунё кетса кетсин, Танбал аранг ўн мингга етказган лашкарига лашкар кўшади. Вилоятни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади.

Аҳмад Танбал хатни бир четга қўйиб, оғасига қаради.

– Сиз не дейсиз, ҳозир тарқолнинг вақtimi?

– Йўқ! - деди Бектелба қатъий, - ҳозир навкарларни тарқатиб юборсак, қўл-оёғимиз кесилади. Мен Маҳмудхонга ишонмайман. У ҳануз, Фарғонани иккига бўлайлик, деган ниятидан қайтгани йўқ. Иниси Олачахон, жияни Бобур Мирзо билан лабини ялаб, қулай фурсатни кутиб ётибди.

– Унда нима қилиш керак?

– Бир-икки минг суворийни шаҳарда олиб қолайлик, бошқа навкарларни Косон, Нанай тоғларидаги дараларга яшириб қўяйлик. Шайбонийхоннинг одамлари тафтишга келса, мана, бир қўшин шу, деб шаҳардаги сарбозларни кўрсатамиз.

– Маъқул, - деди Танбал.

Шу тариқа хоннинг сўзлари совумай туриб, алдоқчилигини бошлади. Фарғона бой ўлка эди. Тоғларида минг хил мевага бой дарахтлар, сойлари тўла балиқ, бепоён яйловларида юз минглаб қўй-эчки, бир-бирига туташ лак-лак таноб зироат, ёғочдан мўъжиза яратувчи усталар, чилангарлар, кулоллар... Хуллас, хазинанинг кони эди Фарғона деган вилоят. Танбал гарчанд Шайбонийхоннинг вассали мақомида бўлса-да, мана шу бойликларнинг якка ҳокими эканлигидан мамнун. Не илож қилиб бўлса-да шу вилоятни қўлдан чиқармаслик борасида кунтун бош қотиради. Хоннинг хирожини ойма-ой тўлаб турибди. Шайбонийхон қаерда бўлмасин – Самарқандда, Туркистон ё Бухородами Бектелба оғаси бошлиқ бир гуруҳ мулозимлар қалин-қалин совға-салом билан хон

хузурига бориб-келадилар, унинг димоғини чоғ этиш пайида бўладилар.

Танбал элчилар орқали хонга садоқат, вафо, умид, миннатдорлик битилган мактублар йўллашни унутмайди. «Ишқилиб, шу саҳройи ўзбекнинг орқаси тиришмасин, бутун нонимни яримта қилмасин» дея тангрига ёлборади. Хирождан, солиқдан уриб қолган тилла-кумушларини эса, олис тоғлар қаъридаги ит топмас ғорларга бекитади. Водариғ! Не ажабки, иймонини ютиб, мунофиқлик қилган, қасамхўрни ҳақ таъоло ҳам кечирмас экан.

Шайбонийхон тижоратчи, қаландар қиёфасидаги хуфялари орқали Аҳмад Танбалнинг муттаҳамлиги, хиёнаткорлигини эшитиб юрган эди. Танбалнинг заҳирадаги суворийлари тўғрисида ҳам хабар топди. Хон қизиқ-қонроқ бўлса-да, собир ҳукмдорлардан эди. Аммо, энди бош кўтарган илоннинг уясини бузмасанг, у аждаҳога айланиб кетиши мумкин. Қиш ўтиб, кунлар исий бошлаганда Шайбонийхон ҳарбий кенгаш тўплади.

– Андижонга юрамиз, - деди қисқагина, - Фарғонадаги ул каззобни йўқ қилиш вақти келди.

Мавлоно Солиҳ одати бўйича кулимсираб хондан изн сўради.

– Биргина байт келди хотиримизга, – деди у вабадиҳа айтди:

*Бўлди Танбалга ватан Фарғона,
Қилди Фарғонани танбалхона.*

– Офарин, устоз! - деб таъзим қилди Убайдулло султон. У шеър шайдоси эди, гоҳо назмий машқлар қилиб турар, Муҳаммад Солиҳни устод деб этагидан тутган эди.

Хон ўғли Темур Султонга ўгирилди.

– Лашкарни кўриққа ҳозирланг. Икки ҳафтадан сўнг йўлга чиққаймиз.

Аҳмад Танбал Самарқанддаги айғоқчилари орқали Шайбонийхоннинг келаётганидан хабар топди. Саросимада қолди. Шаҳар қалъасини мустаҳкамлашга киришди. Дарвозаларни кўшқабат қилди. Дарҳол Мўғулистон тарафларда юрган Султон Маҳмудхонга нома битди: «Шартингизга розимиз. Вилоятни тенг икки қисмга бўламиз. Ярми сизларники, ярми бизники. Илтимос, барча кўшинингиз бирла тезроқ ёрдамга келинг».

Шайбонийхон йигирма минг суворий билан йўлга чиқди ва Ўратепа, Исфара орқали Марғилон атрофига келиб қўнди. У беш-олти минг кишилиқ бўлинмани Жонибек бошчилигида Косонга, яна шунча навкарни Суюнчхожа етовида Ахсига юборди. Улар мабодо Султон Маҳмудхон кўмакка келса, унинг йўлини тўсишлари лозим эди.

Султон Маҳмудхон «Фарғонанинг ярми» ни эшитиб, ҳовлиқиб кетди. Бор-будини йиғиб, кўмакка шошилди. Лекин Косонга яқинлашгач, Шайбонийхоннинг Марғилонда турганини эшитиб, таҳликага тушди. У Сайхун бўйида Шайбонийхондан еган калтагини унутмаган эди. Шунинг учун ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтди.

Шайбонийхон Андижонга яқин Қорадарё мавзесига келиб тушди. Аҳмад Танбалга икки оғиз хат юборди: «Танбал, азиз жонинг ширин бўлса, яхшиликча шаҳарни топшириб, таслим бўл. Акс ҳолда сени дор оғочи кутгай».

Аҳмад Танбал уруш кўравериб савашнинг ҳадисини олган жўмард аскарларга бас келолмаслигини билса-да, қилич яланғочлаб майдонга чиқди. Икки кунгина қисқа-қисқа жанг бўлди. Темур Султоннинг илғорда турган

суворийлари Аҳмад Танбал лашкарини тўзитиб, шаҳар томон суриб борарди. Оқибат Аҳмад Танбал минглаб навкарлари, отларидан мосуво бўлиб, шаҳарга чекинди ва қалъага кириб бекиниб олди. Шайбонийхон қалъани камалга олди.

Қамал бир ойга яқин чўзилди. Хон Аҳмад Танбалга яна бир нома йўллади: «Шаҳарни топшир. Ихтиёран қалъадан чиқсанг, жонингга қасд қилинмас. Хонумонинг ҳам омон қолғай». Шайбонийхон бекорга қон тўкилмаслигини истаётган эди. Аҳмад Танбал бу шартга ҳам кўнмади. Хон қалъани забт этишга буйруқ берди. Тошотар тўплар воситасида деворлар бузилди, ҳашаматли, қалин дарвозаларга қорамой қуйилиб ёқиб юборилди. Шайбонийлар қалъага бостириб кирдилар. Аҳмад Танбал қалъа ичидаги мрамар тошлардан барпо этилган мустаҳкам арк ичида писиб ётган экан.

Уни судраб чиқиб, хон оёғи остига ташладилар. Хон юзини терс бурди.

– Дорга! - деди бир оғиз.

Аҳмад Танбал билан инилари дорда жон таслим қилдилар.

Султон Маҳмудхон Косонга етмай туриб, изига қайтгач, Бобур тоғаларига эргашмади. Чунки тоғаларига у ортиқча юк бўлаётганини англади. Садоқат кўрсатиб, ёнида юрган икки юз навқари билан тоғларга чиқиб кетди. Бобурда бировнинг, жумладан Шайбонийхоннинг ҳам хусумати йўқ эди. Шу боис у изқуварлардан хавотир олмаса ҳам бўларди. Бобур бир муддат она юрти Ахсининг четроқ гўшасида турдию, ола-тасир босилиб, Шайбонийлар лашкари Андижондан кўчгач, тоғ сўқмоқлари орқали водийнинг овлоқ бир ерига кетишни

мўлжаллади. Бобур Ўратепа, Рошидон, Сўх орқали юриб, Хушёр отлик манзилни макон қилди. Аҳли аёлини ҳам шу ерга кўчириб келди. Хушёрда бир йилга яқин яшади.

Бобур закий ақли билан сездики, энди висол мавсуми тугаб, видо фурсати етишган эди. Алал-оқибат тукқан юрт тупроғини кўзига суртиб хўшлашди ва отининг бошини жануб томон бурди. Бу садпора юрак соҳибининг қайси манзилни кўзлаб бораётганини бир худодан ўзга ҳеч ким билмас эди.

МУСИБАТ

1505 йилнинг охири Самарқанд. Қиличини судраб қиш келган. Қор устига қор ёғади. Кун совуқ. Кўчаларда одам сийрак. Зарурат юзасидан уйларида чикқан битта-ярим йўловчи оғиз-бурунларини, кулоқларини салланинг учи ёхуд кўлрўмол билан ёпиб олганлар.

Шайбонийхон хос хонасида танҳо ўтирибди. Икки ёнбошида даста-даста китоб: куллиётлар, тазкиралар, баёзлар. Олдида миз - хат ёзгани пастак хонтахта. Хон рўпарадаги каттакон, юмалоқ манғалда потирлаб ёнаётган ёнғокдек қип-қизил чўғларга хаёлчан тикилиб қолди. Чўғлардан чиқаётган ҳарорат гўёки кўнглига кўчгандек бўлди. У ёлғиз фарзанди Темур Султонга бағишлаб «Панднома» деган бир рисола битаётган эди. Хомани олиб, икки сатр ёзди: «фарзандим, жигарбандим, сен менинг банди-бандим...» Кўкрагини фаҳру ҳаяжон чулғади: Дилига қуйилиб байт келди:

*Эр эсанг, иш излагин мардонае,
Ҳиммат ила бўлгасен дурдонае...*

Хон пандноманинг давомини насрий услубда давом эттирмоқчи бўлди ва қитирлатиб ёза кетди: «тақи ўнгдин мурод шариат ибодати турур, сўлдин ишорат сиёсат камчиси турур. Шариат бирла амал қилиб, ибодат қилсанг, ўз баданингга ва аҳли аёлингга ва раиятга сиёсат камчисин. Иликка олиб, адл қилсанг, ҳар ойина худойим ишингни кундан-кунга орттирур ва яна ичкидин¹⁰ ишорат руҳинг турур».

Хон одам боласини залолатга бошловчи ёмон хулқатвор ва инсонни муқаррам айлагучи гўзал хулқлар таърифида бир шеър¹¹ битди ва хомани мизга қўйди. Эшик қия очилиб, эшикоғасининг боши кўринди.

– Киринг! - деди хон.

Эшикоғаси икки қадам босди, таъзим қилди.

– Ҳазратим, Муҳаммад Солиҳ изн сўрайдир.

– Ўзимиз соғиниб эрдик мавлоно Солиҳни. Чорланг!

Малик ул-шуаро кирди. Ўтириб фотиҳа қилди. Хон унинг маҳзун тортган юзига боқиб, сўради:

– Рангингиз... бундайроқ, мавлоно. Нечук ахволдасиз?

Шоир соғлиғидан шикоят қилди.

– Сўнг кезларда руҳимни бир иллат қийнайду. Шоҳимдан ижозат бўлса, Бухоро борсам. Волидаи зоримни тавоб қилсам. Зора табибга ҳожат қолмаса.

– Маъкул, - деди хон, - онаизорнинг дийдори ҳам шифои дард эрмиш. Боринг. Биз ҳам ёвуқ кунлар ичи Хоразм сари йўлга чиққаймиз.

¹⁰ Ичкидин ишорат руҳинг турур – ўз ишингдан кўнглинг тўлар, маъносида.

¹¹ Бу шеър шарҳи келгуси фаслларда тўла баён қилинди.

Мавлоно мизда ётган ялтироқ қоғозларга назар солди.

– Ҳазратим, иншо муборак. Ҳаддимиз сифса, биз ҳам баҳраманд бўлсак...

Хон пандноманинг насрдаги варағини олиб узатди. Шоир ютоқиб ўқиди. Бир байтлик шеърга бир қур боқдию ёдаки қироат қилди:

*Эр эсанг, иш излагин мардонае,
Ҳиммат ила бўлгасен дурдонае.
Шоҳона байт бўлубдур, қутлуғ, ҳазратим...*

Хон сукут сақлади. Сўнг бомдоддан бери юрагини тимдалаётган ғашликни айтишга жазм қилди:

– Мавлоно, сахар вақти туш кўрибман. Боштин-оёқ оқ либос кийган бир қария олдимга келди. «Ҳей, ғофил инсон, воқиф бўл, сенинг жиба отингни ўғирламоқ истайдилар», дейди. Жиба отларим бисёр, дейман мен, бир отимни олсалар не парвойим бор? «Сенинг икки қунғор отларинг ҳам бор, эсингдан чиқдимму? Бирисин овлоққа илиб кетмоқчилар». Икки қунғор отимда кимнинг қасди бор, нега олади, деб уйғондим: Субҳи содиқдин буён паришонхотирман, мавлоно. Бу не башорат бўлди, таъбирини тополмай, ақлим лол...

Шоир хонга тасалли берган бўлди:

– Шоҳимизнинг мулкига дахл қилғони қайси ножинс мардумнинг ҳадди бор. Тушга ҳар не ҳолат кирар, туш янглиғ ўтар, дейдилар. Иншоолло, биру борнинг ўзи паноҳимиздур.

– Иншоолло, - деди хон ҳам ва олдидаги кумуш қўнғироқни босди. Эшик оғаси кирди.

– Чоғир келтиринг! - деди хон.

Бир ҳафтадан кейин Шайбонийхон улуғ лашкар билан йўлга чиқди ва икки кундан кейин Қаршига бориб қўнди. Унинг кўнгли ҳамон хижил, ҳамон хаёлидан оқ либосли қариянинг «қунғор отингдин айриласан», деган совуқ башорати кетмас эди.

Шайбонийхон уч-тўрт кун черикни кўриқдан ўтказди. Навкарларга иссиқ кийим бош ғамлашни тайинлади, отларга ҳам қалинроқ ёпинчиқлар ёпишни буюрди, кигиз ўтовлар, манғал учун саксовул ҳозирлаш кераклигини уқтирди.

Юз минг нафар лашкар мухорабага тайёр ҳолатга келди. Хон дарёдаги муз эриб, Жайхуннинг суви тошмай туриб, Хоразм ерларига ўтиб олишни мўлжаллаган эди. Аммо бурғилар, ноғоралар чалиниб, лашкар энди йўлга отланиб турганда Қундуздан чопар келди. Чопар отидан қўшоёқлаб сакрадию кўриқчиларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, хон ўтовига қараб югурди:

– Эшикдан кириб, мук тушди, хонга илтижоли бокди.

– Ҳазратим... бир қошиқ қонимдин... кечинг, - деди хансираб.

– Гапир, не бўлди? - Хоннинг ранги ўзгарди.

– Пушти паноҳимиз... баҳодир Маҳмуд Султон ҳазратлари... номаълум бир маразга йўлиқиб...

Хон чопарнинг сўзини кесди:

– Султон тирикми?

– Иншоолло, тириклар... мана, шоҳимизга нома.

Чопар эмаклаб бориб, хон олдига ғилофга солинган хат қўйди. Хон юраги дукиллаб, мактубни очди. Хатни Шайбонийхоннинг ишончли амирларидан Жалолиддин баҳодир ёзган эди. Икки йил бурун Шайбонийхон суюкли

иниси Маҳмуд Султонни Қундуз вилоятига ҳоким этиб тайинлаган, унга оталиқ қилиб, ёнида маслаҳатгўй бўлишни ана шу ўрта яшар, дунё кўрган Жалолиддин амирга топширган эди. Жалолиддин Маҳмуд Султоннинг ёмон дардга дучор бўлиб, ҳушсиз ётганини айтиб, уни Бухоро ё Қаршига олиб келишга ижозат сўраган эди.

Хон ирғиб туриб, ташқарига чиқиб кетди.

– Темури Султонни чақиринг! – деди хос кўриқчига. Кўриқчи лўкиллаб кетди. Лаҳзадан кейин қути ўчган Темурни бошлаб келди.

– Маҳмуд Султон ҳушсиз ётган эмиш. Лашкарга эрк беринг. Қабатингизга Жонибек билан Суюнчхўжани олинг. Дархол йўлга чиқинг. Қундузга бориб, Маҳмуд Султонни бу ерга олиб келинг!

Ярим соатлар ичида Темури минг чоғлиқ аскар билан Қундуз сари жўнаб кетди. Хон лабини тишлаб ўйланиб қолди: «Тирикмикан. Ишқилиб, жони омон бўлсин-да. Ё раббим, мени ёлғиз жигаримдан жудо қилма. Ўзингга сиғиндим...»

Тонг отгунча хоннинг кўзи илинмади. Сийнасини турфа сўроқлар, гумонлар эзғилайди: «Нечук маразга гирифтор бўлди эркан? Қизик, табиблар иложин қилолмабди-да...». Яна хаёлида оқ либосли чолнинг қиёфаси жонланди. Кўнгли бузилди. Иниси Маҳмуд билан етимликдан чеккан жафоларини, йигитликда юртма-юрт саргардон кезган вақтларини эслади, кўзлари нам тортди: «Энди оғзинг ошга етганда, азиз бошинг тошга етдими, жигарим?»

Қундуз олис эди. Агар Термиз орқали жадал юрилганда ҳам камида бориш-келиш бир ҳафталик йўл эди. Хон дамба-дам ўтовидан чиқиб, йўлга қарайди.

Бир-икки навкарни карвондан дарак йўқми, деб дарё томонга юборди. Ҳамма безовта. Аскарлар тўп-тўп бўлиб, ўзаро оҳиста сўзлашадилар. Маҳмуд Султоннинг ўлик тиригидан ҳали хабар йўғу, лекин лашкаргоҳда сўник, руҳсиз бир кайфият ҳукмрон.

Ниҳоят, олтинчи кун оёқлаб, шом кирганда от чоптириб келаётган Суюнчхўжа кўринди. У учиб хон ўтовига кирдию амакисининг бағрига отилди, ўкириб йиғлади:

– Султоним... гавҳарим... жону жаҳонимдин айри-либ қолдик...

Хон жиянини маҳкам қучоқлади. Кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Лашкаргоҳда эса, «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» деган жўровоз садолар янгради. Хон ўтовига бирин-кетин Шамсиддин Яманий, Самарқанд шайхул-исломи ҳожи Барлос, насафлик Раҳматулло қори, Муҳаммад Солих, Рўзбеҳхон кириб келдилар. Шамсиддин қўлларини дуога очди:

– Ло илоҳа иллоллоҳул-олийул азийм, ло илоҳа иллоллоҳу раббул аршил-азийм¹²... Раббано, даргоҳинга бош суниб борган тақводор банданг Баҳодир Маҳмуд Султон Будоғ ўғлини мағфиратингга олғайсен, унга кўшки беҳиштийнинг кўркам ерларидан ўрин ато этгайсан. Ё арзу самовот эгаси! Шаҳаншоҳимизнинг мулку давлатини зиёда қилгайсан, азиз умрини нури ислом била чароғон айлаб, авлод-аждодини ўз паноҳингда асрагайсан. Валлоҳи аълам биссаваб!

Шундан кейин барча таъзим бажо келтириб, хондан кўнгил сўрадилар.

¹² Аллоҳдан бошқа сифинишга сазовор зот йўқ, ёлғиз Аллоҳ таологина аршнинг парвардигоридур.

Хон Убайдулло султонни чақиртирди. Унинг юз-кўзини силаб, тасалли берган бўлди.

- Аллоҳнинг ҳукмига бўйсинмоқдин ўзга иложимиз йўқ, ўғлим. Сиз энди Бухорога бориб, онаизорингизни олиб келинг. Машъум хабарни айтманг. Тўй тадориғи экан, деб қўяқолинг. Жисми жони куймасин.

Яқинда хон Суюнчхўжанинг қизи Ойсулувни Убайдуллога никоҳлаб қўйган, Хоразм сафаридан олдин уларнинг тўйларини ўтказиб бермоқчи эди.

Убайдулло султон хос навкарлари билан Бухорога жўнаб кетди ва икки кундан кейин онасини олиб келди. Моҳирўйбегим қароргоҳдаги қора кийган қиз-жувонларни кўрдию тўйга эмас, мотамга келганини дарров англади. Хонзодалар, канизаклар, мураббия оқсочлар бирин-кетин келиб, хоним бегимни қучоқлаб йиғлар экан, онаизор ҳам ўзини тутолмади, товушини баралла қўйиб, йўқлов айтишга тушди:

*Бизни ташлаб фироқа, султоним-ай, султоним,
Ўзинг кетдинг йироққа, вой султоним, султоним...*

Маҳмуд Султоннинг жасадини бомдод маҳали олиб келиб, жоме масжиди ҳовлисига қўйдилар. Хон майитнинг юзини очиб кўрдию унинг кўкрагига бош қўйиб, хўнграб юборди. Шу кўйи бир неча дақиқа бошини кўтармади. Ниҳоят, қаддини ростлади, кўзёшларини артиб, изига қайтди.

Майитни ювиб-чайиб, жанозасини ўқидилар. Хон амрига биноан майитни Самарқандга элтиб, Шайбоний-хонлар хилхонасида дафн этишга қарор қилинди. Мотам маросимига Темур Султон бошчилик қилди.

У юзлаб сара кўриқчилар қуршовида Самарқандга жўнаб кетди. Қароргоҳда уч кунлик мотам эълон қилинди.

Хон ҳарамга ёндош улкан хонага кирди. Бир тўда аёллар бир-бирини кучоқлаб, Моҳирўйбегимнинг елкасига бош қўйиб, уввос тортиб йиғлашарди. Хоннинг йўталини эшитиб, ҳаммалари овозларини ўчирди. Юзларини бекитиб, ерга боқиб қолдилар. Хон ёнидаги Раҳматулло қорига им қоқди. У ширали, жарангдор товушда Қуръон тиловот қилди. Юзига фотиҳа тортди. Хон келинига қараб, мулойим сўз очди:

- Бу дунёга ҳеч ким устун бўлган эмас. Бу дунё бир карвонсарой. Келдилар, кетдилар, келамиз, кетамиз. Аллоҳ боқарам суйган бандасини даргоҳига чақириб олар эрмиш. Кўзёшларингизни артинг, сабр қилинг, шукр қилинг. Қарчиғайдек ўғлингиз бор, анинг умрини ўйланг. Келинлик бўлдингиз, бундан буён Убайдулло билан бирга Қундузда тургайсизлар. Жонингиз омон бўлсин.

Моҳирўйбегим қайноғаси сўзини тугатгунча тикка турди.

Хон оҳиста юриб, ҳарамхонадан чиқиб кетди.

Орадан тўрт кун ўтди. Темур Султон билан Убайдулло жигарларини тупроққа топшириб қайтдилар. Хон Убайдуллони ўтовига чорлаттирди. Уни биқинига ўтказди. Жиянининг бошини силаб ўтириб, дилини оташ бўлиб ўртаётган дарду ҳасратини айтиб олди:

Кўзим кўзи, жоним жони!

Манго роҳатга отангдин йўл эди,

Манга дунёда кўрар кўз ул эди.

Фалаки умрида юлдуз сен эдинг,

Анга оламда кўрар кўз сен эдинг.

*Чун манга ул эди чаими равшан,
Басе, кўзимнинг кўзи сен бўлгайсан.
Шоҳим ул эрдию султоним ул,
Нотавон жисмим аро жоним ул.
Чун манго жон эди ул кони адаб,
Жон жоним сени десам, не ажаб.
Ҳосили руҳи равони сен эдинг,
Балки олам аро жони сен эдинг.
Бор, отанг ўрнида Султон бўлгил,
Шоҳи фатҳу Зафарни қўлгил.
Гар йироқ сен манго ўз ўғлимдин,
Яхшироқ сен манго ўз ўғлимдин.
Кадхудолик сенга қутлуғ бўлсун,
Подшолик сенга қутлуғ бўлсун¹³.*

Хон Убайдулло Султонни Қундуз вилоятига ҳоким этиб тайинлади. Унга бир туман аскар, қурол-яроғ берди. Хоннинг дунё кўрган, синовлардан ўтган амирларидан Урусбек баҳодир ёш султонга¹⁴ отабек-маслаҳатгўйи бўлди. Хон Убайдуллога «Урусбекни отанг ўрнида кўр, сўзидан чиқма, ўғлим», деб уқдирди.

Хон Қундузнинг янги ҳокимини олис йўлга кузатиб қўйди, ўзи Хоразм сафарига ҳозирлик кўра бошлади.

¹³ Шоир Муҳаммад Солиҳ Шайбонийнинг нола тўла сўзларини маснавий йўлида баён қилган эди. Биз шу матндан фойдаландик.

¹⁴ Убайдуллахон бу маҳалда энди ўн тўққиз ёшга тўлган эди.

ҲИРОТ

1506 йилга бориб Мовароуннаҳр деб аталмиш бепоён ва маъмур ўлканинг барча вилоятлари Шайбонийхон тасарруфига ўтди. Бу ёғи Андижон, Фарғона, Тошкент, бу ёғи Туркистон диёри, эндиликда имоми замон, халифат ул-рахмон деган унвон соҳиби Муҳаммад ибн Будоғхон ибн Абулхайрхон Шайбонийхоннинг амри маъруфида эди.

Илло, ҳали Шайбонийхоннинг кўнгли тўлмаган эди. У Хуросоннинг гавҳари саналмиш Ҳиротни забт этмагунча иззати нафси қонмаслигини биларди. Шунинг учун фозиллар, уламолар, шоирлар шаҳри бўлмиш Ҳиротни кўлга киритиш ҳақида режа туза бошлади.

1506 йил 5 майда Хуросоннинг якка ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро оғир хасталикдан сўнг вафот этди. Тахт учун Бойқаронинг икки ўғли Бадниуззамон билан Музаффар Мирзо жон олиб, жон бериб курашдилар. Мамлакат пароканда бўлди. Бундай вазиятда ташқи рақибларга ем бўлиб кетиш ҳеч гап эмас эди. Уламолар кенгаши тахт вориси сифатида икки шахзодага хутба ўқитишни маъқул кўрди. Бу қарор иккала даъвогарни қаноатлантирмади. Тағин ҳаёт-мамот жанги бошланди.

Шайбонийхон қулай фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У икки шахзодага хат ёздириб, элчилар орқали жўнатди. Мактуб мухтасар эди: “Ота-боболаримиз қатли омдин мураса афзалдир, демишлар. Улар бир-бирларига марҳаматли эрдилар. Биз ҳам шул дастурга амал қилсак деган ниятдамиз. Хуросонни бой бердингиз. Минбаъд ақлу дониш ила иш кўринг. Бегуноҳларнинг қонин тўк-

маклик ношаръийдир. Қуръони карим сўзини хотирланг. Оллоҳ таоло, “Сулҳ яхшироқдир” деб иноят қиладур”.

Шайбонийхон “Улар бир-бирига марҳаматли эдилар” деганида олис ўтмишдаги ажиб бир мулоқотга ишора қилган эди. Ҳамон ёдида, ўн олти-ўн етти ёшларда эди. Раҳматли бобоси Абулхайрхон ажнабий меҳмонларни қабул қилганида ўсмир Муҳаммадни ҳам даргоҳига чорларди. Бир куни Хуросон тахтининг даъвогари Ҳусайн Бойқаро Хоразм вориси Абу Саиднинг таъқибидан қочиб, Дашти қипчоққа, Абулхайрхон олдига кўмак сўраб келди. Хон ёш шаҳзодани илиқ кутиб олди. Унинг шарафига зиёфат уюштирди. Базм асносида Абулхайрхон Ҳусайн Мирзодан тобуғ русумини адо этишни сўради. Дашти қипчоқ хонлари урфига кўра, тобуғ - хон олдига тиз чўкиб, садоқат билдиришни англатарди. Бойқаро икки ўт орасида қолди. Хон оёғига йиқилса, ғурури шикаст топади, йиқилмаса, ҳарбий кўмакдан маҳрум бўлади. Базм оёқлай деганда, Бойқаронинг кайфи ошади ва мажбуран хон оёғига мук тушиб, этагини ўпди. Абулхайрхон кўмаклашувга ваъда берди. Аммо 1469 йили у тўсатдан вафот этиб, Ҳусайн Бойқаро қуруқ қўл билан юртига қайтди.

Элчилар Бадиуззамондан рад жавобини олиб келдилар. “Биз темурийзодамиз, - дебди ўз мактубида шаҳзода, - сенинг дағдағангдан ҳуркадиган номард йўқ. Қиличимизнинг зарбини соғинган бўлсанг, келабер!”

Шайбонийхон калта кузалган сийрак соқолини силаб, ғижинди: “Борамиз, шаҳзода! Отанг улуғ бобомга томуғ қилган эди, магар қочиб кетмасанг, сен ҳам томуғ айлагани мажбур бўлурсен, иншооллоҳ!”

1506 йилнинг кузида Шайбонийхон Хоразмни эгаллади. Сўнг ғолибият нашъасидан маст бўлиб, отининг бошини Ҳирот сари бурди. Шайбонийхон мулоҳазали, етти ўлчаб бир кесадиған тадбиркор ҳукмдор эди. Бу сафар у Ҳиротга босқин ясашни ният қилмади. Нияти - шунчаки азим шаҳарга элтадиған йўлларни, кўприкларни кўриш, қалъа ва истехкомларга разм солиш эди. У озроқ сонли лашкари билан Хуросон ерларига қадам кўйди. “Туркистонлик саҳройилар”нинг Қундуз, Балх каби шаҳарлар атрофида пайдо бўлганини эшитиб, иккала тахт вориси, уламою умаро безовта бўла бошлади. Улар шошилинич равишда аскар тўплашга киришдилар. Унгача Шайбонийхон бир зарб ила Балх вилоятини кўлга киритди ва маҳаллий халқ кўнглига ваҳима солиб, Самарқандга қайтди. Лашкарга тарқол эълон қилди, эллик-олтмиш минглик ихчам кўшини билан Сарипул, Зарафшон бўйларида қишни ўтказди. Кўклам чирой кўрсатиб, бойчечак очилганда Ҳирот сафарига тайёргарлик кўра бошлади. Андижондан Жонибек Султонни, Ҳисори шодмондан Ҳамза Султонни чақиртирди. Катта кўшин билан Туркистондан Кўчкинчихон етиб келди. Убайдуллахон Бухорода эди, эллик минг кишилик аскар билан амакисини кутиб турарди. Ўғли Темур Султон ёнида, унда ҳам олтмиш минг навкар бор.

Сипоҳилар саф тортди. Шайбонийхон лашкарни кўздан кечириб, кўнгли тўлди. Қиш бўйи уй-уйларида хордиқ чиқарган жангчиларининг вақти хуш, отлари ер тепиниб, гижинглаб турибди. Шайбонийхоннинг муқим дуогўйи Шайхулислом Шамсиддин Абдуллоҳ ҳазрат кўл очиб, дуо қилди, хонга музаффарият, душманга забунлик тилади. Шайбонийхон ичида Оллоҳга муножот қилиб,

ояти карималардан ўқиди. Икки юз минг кишилик азим лашкар Ҳирот қайдасан, деб йўлга тушди. Манглайда - Убайдуллахон йигитлари, баронғорда (ўнг тарафда) Кўчкунчихон, жавонғорда (сўл тарафда) Жонибек Султон, ғул, яъни кўшин марказида Шайбонийхон билан ўғли Темур Султон, лашкар ортида эса Ҳамза Султоннинг камончилари карвонни кузатиб борарди.

Шайбонийхонларнинг отлари чопқир, чигил, қорлуқ, ўғуз, мўғул, қипчоқ каби уруғлардан сайлаб олинган йигитлари ёвқур, мерганликда ҳам, қиличбозликда ҳам камол касб этган жангчилар эди. Лашкар март адоғида йўлга чиққан бўлса, апрель оёғида Ҳирот атрофида пайдо бўлди. Шаҳарни тўрт тарафдан ўраб, қилич яланғочладилар. Шайбонийхон яна бир карра сулҳ таклиф этди. “Беғуноҳларнинг қони тўкилмасин, ихтиёран шаҳарни топшириб чиқинг”, деган мазмунда Бадиуззамонга мактуб йўллади. Бунга қарши шаҳзода жанг камарини белга боғлади. Амир Зуннун Арғунни бош кўмондон этиб тайинлади ва Музаффар Мирзо укаси билан майдонга чиқди. Аммо чор тарафдан мўр-малахдай ёпирилиб келаётган Шайбонийхонлар сиқувига дош беролмай, исканжада қолди. Зуннун Арғун биринчи олишувдаёқ ўлдирилди. Ҳирот ҳимоячилари саросима ичида қолди. Улар бепоён саҳродан бостириб келаётган даҳшатли қуюн қаршисида қолган нозик-ниҳол дарахтларга менгзарди. Бир ҳафтага бориб-бормай, Ҳирот тақдири ҳал бўлди. Бадиуззамоннинг минглаб йигитлари шаҳид кетди, минглагани асир тушди. Ва ниҳоят, Бадиуззамон аҳли аёлини ташлаб Қандаҳорга қочди, иниси, ярим тахт вориси Музаффар Ҳусайн ўз бошини қутқаргани Астробод сари жўнаворди.

Шундай қилиб, Шайбонийхон олдида муаззам Ҳирот-Ҳирий дарвозалари ланг очилди.

Шайбонийхоннинг нуқраранг салласида тилла тож-жиға лов-лов ёнади. У оқ бедов отда Ҳиротнинг ҳашаматли, кунгарадор дарвозасига хаёлчан термулиб турибди. Ҳирот! Шарқнинг улуғвор зийнати! Хуросон тилла узук бўлса, Ҳирот унинг ёқут кўзи! Ҳирот! Шоирлар шоҳи Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллуд топган муборак маскан! Ҳирот! Фозиллар бешиги, авлиёлар, алломалар макони!

Ҳиротнинг бешта улуғ дарвозаси бор эди: Малик, Қипчоқ, Хуш, Ферузобод, Ироқ. Шайбонийхон ҳозир шимолий дарвоза бўлмиш Қипчоқ қопқаси олдида турар, деразалари ойнабанд қилинган кўшқабатли уйларга завқланиб боқар, дилида бадиха-шеър жавлон урарди: қозию қазию қимиз керак, эй аҳли Ҳирий, барчамиз керак...

Шаҳарнинг шимол тарафидан Инжил анҳори оқар, анҳор соҳили Навоий қурдирган иморатлар билан тўла эди. Шайбонийхон уларга шикаст етказмасликни буюрди. Шунингдек Инжил ёқасида Навоийнинг шахсий маблағи эвазига бунёд этилган Халосия деб аталмиш бир гуруҳ иншоотлар ҳам қад ростлаганди. Халосия таркибида шифохона, хонақоҳ, ҳаммом, ғариб-ғураболар учун бош-пана, карвонсарой бор эди. Халосия мажмуаси аҳли мўминнинг маиший аҳволини яхшиласа, Ихлосия мадрасасида толиби илмларга бепул таълим бериларди. Халосияда вазири акбар Мир Алишер кўрсатмасига биноан наврўз кунлари, ҳайит арафасида фуқароларга икки минг пўстин, кўйлак-чолвор, кафш, дўппи ва телпак инъом қилинарди.

Халосия ва Ихлосия масжид-мадрасаларидан сал нарида Навоий Шифоия дейиладиган яна бир иморат барпо эттирган эди. Бу ерда йил ўн икки ой бева-бечоралар, муолажага мухтож беморлар текин даволанади. Барча харажатлар қўли қадоқ, усти ямоқ нотавон кимсалар дўсти, ҳомийси ва дуогўйи Мир Алишер ҳазратларининг зиммасида эди.

Бирдан карнай-сурнай, ноғора садолари янгради. Шаҳар аҳли мамлакатнинг янги хўжасини қутлаётган эди. Салдан кейин дарвозада уламою умаро кўринди. Олдинда шайхулислом Сайфиддин Аҳмад. Унинг қўлида қалъа калитлари терилган улкан тилла баркаш. Шайхул-ислом Шайбонийхоннинг рўпарасига келиб, таъзим қилди. Баркашни типирчилаб турган бедовнинг туёқлари остига қўйди. Сўнг уч карра хонга таъзим қилди:

– Юртимизга хуш келибсиз, имоми замонимиз, халифат-ал раҳмонимиз! Улусқа маъмур ҳаёт, мамлакатга файзу барака олиб келганингиз муборак бўлғай!

У четланди. Мулозимлар хонга аталган қимматбаҳо совға-саломларини бирма-бир элтиб, махсус тахтиравонга дасталай бошладилар.

Ўртага Ҳирот қалъасининг доруғаси Шомирзо Кутвол чикди. У Шайбонийхон отининг узангисини сийпаб, кўзига суртди. Сўнг ўз тилида бидирлади:

– Басари мо хуш омадед, олампаноҳ!

Кутвол “Аз қадами Халифат-ул раҳмон...” деб сўзини давом эттирмоқчи эди, хон қамчи ўқталди.

– Бас қилинг! - деди қаҳрланиб, - сиз, нобакор инсон, Ҳиротнинг нонини ейсиз, сувини ичасиз! Илло туркийча сўзламакни ор билдингизми? Инсоф борму, иймон борму сизда!

Кутвол “Бийз зуллисонайнмиз, ҳазрати олийлари”, дея ўзини оқламоқчи бўлди.

– Сизга эртан оқшомгача мухлат, - деди хон ўзини босиб, – Мир Алишернинг бир жуфт туркий ғазалини ёд олиб, ҳузуримга боргайсиз. Кўрайлик-чи, забонингиз туркийда нечук сайрар эркан!

Доруға кўрққанидан икки букилиб қолди.

Қуллуқ маросими ниҳоясига етди. Шайбонийхон атрофига бокди. Ҳали замон Кутволга Мир Алишерни эслатганида хаёлига ҳазратнинг бир байти ярқираб келди:

*Нафс комига изтироб этма,
Ўзнию мулкни хароб этма.*

Устоз бу каломи ила гўё соҳиби давлатларга васият қилгандек эди.

Шайбонийхон ёнбошига ўгирилиб, “Жонибек Султон, қайдасиз?” деб чорлади. Хоннинг жасур амирларидан саналмиш Жонибек мавқеига қараб, Убайдуллахон, Темур Султонлардан бир-икки қадам орқада турган эди. У отини қичаб хон олдига келди, ирғиб тушиб, қуллуқ бажо келтирди.

– Жонибек, сиз Темур Султон бирла қалъани тозала-тинглар. Ҳазина олиб чиқиб, байтулмолга қўшилсин. Уламолар мулкига дахл қилинмасун. Мискинлар, бенаво қашшоқларга ҳам тегманг. Илло, умарою боёнлар давлатини мусодара этинг.

Шайбонийхон қамчисининг сопи билан оппоқ одми салласини тўғрилаб қўйиб, ҳиротлик элчиларга қаради:

- Ҳарам не кўйда эркан, ким айтади?

Оломон ичидан чийиллаган товуш эшитилди:

– Хон ҳазратлари, иккала шахзода бош олиб кетганидан берисига ҳарам эгасиз қолди. Маликалару канизаклар қон қақшаб ўтирибди.

Шайбонийхон ёқасини чангаллади:

– Во ажаб! Темурийзодалар аҳли аёлларидан тониб, қочиб қолибдилар-да! Жонондан жон ширин эрканму? Бу не шармандалик!

Хон ўғли Муҳаммад Темурга юзланди:

- Темурбек, ҳарамни шаҳардан работга кўчиринг. Қўриқчилар қўйинг.¹⁵

Шайбонийхон қароргоҳига қараб кетди. Мўмай ўлжа умидида кўзлари ўйнаб турган навкарлар чигирткадек шаҳар ичкарасига отилдилар. Ҳирот етти кун давомида талон-тарож бўлди. Илгари у гуллаб-яшнаб турган безавол азамат дарахтни эслатарди. Энди эса, баргию гулу ғунчаси юлиниб, шоҳ-бутоқларидан айрилгач, саҳродаги қоқ ёғочга ўхшаб қолди.

1507 йилнинг 20 май куни Жоме масжидида Шайбонийхон номига хутба ўқилди. У Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ягона ҳукмдори деб эълон қилинди.



¹⁵ Музаффар Мирзонинг хотини Қорақўз бегимни Шайбонийхон ўз никоҳига олади. Хусайн Байқаронинг аёли, улуғ малика Хадича бегимни хос мулозимларидан бири Мансур бахшига инъом этади. Хадича бахши билан уч кун яшаб, ўлади.

ТОПАҒОН БЕҲЗОД

Ҳиротнинг олинганига бир ҳафта бўлди. Бир ҳафтадирки, Ҳирот кўчаларини оддий навкардан саводсиз отбоқаргача мўр-малахдай кезиб, қўлга илинган нарсани ташқарига ташийди. Бу қадим ва зебо шаҳарнинг бойлиги, хазинаси беҳисоб экан. Зарнигор хитойи кўзалар, зарбоф тўнлар, тилло қумғонлар, тўп - тўп шойи матолар, қоп-қоп ҳарир ипаклар, исфаҳоний ханжарлар, дамашқ қиличлари, шоший совутлару камонлар, минглаб тулки тумоқ, олтин суви ялатиб ишланган эгар, жабдуқлар - барчаси ўлжа учун махсус тикланган маҳобатли омборхонага олиб келиб тахланди.

Шайбонийхоннинг хос чодирига ҳам асл ашёлардан намуналар териб қўйилган эди. Хон уларни ошиқмай, беҳафсала кўздан кечирди. Аммо сийму зар буюмлар ортига суяб қўйилган рангдор суратларга боқиб, диққатини жамлади. Бир суратда ов манзараси тасвирланган, яна бирида ошиқ-маъшуқлар васли дарж этилган эди. Ярим газча келадиган ажиб бир сурат анвойи қушлар мажлисига бағишланибди. Хон бир суратни қўлига олди. У эрталабки офтоб нурида ял-ял товланар, кўнгилда завқ уйғотиб, хаёлни олиб қочарди. Хон тўртала нақшни дастурхонга келтириб қўйди. Анчагача уларга ҳавасланиб, руҳланиб тикилиб ўтирди. Аслан, хоннинг ўзи ҳам гоҳо қўлига мўйқалам олиб, хаёлига келган манзараларни қоғозга тушириб қўяр, мусаввирлик унинг учун кўнгил эрмаги эди. Илло, бу янглиғ юксак маҳорат ва дид ила яратилмиш мўъжизани илк дафъа кўриб туриши. "Ҳа, бу санъат, - деди ичида, - ажаб, мусаввири ким бўлди бунинг? "

У кумуш кўнғироқни чалди. Эшик оғаси кирди.

– Мавлоно Солихни чорланг! - деди хон.

Кўп фурсат ўтмай эшикда Муҳаммад Солих кўринди. У таъзим ила келиб, хон ёнида тўхтади.

– Лаббай, ҳазратим!

– Ўтиринг! - деди хон. Солих тўнининг этакларини қайириб чўккалади.

– Бемалолроқ ўтирсинлар, - жилмайди хон, - оёқни тақимга босинг. Гапимиз узун бўлғай.

Солих боғдош қурди. Лаблари ип қочирди, кулимсиради.

– Бўғзингизда сўз қотмиш , ютманг, айтинг, - деди хон хуш оҳангда.

– Ўтмиш ёдимга тушди. Бир куни фазл аҳлининг мажлиси эрди. Устоз Мир Алишернинг оёқлари увишар эрди. Ногоҳон бир оёғини бўшатдилар. Биноийнинг кетига тегди. Устоз лутф қилдидар: "Ажаб замонки, оёқ узатсанг, шоирнинг кетига теккусидур". Биноий дарҳол жавоб берди: "Орий рост, устоз, оёқ йиғилса ҳам шоирнинг кетига теккай".

– Югурик тил - бошга бало, - деди хон ўйчан, - Биноий чеккан азиятларга мана шу югурик тил сабабчи бўлган бўлса, ажабмас.

Хон Муҳаммад Солихнинг диққатини олдидаги латиф асарларга тортди.

– Бу нафосатга боқинг, мавлоно Солих! Кўзни севинтириб, руҳингизни яшнатади. Бул сифат дурдонани илоҳий неъмат соҳибигина иншо этмакка қодир. Ажаб, бул нафосатнинг муаллифи ким бўлди экан?

Муҳаммад Солих суратларни таниди. Улар Беҳзод қаламига мансуб бўлиб, Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарига, Фариддидун Атторнинг "Мантик

ул-тайр" достонига, Навоийнинг "Ҳамса"си ва Саъдийнинг "Гулистон"и га ишланган лавҳалар эди.

– Бул тўрттала асарнинг муаллифи Ҳирот сураткашларининг сардори мусаввир Камолиддин Беҳзоддир, ҳазратим, - деди Солиҳ.

Хон сийрак қошларини чимириб, хаёлланди.

– Беҳзод, Беҳзод... Бу исмни эшитгандекман. Адашмасам, ул Ҳусайн Бойқаронинг сиймосини ҳам чизган, шундоқми, мавлоно?

– Ҳовва, ҳаққи рост, давлатпаноҳ.

– Хўш, ўшал Беҳзод қайда ҳозир?

– Ҳозир... ул бир тўда уламолар бирла Ҳиротни тарк этиб, Табриз сари равона бўлган, дейдилар.

Бирдан Шайбонийхоннинг авзойи ўзгарди. Оқсарикдан келган юзи қирмизи тусга кирди. Оппок тиканакдай диккайган мурти асабий учди.

– Қочибдими? - деди хон ва бунга гўё Солиҳ айбдордек, шоирнинг бетига хўмрайиб қаради, - қочиб қайга боради ул гумроҳ? Қизилбошларгами? Топтирамиз. Бизнинг дасти панжимиздан ҳали биров қочиб қутилган эмас.

Шайбонийхон ёвқур саркардалардан бири Жалолиддин Урусни чорлатди.

– Миржалол, бир тўп ҳиротлик уламо бошпана истаб, Табриз томон йўл олибди. Аларни изига қайтармоқ лозим. Қабатингизга чаққон йигитлардан олинг. Олиму фузало, шоиру ҳофиз, борлиғи Ҳиротга қайтиши даркор. Мусаввир Камолиддин Беҳзодни ҳузуримизда кутамиз. Англадингизму?

Жалолиддин "Амрингиз вожиб бўлғай, хон ҳазратлари, хавотир чекмасинлар!" деб илдам чиқиб кетди.

Қочкинлар Ҳиротдан унчалик олислаб кетмаган экан, уларни икки кунда қайтариб келдилар. Уламоларнинг бир қисм мол-мулки ўзларига қайтариб берилди. Шайбонийхон Ҳиротдаги бугунги фаровон, осуда ҳаёт давом этишини истарди.

Беҳзод ҳам шогирдлари билан талон-тарож бўлган устахонасига келиб кўнди ва хон билан учрашувга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳаммомга борди, соч – соқолини парваришлади, янги либосларини кийди. Пайшанба оқшом элчи келди: хон ҳазратлари даргоҳида кутаётган эмиш. Беҳзод ёнига суюкли шогирди Қосим Али Чехракушойни олди, янги чизмаларини ғилофга солди ва "Ё таваккал!" дея элчининг ортидан эргашиди.

Инжил дарёсининг соҳилидаги машҳур Чаҳорбоғ. Кун заволга етиш арафасида. Баҳорнинг илиқ нурлари сув узра заррин лавҳалар чизиб, тўлқинлар ичида қувнаб ўйнайди. Шайбонийхон чодирининг ланг очик деразасидан боғдаги гулларга маҳлиё бўлиб ўтирибди. Эшик оғаси кириб, мавлоно Беҳзод ташрифидан хабар айтди.

– Кирсун, - деди хон ва бахмал кўрпачага жойлаштириброк ўтирди. Эшикда Камолиддин Беҳзод кўринди. Ортида ёшгина, хушбичим йигит. Беҳзод остона ҳатладию бир лаҳза тўхтаб қолди. У Шайбонийхонни илк бора кўриб туриши эди. Хон хусусида турли-туман, яхши-ёмон гаплар эшитган. Бу гапларнинг қай бири муболаға, қай бири ҳақиқат - таҳқиқ этиш мушкул. Шу боис, "Аслида сиз кимсиз, Муҳаммад Шайбонийхон?" дегандек, хонга бир қур разм солди. Хоннинг эгнида калта енглари ва ёқаси тилла ишлар билан зийнатланган мурсак, бошида оппоқ одми салла. Беҳзод хоннинг қимтинган юпқа

лабларига боқиб, ўйланди: "Эрни юпқанинг қаҳри қаттиқ бўлармиш. Наҳотки".

Хон Беҳзоддан ҳафалигини ҳам, мамнунлигини ҳам сездирмади. Уни бефарқ бир ҳолатда қабул қилди.

– Марҳамат, ўтирсинлар, - деди қўли билан тўрға ишора қилиб. Устозу шогирд таъзим бажо келтириб, чодирнинг ўртарағига, адрас кўрпачага тиз чўкдилар.

– Биз сизни қувғин қилмоғон эрдик, - деди хон совуқ оҳангда, – билъакс, уламолар, шоирлар, хаттотлар, мударрислар хуллас, фазлу хислат эгалари Ҳиротда муқим турсинлар, деб фармони олий берган эдик. Бу не густоҳлик, мавлоно Беҳзод?! Саҳройи ўзбакларнинг зулми қаттол эрмиш, деган гумонга бордиларму? Бизлар киму Ҳирий эли ким? Барчамиз туркийлар, деб аталмиш азим бир дарахтнинг бутоғларимиз. Мирзо Улуғбекнинг қизлари Робия султон бегим шавкатли бобомиз Абулхайрхон ҳазратнинг шаръий завжаларидур, бизнинг катта момомиздур. Ҳусайн Бойқаронинг эналари ҳам Дашти қипчоқ қовмига туғишган эрмиш. Хўш, сизга не керак тағин?

Беҳзод эгилган бошини кўтаролмай, сукут сақлаганча анча ўтирди. Шайбонийхоннинг "Нега қочдингиз?" деган саволига унинг жавоби тайин эди. Аста бош кўтарди. Хоннинг ўт чакнаб турган қийиқ кўзларига ҳадик ила боқиб, оғиз очди:

– Устозлар йўриғидан чиқолмадик, ҳазратим. Афв этгайсиз... Тўс-тўполон босилгунча бир муддат олисроқ ерда туриб, боз Ҳиротга қайтиш ниятида эрдик. Осийлик қилибмиз, давлатпаноҳ...

Хон ҳамон қаҳридан тушмай сўради:

– Устоз ҳукми аъломи ёхуд шоҳ фармоними?

– Иншооллоҳ, шаҳаншоҳ фармони авлодур, ҳазратим. Илло, бизни тарбиялаб, руҳоният, ижод бўстониға етаклаган устози аввални рози қилмоқ ҳам ҳар бир шогирд учун фарздур. Маликуш-шуаро пиримиз Мир Алишер демишлар:

Агар шогирд шайхулисом, агар қозидур,

Устозандин рози эрса, Тангри розидур.

Алишер Навоийнинг шоҳона байти Шайбонийхонни андақ ҳовуридан туширгандек бўлди. Юзи ёришди.

– Устоз Мир Алишер ҳазратнинг муборак лафзига шак келтиришдин ожизмиз,- деди юмшоқ товушда хон,- устознинг қутлуғ нафаслари боис гуноҳингиздин кечдик.

Беҳзод енгил тортди. Юрак ўйноғи босилгандек бўлди. Аммо хануз калласини кўтаролмай, қўлларини қовуштирганча ўтирибди. Хон унга бошдан- оёқ разм солди. Хипча гавда, кулча юз, қошлари пиликдай, соқол-мурти ихчам кузалган. Хон Беҳзоднинг қоп-қора, йирик кўзларига бир қур нигоҳ ташлади. "Сурат-сийратнинг кўзгуси. Бул мусаввир кибру ҳаводин йироқроқ, вале ўз қаддини, мақомини яхши биладиган йигитлар сирасидандур."

Хон ярим киноя, ярим эътироф оҳангида сўз қотди:

– Мағрур бошларини кўтарсинлар, мавлоно. Сизга кичкина ўтинчимиз бор...

Беҳзод кулоқларига ишонмади. "Ўтинчимиз", деди-ми? Ҳукмдорлар одатда ўтинч айтмайдилар, улар амр қиладилар. Демак, гуноҳимдан ўтганлиги ростга ўхшайди." У қаддини ростлади. Қўлларини кўкрагидан бўшатамай, хоннинг кўпчиб турган юзига термулди.

Ниҳоят, хон тилга кирди:

– Адашмасам, сиз Ҳусайн Бойқаро сиймосини дарж этиб, қоғозга туширибсиз. Биз ҳам талабгормиз. Муҳаммад Шайбонийхоннинг сийратини қаламравгига олмоққа хушингиз нечук?

Беҳзод бош эгиб таъзим қилди.

– Халифат ул-рахмон, имом уз-замон шаҳоншоҳимизнинг муборак сиймоларини зарафшон айлаб, авлодларга етказмоқ бул ҳақир қулингизга шарафи аълодир, ҳазратим...

- Бул ишга нечоғлиқ муддат лозим, ҳафтами, ойми?

Беҳзод бир лаҳза каловланди.

– Ҳазратим, сиз мисоли қуюн янғлиғ от устида элма – эл, юртма – юрт учиб юрасиз. Шаҳаншоҳимнинг зафарнишон сиймоларини тасвирлаб, абадиятга муҳрламоқ учун ҳафталаб, эҳтимол, ойлар керакдир. Кунига, кун ора ҳазрат хонимнинг турғун, осойишта ҳолатлари даркор бўладир.

– Маъқул - деди хон бош силкиб, - биз сиз учун отдан тушамиз, сизга кўзгу бўламиз. Илло, бундан сўғин биз қай маконга йўл олсак, сиз қабатимизда бўлғайсиз. Ором олиш соатлари ихтиёримиз сизнинг қўлингизда. Хўш бул юмушни эртан бомдоддин сўнг бошласак, не дейсиз?

Беҳзоднинг юраги бир сапчиб тушди. Гап шундаки, у кейинги маҳалда шаробга кўнгил қўйган, кобулий тоза мусалласдан бир кўза, ярим кўза нўш этиб турарди. Оқшоми хумор бости билан тонг чоғи хон олдига келишга чўчиди. Лекин бир баҳона топиш керак эди. Беҳзоднинг зукко ақли бунинг ҳам иложини қилди.

– Шоҳим, сизнинг амрингиз бул фақир учун вожиб, – деди Беҳзод, – илло Шайхурраисимиз Ибн Сино жаноб-

лари айтмишки, саҳар палласи инсоннинг вужуди уйғонади, аммо руҳ ҳали уйқуда бўлади. Чошгоҳга етганда одамзоднинг руҳий қуввати ҳам бор бўйича жамол кўрсатар эмиш. Фақир шаҳаншоҳимизнинг вужудан ва руҳан баркамоллик соатларида тасвирга олсак, деган ниятдамиз.

Беҳзод ўзининг ширакайфлик онларини яшириш учун ўйлаб топган ҳийласига хон чиппа - чип ишонди.

Беҳзод майхўрликни ташламади. Лекин сири очилишидан кўрқиб, кўзалар сонини камайтирди. Эртасидан бошлаб, Шайбонийхоннинг улкан рангли суратини чизишга киришди.

ЗАНЖИРБАНД ШЕР НЕ ДЕЙДИ?

Шайбонийхон хос чодирда ёлғиз. Кун заволга қараб бораяпти. Хон аср намозини адо этдию ўрнига келиб ўтирди. Каттакон лавҳнинг қанотларини ёйиб кўйди ва мутолаага берилди. Хоннинг минг жилдлик кўчма кутубхонаси бор эди. У давлат ишларидан фориғ бўлганида, ҳатто икки мухорабо орасидаги қисқа муддатли фароғат кезлари ҳам мутолаани қанда қилмасди. Мана ҳозир ҳам у ҳазрат Навоийнинг куллиётини лавҳга кўйдию «бисмилло» деб варақлашга тушди. Сафҳа ўтган сари хоннинг кўнгли сув ичади, аъзои бадани ифодасиз, руҳафзо бир туйғудан чайқалади.

Хон ҳазратнинг бир байтини ўқиб, китобдан бош кўтарди. Кўзларини юмиб байтни аста такрорлади:

Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморға,
Энди йиғларлар бари беморлар мен зорға.

«Илоҳий қаламдин тўкилган дур бу, – хаёлланди хон, – биз ҳам назм бўстонидин гул термакни ҳавас қилибмиз. Вале бизнинг терганларимиз хира шам янглиғ дилни ёритар бўлса, пири комилнинг ҳар лафзи гуёки порлоқ қуёшнинг ўзгинасидур, валлоҳи аълам».

Яна китобга эгилди. Шу пайт эшик тикқиллади. Эшик оғаси Ёртош Қоракўз кирди.

– Олампаноҳ, узр, оромингизни буздик, – деди у таъзим қилиб, - Дарвеш Али отлик бир йигит кирмакка изн сўрайдир. Мир Алишер ҳазратларининг тувғон иниси эрмиш...

Хон Алишер Навоийнинг бу «боши бузук» биродари ҳақида эшитгани бор эди.

Унинг ёвқур аскарлиги, тилининг бурролиги, жиндай тажанглигию қайсарлиги, шу билан бирга яхшигина назмгўйлигидан хабардор эди. Дарвеш Али нотекис феъл-атвори туфайли гоҳ Хусайн Бойқаронинг марҳаматига ноил бўлса, гоҳида қаҳрига дучор бўлиб турарди. Шуларни бирма-бир хаёлидан ўтказаркан, андак сукут сақлаб деди:

– Кирсун.

Остонада бўйдор, қора соқоллик, қотма йигит кўринди. Бошида одми кўк салла, эгнида ҳам зангори мовут яктак. У икки қадам босиб тўхтади. Таъзим қилди.

– Хон ҳазратлари, лутфу карамингиздин бошимиз осмонга етди, - деди ерга қараб.

– Ёвуқроқ келингиз, - деди хон чимирилиб. Дарвеш Али тағин икки одим босиб тўхтади.

– Қўлингиздаги матоҳни қўйиб, олдимга келинг-чи.

Дарвеш Али тоза чарм ғилом-хатдонни бир четга қўйди. Хон қўлини чўзди. Дарвеш Али хон қўлини ўпмоқчи бўлиб эгилди.

– Эрнингизни эмас, илкингишни узатинг, - деди хон кулимсираб, – пири муршимиз Мир Алишер ҳазратларининг қўлларини сийпалаган бармоқларни биз ҳам силаб қўяйлик. Қани!

Дарвеш Али хондан ҳар нечук сўз кутган, илло одамни тонг қолдириб, ақлни шоширадиган эҳтиром нишонасини кутмаган эди. У хонга ўнг қўлини чўзди. Шайбонийхон Дарвеш Алининг бешала бармоғини бирма-бир эзгилаб чиқди ва юзига фотиҳа тортди.

– Марҳамат, ўтирсинлар, - деди кейин. Дарвеш Али тўрдаги тахмондан омонатини олиб келди, қўшқўллаб хонга узатди.

– Ҳазрати олийлари, бул ожиз қулингиз улуг оғамизнинг ўз қўллари ила дарж этилган мўъжаз тасвирни келтирдик. Зора муборак назарларига муносиб эрса.

Хон ғилофни очди. Ўрама қоғозни ёйиб тикилди. Сўнг кумуш қўнғироқни чалди. Эшик оғаси кирди.

– Мана буни тахтага ёпиштиринг, - деб хон суратни чўзди. Эшик оғаси эпчиллик билан ярим газча келадиган тасвирни оёқли тахтага ёпиштирди ва тисарилиб чиқиб кетди.

Нимранг суратда оёқ-қўли боғланган шер сиймоси тасвирланган эди. Хон унга узоқ тикилиб турди. Сурат тепасидаги «мусаввир Амир Алишер Навоий», деган битикни такрор ўқиди. Ниҳоят, Дарвеш Алига ўгирилди.

– Мавлоно, жаноблари бул тасвиротга не деб изоҳат берган бўлур эди, сўзланг-чи, эштайлик.

Дарвеш Алининг жавоби тайёр эди. У суратни илк бора кўрган чоғидаёқ салтанат саройи, бу ердаги фиску фужурлардан жонидан тўйган жигарпорасининг аҳволи руҳиясини эслаб, ич-ичидан эзилган ва кўнглида бу суратга ўзича хатбоши тўқиган эди. Ўша шарҳини ҳозир хон олдида ҳам айтишга жазм қилди.

– Олампаноҳ, фақирингиз бул тасвиротга қараб туриб, улуғ амир оғамнинг бир сатрини ёдга олдим. Ул ҳазрат «шер фақат ўрмонда шердир, занжирда шерлик не қилур» деб лутф этибдилар. Бу валиюллоҳ шоирнинг тавозе ва камтарлик юзасидин айтилган бир фикр деб ўйлайман. Аслида оғамнинг сарой муҳити ичра чеккан жабру жафолари бул суратга ўзгача шарҳ ва тимсол тилайдир. Фақирингиз «занжирбанд шер – енгаман дер» деган бўлур эдим. Фикри ожизимча, улуғ оғам бул тасвир орқали ўзларига ишора этмакда.

Шайбонийхон яхшигина мусаввир эди. Кўнгли тусанган пайтлар кўлига қилқалам ва мойбўёқ олиб, табиат манзараларини, табиатдаги турфа жонзотларнинг суратини чизарди.

Хон «маъқул» дегандек бош ирғади. Сўнг гуё ўзига-ўзи гапираётгандек оҳиста сўз очди:

– Бул беназар гўзал ва ибратли мажоздир. Гўёки занжирдаги шер-шер эмасдур, оёқ-қўли боғланган нота-вон кимсадур. Ул кимса банда туриб ҳам енгаман, дейдур. Бул хитоб насли башарга хос азалий азмдур, наърадур. Зеро, инсон-исён фарзанди. Анинг тўрт мучасин банд этмак мумкиндур, вале унинг руҳий қувватини, эррка ташна юрагини кишанлаб бўлмас. Инсон ёлғиз оллога қул, вале ўзгабирон хилқат олдида бош эгишни истамас. Анинг сўнгакларини пора-пора этиб, терисини шилиб олса

бўлар, ва лекин уни то абад забунликда, кулликда асраш мушкулдир. Мукаррам инсон ўз эрки учун жон нисор этмакка ҳам рози бўлмай. Одамизод аслида шундай яратилмиш, мавлоно Дарвеш Али!

Дарвеш Али Шайбонийхонни шоир, ҳофизи қуръон деб билар, аммо мусаввирлик илмида бунчалик дониш, деб ўйламаган эди. Ичида хоннинг Закий тафаккурига таҳсин айтди.

Хон муртидан кулиб Дарвеш Алига боқди.

– Хўш, ана энди сизнинг номаи аъмолингизга келайлик Табрес йўлига тушган қочоқлар орасида ўзлари ҳам бормиди?

– Асло! – деди Дарвеш Али кўл қовуштириб, - худо асрасин: Бундоқ ниятимиз йўқ эрди. Улуғ оғамиз «тарки ватан айламангиз», дея васият қилмиш. Аҳли аёл бирла шаҳар ташқарисида эрдик. Осойишталик ўрнатилгач, дарҳол манзил-маконимизга қайтишни, ният қилиб эдик.

– Ҳузуримизга не истаб келдингиз? Муддаонгизни айтинг, - деди хон жиддийлашиб.

– Олампаноҳ, лутфу карам айлаб ижозат берсангиз, Мир Алишер Навоийнинг кутубхоналарини юргизмакни зиммамизга олсак. Токи, бул тенгсиз маънолар хазинаси талон-тарож бўлмасин, иншоолло!

Шайбонийхон Ҳиротни ишғол қилгач, Навоийнинг ҳовли-жойини, кутубхонасини кўриқлаш учун махсус сипоҳиларни ажратган эди. Мана, энди шеърийат султони-нинг бир тувғон иниси ўз оёғи билан келиб изн сўраб турибди. «Китобдорликка бул кишидин муносиб кимса йўқ», ўйланди хон.

– Маъкул, - деб бош ирғади хон, - биз сизни бугундан эътиборан пиримиз Мир Алишер ҳазратларининг ку-

тубхоналарига масъул этиб тайинлаймиз. Ани кўз қорачиғидек асранг!

Дарвеш Али севинганидан ўрнидан туриб, қўшқўллаб таъзим қилди.

– Фақирингизга дунёларни эҳсон қилгандай бўлдингиз. Навоий авлодлари шаҳаншоҳимизни дуо қилиб чарчамайдилар, иншоолло!

Теваракка оқшом қўнди. Хон таклифига кўра шайхулислом Амир Абдулла Яманий кирди. Учовлон шом намозини адо этдилар.

... Дарвеш Али уйига равона бўлди. Унинг кўнгли яйрар, оёқларида эмас, гуё қанот чиқариб учиб кетаётгандек эди.

ЗИЁРАТ

Майнинг охирлари. Эрта тонг. Ҳирот чеккасидаги ораста Чаҳорбоғ. Уч ҳафтадирки, Шайбонийхон Ҳусайн Бойқаро замонида бунёд этилган кўламли ва чаманзор боғда ором олиб ётибди. Боғнинг қоқ ўртасида шоҳона чодир тикланган. Унинг атрофида чоғроқ ўнлаб чодирлар, оқ кигиз билан ўралган ўтовлар. Улар хоннинг туғишганларига, дил маҳрамларига, саркардаларга аталган. Уч ҳафтадирки, ғолиблар базми авжида. Юзлаб қозонларда турфа таомлар қайнайди, шаробу қимиз тўла хумлар пайдар-пай бўшайди, созандаю ҳофизлар имоми замон, халифат-ул раҳмон, Мовароуннаҳр, Хуросон подшоси Шайбонийхон шарафини улуғлаб, нағма қиладилар.

Шайбонийхон чодирда ёлғиз хаёл суриб ўтирибди. Руҳияти сокин, димоғи чоғ. Ахир кўкси ифтихорга тўлиб

суюнмасинму? Яратганга шукроналар бўлсинки, манбаъд Дашти Қипчоқдан то Фарғона улусига қадар, Хоразм элидан то Хуросоннинг тенг ярмига дейин - барчаси уники, Муҳаммад Шайбонийхонники! Ҳайбатли тоғлар, бепоён дашту далалар, серсув дарёлар, туман-туман қорамоллар, қўйлар, олқорлару кийиклар салтанатининг пойида ётибди. “Имтиёзли бандаларингдин қилиб яратганинг учун сенга жоним нисор бўлсин, раббим!” деб ичида дуо ўқидию, ўрнидан турди. Чодирнинг патнисдек дарчасини очди. Ғириллаб шабада кирди. Димоғига баҳорий чечакларнинг муаттар иси урилди. Дили яна ҳам равшан тортди. Боғ тўрида ҳофизлар Шайбонийхоннинг бир ғазалини хониш қиларди:

*Эй кўнгилнинг булбули, сен бўзла бўстон борида,
Бўлмагил хомуш сен эмди ушбу достон борида.*

Хон бир муддат қўшиққа кулоқ осиб турди, сўнг кумуш кўнғироқни чалди. Эшик оғаси кирди.

- Ҳофизларга айтинг, -деди у, - Ҳазрат Навоийнинг ғазалларидан ўқисинлар.

Ҳофизлар мақтаъга ўтдилар:

*Эй Шайбоний, кечалар ёрнинг хаёли хуш турур,
Не керакдур эмди сенга ушбу меҳмон борида.*

Эшик оғаси хон амрини етказди шекилли, мусиқа тинди. Бир неча дақиқадан кейин ҳазин, оғир куй янгради. Икки ҳофиз жўровоз бўлиб Мир Алишернинг нодир байтларини бошладилар:

*Фалакдин яхшилик етгай дебон кўнглингни шод этма,
Ямонлигим етар, ҳоло унут, ўтганни ёд этма!*

Шайбонийхон пири муршид битган ҳикматнинг мағзини чакмоқчидек, бир муддат дарча олдида туриб қолди. Ўз бошидан ўтган яхши-ёмон кунларни, ёшлик йиллари Бухорода кечган ҳаётини, бобоси ўлгач чеккан жафоларини эслади. Навоий ҳазратнинг бир қитъасини пичирлаб ўқиди:

*Гоҳи топдим фалакдин нотавонлиқ,
Гоҳи кўрдим замондин комронлиқ.
Басе иссиқ-совуқ кўрдим замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим жаҳонда.*

Ҳофизлар Мир Алишернинг ўзга ғазалини куйлай бошладилар:

*Мен жаҳондин кечдиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илиг жондин юдум, чекмас илиг қонимдин эл...*

Хон ўрнига келиб ўтирди. У ўзини Ҳазрат Навоийнинг маънавий шогирди, деб санар, шоири давроннинг ўнлаб ғазалларини ёд олган, унинг илк девонини ўз қўли билан кўчирган эди. Ҳозир у ҳофизларга эш бўлиб, ғазалнинг давомини кўнглида ёд айта бошлади:

*Туш-тушумдин баски расволиг ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқарлар ўтсалар ёнимдин эл...*

Машшоқлар нафас ростладилар. Шайбонийхон мўъжаз кўнғирокни чалди. Эшик оғаси кирди.

– Дуогўйимизни чорланг, – деди хон, – шоирларни ҳам.

Бироздан сўнг узун-қисқа бўлиб, шайхулислом Шамсиддин Абдуллоҳ, Муҳаммад Солиҳ, Биноий кириб келишди. Улар қуллуқ мақомини адо этиб, тек туришди.

- Марҳамат қилсинлар, мавлонолар, - деди чиройини очиб хон, - ўтирсинлар.

Ҳар ким ўз мавқеини биларди. Шайхулислом хоннинг ўнг тарафидан жой эгаллади, Муҳаммад Солиҳ сўл томонга чўккалади, Биноий унинг чап ёнбошига ўтирди.

Азиз ўқувчи! Сизнинг тасаввурингиз тўлароқ бўлишини кўзлаб, икки оғиз меҳмонларимизнинг шарҳи ҳолини айтиб ўтишни лозим кўрдик.

Шамсиддин Абдуллоҳ Яманий. У илоҳиёт илмининг етук алломаларидан эди. Бир замонлар толиби илмларга ваъз ва маъруза айтиш ниятида Бухорога келиб қолган эди. Шайбонийхон Самарқанд билан Бухорони забт этгач, азбаройи ихлос юзасидан хон хизматига кирди. Уламолар кенгаши унга шайхулислом нишонини берди. Шайбонийхон алломани қабатыга олди, шахсий дуогўйи мартабасига етиштирди.

Муҳаммад Солиҳ хоразмлик эди. Ёшлигида илм истаб, Ҳиротга келди. Алишер Навоийнинг адабий мактабида камолга етди. Навоий “Мажолис-ун нафоис”да уни мулойим ва хушхулқ йигит, деб таърифлайди. Муҳаммад, аввало, дилбар шоир, хуснихат-ҳаттот, яхши созанда эди. Унинг бобоси Амир Темур саройида, отаси Нурсайдбек Мирзо Улуғбек девонида хизмат қилган. Муҳаммад Солиҳ ҳам темурий шаҳзодалардан меҳнатини аямади. Истеъдоди, ўткир қалами, закий илми билан уларга камарбаста бўлди. Аммо, Ҳусайн Бойқаро саройида илтифот, иззат топмади. Аъёнлар тарафидан муттасил камситилиш, эътиборсизлик оқибатида шоир саройни буткул тарк этди. Гоҳ Хуросонда, гоҳо Самарқандда

дарбадар кезиб юрди. Шайбонийхон Самарқандни эгаллагач, тахминан 1500 йилда хон хизматига кирди. Шайбонийхон машхур шоирни очик юз ила қаршилади, эҳсонлар бериб, дил маҳрамлари қаторига қўшди. Кейинроқ унга Малик-уш шуаро лақабини ҳадя қилди. Мана, етти йилдирки, у Шайбонийхоннинг барча юришларида иштирок этиб, “ярим жаҳон соҳиби” ҳақида улкан дoston битиш орзуси билан яшайди.

Камолиддин Биноий форсигўй шоир. 1455 йилда Ҳиротда таваллуд топган. Унинг ғазаллари ҳам эл аро манзур эди. Аммо феъли торроқ, атрофидагиларга менсимайроқ қарарди. Унинг устига тили аччиқроқ эди. Халқ бундайларни таърифлаганда “тилининг тиканаги” бор дейди. Кибру ҳавоси, инжиқ феъли туфайли у саройга сиғмади. 1487 йилда Табрэзга, Султон Якуб саройига кетди. У ерда ҳам чиқишолмай, яна Ҳиротга қайтди. 1500 йили Самарқандга жўнади ва Шайбонийхон остонасига бош урди. Хон темурийлардан норози бўлиб келган Биноийни илтифот юзасидан даргоҳига қабул қилди. Биноий хондан миннатдор бўлиб, “Шайбонийхоннома” деб аталмиш насрий асар устида иш бошлади.

Ана энди ҳикоямизни узилган еридан давом эттирсак бўлади.

Шайбонийхон ёнбошидаги ипак ила зеб берилган йўл халтасидан бир ўрам қоғоз олиб, мизга қўйди. Мусоҳибларига деди:

– Биз хуфтон намозидан сўнг ўлтириб мана бу сўзликни битиб эрдик. Форсий-туркий сўзлик. Юз каломдан иборат. Уни қалъа кутволига бермоқчимиз. Мавлоно Лутфий бирла Мир Алишер лафзини ўргансин.

Хон қоғозларни Биноийнинг олдига сурди.

– Камолиддин, марҳамат қилиб бир назарларидан ўтказсин. Не бўлғонда ҳам жанобларининг она тилларида ёздук.

Бинойй ўрам қоғозни олиб, кўзига суртди. Хоннинг гапи унга танбеҳдек туюлди. “Лаънати Кутвол! Икки оғиз туркча сўзласанг ўлармидинг? Ана энди сенинг касрингга биз қолдик!”

Бинойй қоғозларни бир-бир варақлади. Шайбонийхон арабийда етук бўлмаса-да, форсийни мукаммал биларди.

Хон гўё шоирни синагандек сўради:

– Саҳфу хато кечмабдими, мавлоно?

Бинойй таъзим қилди.

– Асло, ҳазратим! Форсигўйлар ҳавас ила тақлид этсалар арзигулик. Туркий тилга бурун жийирадиган нодонларга калтак бўлубдир.

Бинойй яна нимадир демоқчи эди, эшик очилиб, Жонибек Султоннинг боши кўринди.

– Аъло ҳазрат, афв этгайсиз, суҳбатингизни буздим...

– Не гап, Жонибек, сўлланг!

– Саройдин хабар келди. Кутвол аҳли аёлини олиб қочибдир.

Шайбонийхон заҳархандали кулди.

– Туркча забондин кўрқиб қочган номардни энди кўрдук. Хай, на чора, шаҳарда бир дона текинхўр камайибдур.

Хон сўзликни чарм ғилофга солиб, Жонибекка тутқазди.

– Саройга элтинг. Муншийлар, котиблар ўқиб, ёд олсунлар. Иродамиз шундоқким, бундан буёғига девон ишлари туркийда юргизилсин.¹⁶ Боринг!

Шайбонийхон бақувват даҳанини сийпалаб, ўйга чўмиб ўтирди. Сўнг таассуф ила деди:

– Ажаб маҳлуқ эркан бу одамзод деганлари. Бир бурда нон умидида тувғон тилидан кечиб, бегона алфозда чулдирамакни афзал кўрадир. Оллоҳ, оллоҳ! Ифтихор қани, диёнат қани? Мир Алишер “Муҳокаматуллуғатайн”да бизларга не деб васият қилмишлар.¹⁷

Хон Муҳаммад Солиҳга ўгирилди:

– Мавлоно, ривоят борким, назмгўй аҳлидин бир бадхулқ шуаро мажлисларида устозга кўпол ҳазил қилиб, киноя ўқларини отмиш, мазаҳламиш. Шул маломат ростми ва ё ҳамоқат?

Шайбонийхон ўша бадфеъл шоирнинг Биноий эканлигини одамлардан эшитган эди. Бироқ ўзини билмаганга олиб деди:

– Мир Алишер ул шоирга нўхат шўрпо едириб калтакланг, демиш. Биз калтак устига ҳуқна ҳам буюрардик.

Солиҳ Навоий уюштирадиган жамики мушоира ва баҳсларда иштирок этарди. Ўша “бадхулқ”нинг ёнида ўтирганидан изтироб чекди.

– Барчаси орий рост, - деди у ва тилини тишлади.

Биноий “бадхулқ назмгўй” айнан ўзи эканлигини дарҳол фаҳмлади. Боши эгилди. Шоҳ исмини тилга

¹⁶ Шайбонийхон вафотига қадар девондаги хат юмушлари фақат туркий тилда олиб борилди, сўнг яна форсийга ўтказилди.

¹⁷ Навоий мазкур асарида туркча юзта сўз келтириб, нафосат ва қудрат бобида туркий тилнинг форсийдан қолишмаслиги, ҳатто афзаллигини исботлайди.

олмаганига шукр қилди. Шайбонийхон ҳам қасддан мажоз ва рамз орқали сўзлаган, оқилга бир ишора кифоя қаби-лида иш тутган эди. Аслан воқеанинг тафсилоти бундоқ:

Навоий Биноийнинг истеъдодини кадрларди. “Мажолисун-нафоис”да унга махсус ўрин ажратди ва “Бағоят қобилияти бор”, дея алқади. Аммо Биноий беандишалигини кўймади. Йўрғакда теккан касал шекилли, ҳар мажлисда зоти шариф шаънига заҳар-заққум сўзла-рини айтишни давом эттирди. Охир-оқибат, бир байт туфайли оралари буткул бузилди. Ҳиротда Мавлоно Соҳиб деган шоир бўларди. Унинг бир матлаъси Навоийга хуш ёқиб қолди. Улуғ шоир ўша байтни эгасидан сотиб олди ва уни янги, баркамол ғазалга айлантди. Мана, ўша байт:

*Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намнокроқ.*

Иттифоқо бир куни Биноий билан суҳбатлашиб ўтирганда Навоий ундан сўради:

– Мавлоно, каминанинг янги ғазалларидаги қайси байт сизга кўпроқ маъқул бўлди?

Биноий юқоридаги байтнинг Навоийники эмасли-гини яхши биларди. Қитмирлик қилиб жавоб берди:

– Менга ғазалингиздаги “Кўкрагимдур” деб бошла-нувчи байт маъқул...

Навоийнинг кўнгли оғриди.

– Сиз, Биноий, билиб туриб сувни булғайдиган ким-са экансиз. Бедавоға даво йўқ дерлар.

Биноий кибру ҳавоси, тор феъли туфайли саф-дошлари билан ҳам чиқишолмай, Ҳиротни тарк этди. Шоирнинг кейинги тақдирини юқорида зикр қилдик.

Шайбонийхон Биноийга кўз қирини солди. Муло-
йимроқ товушда буюрди:

– Мавлоно, мушоирани ўзлари бошлаб берсинлар.
Мир Алишердан ўқинг!

Биноий Шайбонийхоннинг таъна тошларидан ерга
киргудек бўлиб эзилиб ўтирарди. Ана шу эзгин ҳолатига
монанд бир ғазални ўқий бошлади:

*Бало дашти аро Мажнун менигдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.
Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим гамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим афзон, сиришим қон.
Фигонимдин фалак гамгин, сиришимдин жаҳон рангин,
На дардим ўтига таскин, на ҳажрим дардига дармон.
Бошим гам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора,
Кўнгул бу ёрага чора топарга топмайин имкон.
Кўзум намлик, бўйум хамлик, ичим андуҳу мотамлик,
Не ҳамдамлик, не марҳамлик топиб бу меҳнати пинҳон.*

– Бале! - деб бош силкиди Шайхулисом, – арзу
самони титратадурғон ғазал бўлибдур. Офарин!

Шайбонийхон навбатни Муҳаммад Солиҳга бермоқ-
чи эди, Навоийнинг дилўртар байтларидан кўнгли сув
ичди:

– Бу шоҳона назм пири муршиднинг бир рубоийсини
ёдимизга солди. Ул наинки арзу самони, барча тўққиз
фалакни жунбушга келтирса не ажаб.

Шайбонийхон чуқур хўрсинди ва жарангли товушда
қироат қилди:

*- Йўқ фароғат, даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуриб ашқин тутар ҳолингга ҳар тун мотами.*

*Гар будир олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким, ком учун боштин яратқай олами...*

Шайхулислом “Ё раббим!” дея ёқасини ушлади. Сўнгги сатр, яъни инсон боласи бу дунёда ўз мақсадига етмоқ учун ҳақ таоло оламни бошқатдан яратмоғи лозим, деган доҳиёна фикр уни эсанкиратиб қўйган эди.

– Бундоқ калом ёлғиз илоҳий қалам соҳибига хосдур, - деди Солиҳ ва Навоийнинг “Қаро кўзим, кел у,..” деб бошлангувчи ўша машҳур ғазалини ўқишга ўтди.

Шайбонийхон кўзларини юмиб тинглади. Ғазал интиҳосига етгач, у илк байт - матлаъни эҳтирос билан такрорлади:

*– Қаро кўзим, кел у, мардумлиқ энди фан қилгил,
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил...*

Бир мамлакат хазинасига тенг гавҳар бу! Мен девонимдаги кулли ғазалларимни мана шу байтга алмашгани тайёрмен.

Пешин яқинлашиб қолган эди. Хон шайхулисломга ўгирилди:

– Дуо қилинг, тақсир. Мир Алишернинг руҳи поклари чорлайдур. Зиёратга боргаймиз.

Дуогўй қўлларини фотиҳага очди:

– Алҳамдулиллоҳи раббил оламийн! Илоё, шавкатли шоҳимизнинг умрини зиёда, давлатини боқий қилгайсан! Ўзинг имтиёз бергувчисан, халлоқи олам!

Кўзғолдилар. Уламою умаро, хос навкарлари қуршо-вида Шайбонийхон ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қилгани отланди.

Мир Алишер Ҳиротнинг қоқ белидаги Мусалло майдонида - дахмаи Шоҳонда дафн этилган эди.

Шайбонийхон дарвозадан кирибоқ отдан тушди. У Малик-ул шуаро сағанасига пиёда боришни фарз деб биларди.

Даҳмага ёндошдилар. Шайбонийхон қабр тепасида тиз чўқди. Ичида устозга салом берди. Кейин тиловогга ўтди. Хоннинг ҳофизи қуръон деган муборак унвони бор эди. Дарҳақиқат, унинг Қуръони каримни ўзгача бир алфозда, ширали овоз билан қироат қилишини ҳатто рақиблари ҳам тан олган эди.

Шайбонийхон чўк тушганча узоқ тиловат қилди. Юзига фотиҳа тортди. Улуғ шоир қабр тошидан ғубор олиб кўзларига суртди. Сўнг қироат навбатини атрофида жам бўлган қори-ю қуззотга берди.

Миноралардан намозга чорловчи муаззинларнинг чўзиқ товушлари эшитилгач, зиёратчилар ўринларидан турдилар. Хон таклифига кўра улар намозни мусалло масжидида ўқишга шайландилар.

Шайбонийхон ортига қарай-қарай пиёда кетаркан, хаёлида Навоий Ҳазратларининг бир байти ярқираб жамол кўрсатди:

Бу гулшан ичра йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от.



СИҒНОҚДАГИ МУШОИРА

Шайбонийхон ёзни Ҳирот атрофида, Инжил дарёси бўйида ўтказди. Бу ерларнинг об-ҳавоси мўътадил экан. Мухтор тоғ тарафдан ёз бўйи салқин шамол эсиб турди. Айниқса чаман бўлиб гуллаган ораста боғлар, деҳқон қўли билан яратилган ранго-ранг туташ экинзорлар хоннинг завқини келтирди. Тукқан эли Туркистонда ҳам ана шундай безавол боғлар, зироатхоналар бунёд этишни кўнглига тугиб қўйди.

Хоннинг бирйўла қирқ киши ибодат қиладиган чоғроқ йиғма масжиди бор эди. Ҳукмдор қаерда қўним топса, масжидни тиклашар, хон маҳаллий аҳли уламо ва дил маҳрамлари билан беш вақт намозни адо этарди. Шунингдек Шайбонийхоннинг минг жилддан иборат кўчма кутубхонаси ҳам бўлиб, уни махсус ўғруқда¹⁸ жанговар сарбозлар қўриқлаб юришарди.

Хон мухорабалардан тин олиб, ором онлари етганда улкан пўлат сандиқларни очиб, нодир қўлёмаларни мутолаа қиларди. Гоҳо ҳузурига дин пешволари, шоирлар, мусиқачи, мусаввирларни чорлаб, суҳбатлар уюштирарди. Бундай мажлисларда Қуръон тафсири, фикҳ, ижмо, қиёс сингари мураккаб масъалалар хусусида баҳс-мунозара бўларди.

Ана шундай машғулот билан хон ёзни оёқлатди. Унинг Ҳиротдан оёқ узиб кетолмаётганига икки сабаб бор эди. Бири – Хоразму Хуросондаги оғир жангларда толиққан аскарларига дам бериш бўлса, иккинчиси - Шоҳ Исмоил Сафавийнинг фитнасидан огоҳлик эди. Гоҳо Шайбонийхоннинг кўнглида, Ҳиротни тарк этсак, бу

¹⁸ Ўғруқ – хоннинг аҳли аёли ва шахсий буюмларини олиб юрвчи улкан арава.

қизилбош¹⁹ оч қашқирдай шаҳарга чанг солмоғи мумкин, деган гумон ғимирлаб қоларди.

Шайбонийхон шу янглиғ хаёл уммонида сузар экан, иттифоқо хавф хабари ўз юрти Туркистондан етиб келди. Саҳройи кўчманчиларнинг сардорлари Шайбонийхон йўқлигидан фойдаланиб, тағин Ўрқуқ, Ўзган, Сиғноқни талабди, энди Хоразм сари юриш бошлаганмиш. Хон дарҳол лашкар тўплаш ҳақида буйруқ берди. Қароргоҳни йиғиштирдилар. Шайбонийхон Ҳиротда Урусхон бошлиқ эллик минг аскарни шаҳар ҳимоясига қолдирди. Жияни Убайдуллахонни етмиш минглик қўшин билан Жониш Султоннинг йўлини тўсиб чиқиш учун Хоразм тарафга юборди. Ўзи ёнига ўғли Темур Султонни, Шайх Муридни олиб, Така ёвмит чўли орқали йўлга тушди. Жадаллаб юрилса, Туркистонгача икки ҳафталик йўл эди. Шайбонийхон юз минг отлиқ аскар билан Сайхун соҳилига етиб келганда кўчманчи бийлар аллақачон Қоратов ортига чекинган эдилар. Шайбонийхон уларни таъқиб этиб, Эдил дарёсигача қувиб борди. Босқинчилар ташлаб қочган минглаб қорамол, беҳад уй-рўзғор буюмларини қўлга киритди ва уларни Туркистонга қайтариб, жабрдийдаларга тарқатди.

Қиличини судраб қиш келди. Шайбонийхон қиш ойларини ўзбек улусининг расмий пойтахти Сиғноқда ўтказишни хуш кўрарди. Сиғноқ Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган маъмур шаҳар эди. Ўн минглаган отларни суғориш, уларга ем-хашак топиб бериш учун дарё соҳили қулай ҳисобланарди. Хон шуни назарда тутиб, қароргоҳини Сиғноқ билан Сирдарё ўртасига қўндирди.

¹⁹ Қизилбош – бу ерда шоҳ Исмоил Сафавий назарда тутилган.

Халқ тили билан айтганда, тўқсон кирган, яъни кишининг авж палласи. Шайбонийхон ўн олти керагалик баланд оқ ўтовда ўтирибди. Ўтовнинг тўрт тарафида дошқозондек тўрт манғал. Уларда чирсиллаб саксовул ёнади. Ўтов иссиқ. Хоннинг олдида пастак курси - миз, ўнг кўлида, уч-тўрт қадам нарида олти-етти ёшлардаги чиройли ўсмир бола. У чордона қурганча лавҳга очиб кўйилган Қуръонни секин ўқиб ўтирибди. Бу бола Хуррамшоҳ, Шайбонийхоннинг эрка ўғли, Хонзодабегимнинг тўнғичи, Бобур Мирзонинг жияни. Хон ипак қоғозга пири Туркистон, Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини кўчириш ила банд. Гоҳо ўғлига кўз қирини ташлаб кўяди. Аъробий калимага тили келмай қийналса, тузатади:

– Йухаббиҳум эмас, ўғлим, йухиббиҳум, деб ўқинг. Бу Аллоҳ яхши кўради, дегани.

Хуррамшоҳ “Хўп бўлади, қиблагоҳ”, деб кўлини кўксига кўйди.

Хон Мавлоно Рўзбеҳхонни ҳузурига таклиф қилган эди. Таъзим қилиб кириб келди. Фазлуллоҳ Рўзбеҳхон олтмиш ёшларга борган, бўйдор, қорасоқоллик уламо эди. Асли Форс вилоятининг Шероз шаҳрида туғилиб ўсган эди. Уни Мавлоно Рўзбеҳхон дея улуғлардилар. Рўзбеҳхон забардаст руҳоний оиласида тарбия топган, шу боис фикҳ, ҳадис, тафсир, тасаввуф билимдони, закий муаррих, форс ва ўзбек тилларида етук шеърлар битгувчи шоир ҳам эди. Рўзбеҳхон фалакнинг гардиши ила бир замонлар “Қутбул ислом” саналмиш Бухорои шарифга келиб, муқим туриб қолди. Шайбонийхон Самарқанд билан Бухорони забт этгач, у ўзбек хонига хизматга кирди. Мана, етти-саккиз йилдирки, Мавлоно Шайбонийхон

даргоҳида, хоннинг жамики маҳорабалари, фароғатли дамларида унга ҳамдард, маслаҳатгўй. Рўзбеҳхон айна Биноий ва Муҳаммад Солиҳ сингари Шайбонийхоннинг шарҳи ҳолини китобат қилиш билан машғул.

Рўзбеҳхон хон рўпарасига чўк тушди. Дуо қилди. Сўнг Хуррамшоҳга қараб кулимсиради:

– Шаҳзодамиз Каломуллони хатм қилмоқдаларму? Боракалло!

Хуррамшоҳ ўрнидан туриб, олимга салом берди.

Хон ҳам ўғлига фахрланиб разм солди ва Рўзбеҳхонга ўгирилди:

– Мавлоно Фазлуллоҳ, бизнинг бир ниятимиз бор эрди. Жаноблари рози бўлсалар, шул йигитчанинг маърифий тарбиятини мўйинларига олсалар. Токи шаҳзода сиздаги илми ирфон хазинасидин баҳра олиб, ботин бирла зоҳирни, қол бирла ҳолни англасун.

Рўзбеҳхон бош эгди:

– Шаҳзодамизнинг фазлу камолига сабабкор бўлмоқ фақир учун улуғ шарафдур, ҳазратим.

Рўзбеҳхон Шайбонийхоннинг юришлари борасида ёзаётган китобидан бир неча фасл олиб келган эди, ўрама қоғозни қўшқўллаб хонга пешкаш қилди. Хон варақ қатларини ёйди, мизга қўйиб, қайроқ тошчалар билан бостирди. Бир-икки варақни ичида пичирлаб ўқиди.

– Битикларингиз маъқул, - деди Шайбонийхон, - ростини ёзибсиз. Андешамиз шулки, “Сафарномаи Бухоро” ўхшамайроқ турибди. Рози бўлинг, китобатга “Меҳмонномаи Бухоро” деб ном берайлук. Бу фоний жаҳонда барчамиз меҳмонмиз, жумладан Бухорои шарифда. Тағин зикр этингки, Сайхунни жаннатдин чиққан дарё дерлар. Ани сўғдийлар Хўжанд атамишлар. Бу номда мантиқ йўқ.

Хоразмда Жайхун, Туркистонда - Сайхун! Гўёки оға-ини, эгачи-сингил.

Шайбонийхон кўнғироқ чалди. Эшик оғаси Мамат Ёвқур кирди.

– Дастурхонни очинг, - деди хон, - айтинг, қимиз, қимрон келтирсинлар.

Шоҳи дастурхон очилди. Унда Шарқнинг тансиқ ширинликларидан ташқари жайдари халқ суйиб тановул қиладиган таомлар ҳам сероб эди: қовунқоқи, олмурт, қоқўрик, жийда, иримчик, қовунқурт, мойчечак, зоғора нон, қази, қарта, пишлоқ, куртоба, қимрон... Бу емишларнинг аксарияти Рўзбеҳхон ўсиб-унган юртда бўлмасди. Олимнинг сўровига кўра хон уларга таъриф берди.

– Биз буюрдикки, мазкур озуқалар ҳар бир навқарнинг хуржунида бўлғай. Бир қарич қовунқоқи еб, туянинг қуртини сўрган кимсанинг қурсоғи ғовға қилмас, дейдилар. Қани, Мавлоно, ўзлари ҳам қовунқуртдан тотсинларчи, мазаси нечук экан.

Рўзбеҳхон данакдай қовунқуртни оғзига солди. Шимиб, бош чайқади...

– Жаннатий неъмат экан, оҳ, оҳ...

Қимиз, қимрон келтирдилар. Баковул аввал хонга, кейин Рўзбеҳхонга заранг косада қимрон узатди.

– Саҳар симирган бир коса қимрон то кечга довур танага дармон бўлғай, - деди хон ва қимиз хосиятларидан сўз очди.

Рўзбеҳхоннинг хотираси ўткир эди. Хоннинг гапларини жон қулоғи билан тинглаб, дилига нақш қилди. Сўнг китобига дарж этди.

Бўсағада Мамат Ёвқур кўринди.

– Ҳазратим, Мавлоно Солиҳ даргоҳингизга изн сўрайдилар...

– Маликул-шуаро учун эшигимиз ҳамиша очик, - деди хон, - дарҳол чақиринг!

Муҳаммад Солиҳ остона хатлади. Қўл қовуштириб салом берди. Шайбонийхоннинг кайфияти аъло эди.

– Кўзимиз сиза муштоқ эрди, ажаб галдингиз ёшулли! - деди хон Хоразм шевасида. Солиҳ Рўзбеҳхоннинг қабатига чўккалади. Қўлтиғидаги шойи матога ўралган китобини дастурхон четига қўйиб, хон ҳаққиға дуо қилди. Баковул бир коса қимиз узатди. Солиҳ косанинг ярмини симириб, дастурхонга боқди, мутойиба қилди:

– Бул азиз неъматларнинг қай бирисина қўл чўзгани ҳайронсан. Бирисин олсанг, ўзгаси инжиб қоладурғондек...

Хон муртидан кулди:

– Ол-олини териб олаберсинлар, мавлоно²⁰.

Хоннинг лутф ила кўргазган манзирати иккала шоирнинг завқини келтирди. Улар бир-бирига табассум аралаш мамнун боқиб қўйдилар.

Меҳмонлар дастурхондаги сархил мевалардан тотиниб, қимизхўрлик қилиб бўлдилар. Хон олдидаги қоғоздан бош кўтарди.

– Пиримиз, Шайхул-машойих ҳазратларининг хаёли субҳи содиқдан кўнглимизни равшан этадир. Бир ҳикматларини такрор хатм қилдимки, ани тасаввуфнинг гултожи деса бўлур. Олами кабир бирла олами сағир кўз олдимға келди²¹.

²⁰ Хон сўз ўйини қилаётир. “Ол” – қизил деган маънони билдиради.

²¹ Олами кабир – беҳудуд, катта олам, олами сағир – зуҳр этиладиган кичик коинот.

Рўзбеҳхон тавозе ила сўз қотди:

– Олампаноҳ, ул муборак ғазалдан бизлар ҳам баҳра олсак, савобға ноил бўлғай эрдик.

– Андоқ бўлса, пири комилнинг байтларини шаҳзодага ўқитайлик, - деди хон ва ўғлига ўгирилди, - мунда келинг, Хуррамбек.

Шаҳзода шаҳдам кўзғолди ва отасининг қаршисига келиб қўл қовуштириб турди. Хон унга хожа Аҳмад Яссавийнинг ўзи тонг сахар ипак қоғозга кўчирган ғазалини узатди.

– Ўғлим, авлиё бобонгизнинг бул назмул жавоҳирини устозларингизга ўқиб беринг-чи, кўнглимиз сув ичсин.

Хуррамбек Султон ул-орифиннинг ғазалини кўш-қўллаб олди, кўзларига суртди ва отасининг овозидек жарангдор, тиниқ товушда қироат қилди:

*Холиқимни изларман тун-кун жаҳон ичинда,
Тўрт ёнимдин йўл инди кавну макон ичинда.
Тўртдин еттига етдим, тўққиздин бир-бир ўтдум,
Ўндин иккига келдим, чархи кайвон ичинда.
Ғаввос баҳрига кирдим, вужуд шаҳрини кездим,
Дурни садафда кўрдим, гуҳарни кон ичинда.
Аршу Курсини юрдум, Лавҳу Қаламни кўрдум,
Вужуд шаҳрини кездим, айдим бу жон ичинда.
Уч юз олтмиш сув кечдим, тўрт юз қирқ тўрт
тоғ ошдим,
Ваҳдат шаробин ичдим, туштум майдон ичинда.
Чунки туштум майдонга, майдонни тўла кўрдум,
Юз минг орифни кўрдум, барча жавлон ичинда.
Жонни кўрдум жанонда, гулни кўрдум майдонда,*

*Ошиқларнинг бўстони, жумла майдон ичинда.
Эрни кўрдум - эргашидим, излаганимни сўрдим,
Барчаси сенда, деди, қолдим ҳайрон ичинда.
Ҳайрон бўлубон қолдим, беҳуш бўлубон толдим,
Ўзимни дардга солдим, топдим дармон ичинда.
Мискин Хожя Аҳмад жони, ҳам гуҳардир, ҳам кони.
Жумла анинг макони, ул ломакон ичинда.*

Хуррамбек ғазални ўпди, манглайига тегизди ва таъзим ила отасига узатди. Муҳаммад Солиҳ Хуррамбекни шоирона лутф ила алқади:

– Пири комилнинг абёти мисли зар экан. Шаҳзодамиз хушнавоси бирла сийнамизни зарафшон айлади. Боракалло!

Рўзбеҳхон ҳам уни қувватлади:

– Завқимиз зиёда бўлди. Илоҳо, валиаҳднинг умри зиёда бўлғай. Валлоҳу аълам биссаваб!

Икки дил маҳрамининг дуосидан Шайбонийхоннинг димоғи чоғ бўлди. Ўғлига ўтиринг, дегандек ишора қилди. Рўзбеҳхон илтижо аралаш бир оҳангда сўранди:

– Ҳазрат олийлари, биз жанобларидан байту ғазал эшитмакка умидвормиз...

Хоннинг қийик кўзлари кулимсиради. Ёнбошидан бир варақ олиб, Муҳаммад Солиҳга усинди:

– Султонимнинг руҳ покларидан рағбат олиб, бомдод маҳали бир туюқ битиб эрдик. Марҳамат, мавлоно Солиҳ, ўқисинлар, сиз - воиз, биз - соме.

Солиҳ шилдироқ қоғозни кўзларига суртди, сўнг бийрон лафзда ўқиди:

*Сугд ичинда ўлтирурлар ёбулар,²²
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.²³
Ёбуларнинг илкидин эл тинмади,
Ё булар бўлсун бу ерда, ё булар.*

“Офарин! Шохбайт бўлибдир”, дея иккала шоир хонга таъзим бажо келтирди.

Муҳаммад Солиҳ сиртига қирмизи духоба қопланган жилдини очиб қўйди.

– Давлатпаноҳ, ижозатлари бўлса...

Хон мутойиба қилди:

– Қафаснинг банди ечилди. Энди қушни озод қилинг, мавлоно!

Солиҳ Шайбонийхоннинг пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари асосида айтган бир амри маъруфини назмий шаклда баён қилган эди, томоқ қириб, қироатга ўтди:

*Бу ҳадис эрдик, хон этти баён,
Ҳам муҳаддис эди, ҳам шоҳи замон.
“Нафси аммора” деди етти сар,
Сени Қорун каби ондукто ютар.
Бу етти бошлиқ илон бор аён,
Баданимиз ичидадур бу йилон.
Бир боши шавкат эрур, бири ҳасад,
Бири жаҳлу яна бири хўйи бад.
Яна икки газабу тувли амал,
Яна бир ўлмоқи халқ ила дагал.
Қойси душман бу йилондек бўлғай,
Қойси бу нафси ямондек бўлғай?
Ушбу душманни ясормен, десангиз,*

²² Ёбулар – туркий улуснинг бир уруғи.

²³ Ёбу – кичкина, хашаки от.

*Ани бўғизидан осормен, десангиз,
Суннат ила амал айланг доим,
Наби амрини тутинглар қойим.
Қилингиз хўй риёзат бирла,
Тузинг ишларни шариат бирла,
Тиғи иллаллоҳ ила иш айланг,
Нафси кофир ила сончиш айланг.²⁴*

Муҳаммад Солиҳнинг содда ва равон байтлари Шайбонийхонга маъқул бўлди шекилли, у аста бош силкиди, сўнг эшик оғасини чорлади:

– Икки чопон келтирингиз!

Мамат Ёвқур бир жуфт зарбоф тўн олиб кириб, икки шоирнинг елкасига ёпди. Шоирлар хонга таъзим адо этиб, орқалари билан юриб чиқиб кетдилар. Шайбонийхон пешин намозига тайёргарлик кўра бошлади.

БУХОРО. ҚАСРИ ОРИФОН

Сайхун бўйларига баҳор келди. Дарё жўшиб оқади. Қатрон ерни тешиб бир қарич бойчечаклар чиқди. Даладашт жуволдиздек ингичка майсалар билан қопланди. Эрка шамол уларнинг бошини силайди. Минглаб арғумоқларнинг кишнаши, минглаб қўй-қўзиларнинг маъраши қулоққа хуш ёқади. Осмон тўла гала-гала қушлар. Чўпон-чўлиқ яна таёғини судраб яйловга чиқди. Алқисса, дашти

²⁴ Нафси аммора – ёмонликка буюрувчи нафс. Бу ёвуз махлуқ, етти бошли аждаҳога менгзайдир. Мазкур илон вужудимиз ичра сокиндир. Бу юҳонинг бир боши шавкат, яъни кибр, бири ҳасад, яна бириси жаҳлу, тўртинчиси бадфеълликдир. Қолганлари ғазаб ва хунук амал, еттинчиси аҳли мўминлар билан қўпол муомала қилмоқдир.

Қипчоқ кўклам нафасидан ором олиб, тебранади, завқланади...

Хон қароргоҳи ўғруқларни шайлаб, кўчиш тараддудига тушган. Шайбонийхон Наврўзни Самарқандда, Рамазон ҳайитини Бухорода ўтказишни ният қилган эди. У бир-икки кун кўшинни кўрикдан ўтказди. Навқарларнинг кайфияти яхши, отлар семирган, қурол-аслаҳа янгиланган эди. Хон ёвқур бекларидан Жалолиддин Урусни эллик минг аскар билан Сиғноқда қолдирди. У дашти Қипчоқнинг ичкарасидан кўққис келиб қоладиган саҳройи босқинчиларга кўз-қулоқ бўлиши керак эди. Убайдуллахон Бухоро ҳимоясида турарди. Шайбонийхон Темур Султон бошлиқ асосий кўшинни чўли малик орқали Самарқандга йўллади. Ўзи бир туман суворий билан Тошкент сари йўлга тушди. У Фарғона музофотидаги мулкларини тафтиш қилиб, Хўжанд, Ўратепа орқали Самарқандга ўтмоқчи эди.

Ҳамал (март)нинг бошларида хон Яссига келиб қўнди. Уч кун пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг сағаналарини тавоф қилиб, мадад сўраб ётди. Сўнг - Сайхун бўйлаб йўлга отланди. Хон Хўжандда, Қўқонда бир-икки кун турди. Исфаранинг ўриклари, Конибодомнинг бодомлари қийғос гуллаган, ҳавода митти юлдузлардек гулбарглар учар, чор тарафдан гул атри келар, гўё бутун водий мушки анбарга чўмилгандек эди. Бу латиф иқлимдан Шайбонийхоннинг кўнгил узилиб кетгиси келмасди. Лекин уни орзуманд шаҳри - пойтахт Самарқанд чорларди. Хон ноилож отининг бошини Жиззах сари бурди. Самарқандга энди икки кунлик йўл қолган эди.

Шайбонийхон шавкатли кўшини билан шаҳарга кириб келганида Наврўз авжида эди. Мадрасаларнинг томида карнай-сурнайлар садоси осмони фалакни ларзага келтиради. Кўчаларга одам сиғмайди. Барча томоша ишқида сайлгоҳлар сари ошиқади. Регистон майдонида ўнлаб дошқозонлар ўрнатилган. Уларда Самарқанднинг тансиқ таомларидан тортиб, сумалаккача қайнайди. Сиёб бозори ҳам кўчаларга кўчиб чиққан. Расталарда минг бир хил ширинликлар кўзни севинтириб, иштаҳани қитиқлайди: пашмак, лавзина, писта, бодом, сояки майиз, тутқоқи, анжир шинниси, қантак ўригу машҳур Самарқанд ширмой нонлари...

Шайбонийхон шоҳона чодирини Зарафшон бўйига тиктирди. Кейин ёнига шаҳар ҳокимини олиб, кун бўйи кўчаларни айланди. Унинг кўз олдидан саккиз йил аввалги мудҳиш манзара кетмасди. Оч-наҳор гўдакларнинг чинқириғи, боласидан айрилган аёлнинг ноласи, итмушук этини еб, шишиб ўлган одамлар, кўча-кўй тўла лопиллаган тобутлар...

Унинг бадани сесканди. Бироз юргач, ясан-тусан одамларга кўзи тушиб, қувноқ кулгуларни эшитдию, кўнглидаги хижиллик бироз чекинди. Ўша фожеалар учун аввало ўзини, сўнг Бобур Мирзони койиди. “Шукрлиллох, у кунлар ортда қолди. Илоҳо, қайтиб келмасун”.

Шайбонийхон қароргоҳига қайтди. Девон котибларини чақириб, фармони олий ёздирди. Ушбу фармоёйишга кўра, Наврўзи олам шарофати билан тубандаги савоб ишларни амалга ошириш вожиб, деб буюрилган эди. Жумладан, бева-бечораларга мўл-кўл хайр эҳсон қилиш, мадраса талабаларига бош-оёқ сарпо тарқатиш, мударрисларнинг маошини икки баробар ошириш,

масжид, мадрасаларга қўшимча вақф ажратиш, бозорларни обод қилиш, янги карвонсаройлар қуриш, азиз авлиёлар мазорини таъмирлаш ва ниҳоят, ўн кун мобайнида шаҳар аҳлига ош-сув бериб, худойи қилиш.

Бу тадбирга сарф бўладиган харажатлар байтул-мол, яъни давлат хазинасидан ажратилсин, дея алоҳида таъкидланган эди.

Хон Самарқандда бир ой туриб, отининг бошини яна Туркистон сари бурди. Бу сафар у Бухоро, Хоразм орқали Хазар денгизига қараб юрди. Денгиз ёқалаб бориб, Ўзганнинг тепасидан, Қоратовнинг кунботаридан чикди. Шайбонийхон Туркистоннинг таянч қалъаларидан саналмиш Янгикент, Ўзганга бетўхтов хужум қиладиган Бурундуқхонни узил-кесил янчиб ташламагунча эл-юрт тинчимаслигини биларди. У юз минг кишилик сара аскарлари билан саҳройилар изидан тушди.

* * *

Орадан етти ой ўтди. Бурундуқхон минглаган отлик аскарлари билан бирга жаҳаннам қаърига кетди. Жониш полвон бир қанотидан айрилган бургутдек чўлтоқланиб, бенаво-беҳуд бўлиб қолди. У минбаъд Туркистон улусидан насибаси узилганини сездими, қолган-қутган суворийлари билан Эдил дарёсидан нарига, Урусия сарҳадларига қараб равона бўлди. Шайбонийхон то аждаҳонинг боши янчилмагунча эл-юртнинг тунда уйқу-си, кундуз кулгуси бузилаверишини биларди. Шунинг учун Қоратов сиртидаги Сузоқ, Қумкент қалъаларининг ҳимоясини кучайтирди. Олмачук баҳодир деган лашкар-бошисини қирқ минглик навкар билан Қоратов ўнгидаги қирларда қўриқчи қилиб қолдирди. Хоннинг қаландар

қиёфасидаги хуфялари Жониш полвоннинг шимол томон кетаётганидан дарак бергач, Шайбонийхон Рамазон хайитини Бухорода нишонлаш учун йўл тадоригини кўришга амри фармон берди. Ҳадемай икки юз минг навкардан иборат муаззам кўшин Хазар денгизини ёқалаб йўлга тушди.

Шайбонийхон Бухорои шарифга арафа куни етиб келди. Кузнинг адоғи, қишнинг аввали. Ҳаво совий бошлаган. Қорақумдан изғирин эсади. Аммо Бухоро жанубидаги кентлар, овуллар, работлар байрам сафоси ила нафас олади. Гузарлар, кўчалар чиннидек саранжон-саришта, одамлар янги либосларда, болалар қийқириғидан маҳалла-кўй маъмуру обод.

Шайбонийхон Баҳоуддин Нақшбанд марқади (мозори) макон тутган Қасри орифонга келиб тушди. Уни Бухоронинг умарои икромлари, туман волийлари, беклар, бою боёнлар кўша-кўша совға-салом билан қаршиладилар. Хон пири комил қабри тепасида товушини баралла кўйиб Қуръон тиловат қилди. Сўнг қорилар сура кетидан сура ўқидилар. Зиёрат маросими тугаб, барча жоме масжидига жам бўлди. Хон аҳли мўминни ийд рамазон билан муборакбод этди. Бухоро шайхулисломи Шавқиддин ҳожи дуога кўл очди:

– Аллоҳумма, аббидил ислома ва раввижил аҳкома. Эй Худованди карим, исломни абадий қилгил, анинг ҳукмига равнақ бергил, Аллоҳу акбар!

Жамоатнинг “Аллоҳу акбар”идан масжид шифти ҳам акс-садо берди.

Эртасига тонг сахардан Қасри орифонда ҳайит нашъу намоси авж олди. Вилоятнинг олис-яқин гўшаларидан зиёратчилар дарёдек оқиб кела бошлади. Ҳамма

ҳазрат Баҳоуддин даҳмаси сари интилар, санги муродни²⁵ тавоф айлаб, Балогардон бободан таскин ва мадад сўрарди.

Шайбонийхон раиятга малол келмасин, деб кўшкини Қасри орифондан бир чақирим нарига кўчирган, мўъжаз масжид вазифасини ўтайдиган хос чодирда ҳайит маросимини томоша қиларди. Хон амрига кўра зиёратчилар бир сидра кийим-кечак ва уч кунгача текин таом билан сийланди. Хонақоҳга хайр-эҳсон улашилди.

Шайбонийхоннинг азалий бир одати бор эди. У қайси шаҳарни забт этса, ўша ерлик аҳли донишни хузурига чорлаб, суҳбат қуришни фарз деб биларди. Бу сафар ҳам чодирга муфтий, мударрис, муҳаддис, шайхул-ислом, қозию қуззотни таклиф этди. Дин пешволари ичида Шамсиддин Абдулло Яманий, Сиғноқ қозикалони Абдулмутал Ёртош ҳожи, Ҳиротдан Сайфиддин Аҳмад, Насафдан Юсуф қори, Бухоро шайхулисломи Шавқиддин ҳожи бор эди.

Мусоҳаба чоғида Қуръони карим тафсири, қиёс ва ижмо, ҳажжи видо, шариат ва тариқат, илми қол ва илми ҳол фарқлари, ва ниҳоят, тасаввуф билан ислом муносабатлари сингари масалалар устида баҳс юритиларди.

Абдулло Яманий Қуръоннинг қалби саналмиш “Ёсин” сурасидан беш-олти оят ўқиб, юзига фотиҳа тортди ва хонга таъзим қилди. Шайбонийхон аста томоқ кириб, жамоатга мурожаат қилди:

– Азизлар! Ҳамонки Ҳақ таолонинг каломидан сўз очқон эканмиз, муҳтарам Сайфиддин Аҳмад жаноблари-

²⁵ Санги мурод – муқаддас тош.

дин ўтинчимиз бор. Муборак оятларнинг нозил бўлмок сабабларини, боз аларнинг аввал-охирини айтиб берсалар.

Сайфиддин Аҳмад неча йилдирки Ҳирот шайхулисломии эди. Шайбонийхон Ҳиротни олганида шайхни чорлаб, суҳбат қурдию бу зотнинг зукко фаросатига, илмининг кенг қамровлигига тан берди. Самарқанд ёхуд Марвда бўладиган мажлисларига албатта таклиф этарди уни. Мана, бугун ҳам шайх хоннинг азиз меҳмони. Сайфиддин ҳам хоннинг унга айрича бир иззатидан тўлғониб оғиз очди:

– Муҳтарам аҳли сунна! Расули акрамга нозил бўлмиш оятларнинг аввали - бу “Алақ” сурасининг биринчидан то бешинчигача бўлган оятларидир. Сўнгги оятлар ҳақ Мустафога ҳажжи видо маҳали Маккаи Мукаррамада келди. Бу “Моида” сурасининг учинчи ояти охирида эрди. Қуръони мажид жами олти мингу олти юзу олтмиш олти оятдан иборатдир. Аларнинг мингтаси амр, мингтаси наҳий²⁶, мингтаси ваъда, мингтаси жазо, мингтаси қисса, мингтаси масал, яъни ибрат, беш юзтаси ҳалол ва ҳаром хусусинда, юзтаси дуо, олтмиш олтитаси носих ва мансук ҳақинда бўлиб, булар ҳукми ўзгартирилган оятлардур.

Шайбонийхон, маъқул, дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Шундан сўнг қори мураттиблар ҳар бир сурадан беш-олтитадан оят ўқишга ўтдилар. Шайбонийхон ўзича қориларнинг қироатини тафтиш қилиб, саҳвхатолари бўлса, тузатмоқчи эди. Зеро у ўттиз пора Қуръони каримни болалигидан ёд билар, уни бир неча бора ўз қўли билан кўчириб чиққан эди. Қорилар қироат ила банд экан, хон “Юнус” сураси, “Тоҳо” сураси, “Рум”,

²⁶ Наҳий – таъқиқлаш, ман қилиш

“Ғофир” дея таъкидлаб турди ва ниҳоят, сураи “Ан-нос” ила хатми Қуръон интиҳосига етгач, дуога кўл очди. Имоми замон, халифатул-рахмон унвонига мушарраф Шайбонийхонга тақлидан барча юзларига фотиҳа тортди. Шу билан мажлисининг биринчи куни тугади.

ТЎЛҒОН ОЙНИНГ ШУЪЛАСИ

Уч кунлик ҳайит ўтиб, зиёратчиларнинг сафлари сийраклашди. Шайбонийхон мажлис доирасини кенгайтирмоқчи бўлди ва навбатдаги анжуманни Нақшбанд мақбарасининг жомеъ масжидига кўчирмакка қарор қилди. Бу сафарги мажлисга уламолардан ташқари хонақоҳ аҳлини, мадраса мударрисларини, жамики толиби илмларни ҳам таклиф этдилар.

Шайбонийхон тасаввуфга мойил эди. У ўсмирлик чоғларида Бухорода бир неча йил таълим олган, Мавлоно Хитойдан қол илми бирла ҳол илмини ҳам астойдил ўрганган эди. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири муршиди деб билар, Шайхул-машойихнинг девони ҳикматини ўз кўли ила бир неча карра кўчириб чиққан эди. Ана шу мулоҳазалар боис, Хон бугун анжуманни шариат ва тариқат, обидлар ва сўфийлар аҳли орасидаги муносабатга бағишламоқчи бўлди. У сомеларга қарата икки оғиз ваъз айтди:

– Мухтарам жамоат! Сир эмаски, расули акрам замонидин то ҳануз шариат пешволари тариқат аҳлига бегонароқ кўз бирла боқадилар. Чунончи, ботиний илм зоҳирий илмни инкор этадими? Ва ё қол устунми, илми ҳолми? Сўфийлар салби вужуд айлаб, дин аҳкомларидан

йироклашмаётирми? Филжумла, шариат ила тариқат орасинда ихтилоф йўқми? Ҳамонки, бугун, бул шарофатли айёмда нақшбандия сулукининг қутбул-ақтоби ҳазрат Баҳоуддин турбатинда сокин эканмиз, аҳли фузалонинг сўзларини эшитмак истагидамиз.

Шайбонийхон чап ёнига қаради. У насафлик Раҳматулло қорини бир-икки йилдан бери танир эди.

– Қорини мураттаб мавлоно Раҳматулло, тиловат қилсинлар, - деди хон кулимсираб. Раҳматулло қори ўзига билдирилган эҳтиромдин шодланди, ўрнида бир қўзғалиб кўйди ва ўта ширали, жарангдор товуш ила “Бақара” сурасидан ийд рамазон ҳақидаги оятларни тиловат қилди.

– Қасри орифондаги сўфийлар ҳалқасининг мутасаддиси шайх Мансурхўжа Оллоёр ўз мавқеига яраша қуйироқда ўтирган эди. Хон уни кўзи билан ахтариб топди. Шайбонийхон ҳар сафар Бухорои шарифга ташриф буюрганида шайхни ҳузурига чорлар, тариқат, маърифат мақомлари устида суҳбат қурарди. Шайхнинг қол²⁷ илми билан ҳол²⁸ илмини бекаму-кўст эгаллагани хонга манзур бўлган эди. Шунини эслаб, шайхга мурожаат қилди:

– Мавлоно Мансурхўжа Оллоёр, сиз Хонақоҳ раҳнамосисиз. Ўзларидан бир ўтинчимиз бор...

Мансурхўжа исмини эшитган заҳоти илкис ўрнидан туриб, таъзим бажо келтирди.

– Ўтинчимиз шулки, - деди хон, – шариат бирла тариқат орасиндаги тафовут борасида сўзласангиз. Алар ихтилофдаму, вобастаму?

– Вобастадур, ҳазратим, вобастадур, – деди тик турганча шайх, – шариат бирла тариқат аро ихтилоф

²⁷ Қол илми – зоҳирий илмлар, аниқ фанлар.

²⁸ Ҳол илми – руҳоний илм, қалбий зикр орқали эришиладиган тасаввуф илми.

йўқдур. Ислом динимиз бамисли бир азим дарахтдурки, анинг илдизи - шариат, барги, гуллари, меваси - тариқат. Токи Ҳақ таоло субҳоналлоҳунинг муборақ каломини, расули акрам васиятларини буткул хатм қилмай туриб, сулукка кириб бўлмас. Фарз ила суннат хонақоҳ аҳлининг дил туморидур. Хожа Абдулло Ансорий шайхур-раис демиш: шариатни тана деб бил, тариқатни дил дегин, ҳақиқатни жон дегил. Филжумла, раззоқ эгам васлига ноил бўлмоқни истаган бандаи мўмин лайлу наҳор зикру сано ила машғул бўлмоқни авло билгай. Невчунки, шариат зоҳир таҳорати, тариқат ботин таҳоратидур. Шариат нафс йўли эрса, тариқат ва ҳақиқат кўнгил йўли, рух йўлидир. Ҳадиси шарифда келмишки, шариат пайғамбаримиз Ҳақ Мустафонинг айтганлари, тариқат - расули акрамнинг сийратлари, қилган ишлари, ҳақиқат эрса расулуллоҳнинг кўрганларини кўришдур. Бас, шариат ила тариқатни ўзаро вобаста, бир-бирини тақозо этувчи ислом йўлининг мартабалари деб қараш лозим ва мақбул деб ҳисоблаймиз.

Шайх сўзини тугатиб, бош эгди.

Шайбонийхонга сўфийлар сардорининг мантиқли сўзи маъқул бўлди. У ўтиринг, дегандек шайхга ишора қилди ва деди:

– Шариат бирла тариқатнинг чамбарчас пайвандлигини бир ҳикматларида пири-муршидимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари марҳамат қиладилар.

Хон камоли завқ билан Яссавий шеърини қироат қилди:

*Ҳар ким қилса тариқатнинг даъвосини,
Аввал қадам шариатга қўймоқ керак.*

*Шариатнинг ишларини адо қилиб,
Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак.*

Пойгакка яқинроқ ўтирган қора чопонлик, бошига одми кўк салла ўраган (афтидан қишлоқи бўлса керак) ўрта ёшлардаги бир киши изн сўраб ўрнидан турди.

– Биз мадраса кўрмаган омиё бир деҳқонмиз, - деди узрли оҳангда, - Зовия²⁹ улуғининг гапларини жон қулоғимиз билан тингладик. Валекин, бир нимарсага ақлимиз етмайроқ турибдир. Биз томонларга ҳам дарвешлар бориб туради. Улар Олло зикрида бўлган бандалар рўзғор тузмай, тажарруд қилиб, дунёдан тоқ ўтишни талаб қиладилар. Шу тўғрими, тақсирлар? Ахир мен кетмонга суянган бир деҳқон бўлсам, аҳли аёлсиз, бола-бақрасиз яккабош нечук тирикчилик қилғайман?

Хон, бу чигал сўровга ким жавоб берар экан, дегандек жамоатга кўз югуртирди. Ҳайъатнинг тўрида чордона қурган ёши олтмишни қоралаган, хушрўй, адлқомат Самарқанд фақиҳи қўл кўтарди. Хон бош силкиб ижозат берди:

– Талабгоримизнинг кўнглидаги тугунни ечишни Самарқанд фақиҳи мавлоно Хожи Барлос Мажидийдан сўранамиз.

Хожи Барлос ўрнидан турди. Сомеларга синовчан разм солди. Сўнг барча эшитадиган ўктам товушда деди:

– Тарки дунёчилик, яъниким, бу фоний жаҳоннинг лаззатларидин воз кечиб, бошни буркаб гўшанишинлик қилиш ислом йўли эмас. Расулуллоҳ зоҳидтабиат асҳобларига қарата, мен ораларингизда афзалроғиман, аммо масжидга ҳам бораман, тотли овқатлар ҳам ейман,

²⁹ Зовия – хонақоҳ, сўфийлар маскани.

аёллар билан суҳбат ҳам қураман, деган эканлар. Ҳақ Мустафо бир ҳадисларида “Ло раҳбонията фил ислом” дея марҳамат қиладилар. Воқеан, исломда роҳиблик, сўққабошлик йўқдур. Хўш, сўфийлар, дарвешлар аҳволотига келсак, алар Оллоҳнинг хос бандаларидир. Ўзларини батамом Раҳмон эгам ихтиёрига топширган зокирлардур, шокирлардур. Улар томирларида қон билан баробар оқиб турган шайтони лаъинни ҳайдаб, ҳайвоний нафсни жиловлаб, зикру сано, қалбий салот, сабру суқун ила ҳақ ишқида ёнадилар, Ҳақ васлига етмоқ умидида риёзат чекадилар. Оллоҳ Таоло мағфиратига мушарраф бўлмоқ йўли турли-тумандир. Сўфийлар наздида инсон кўнглига икки ишқ сиғмайди. Бу дунёнинг ўткинчи роҳатларига ишқ, мол-дунёга, аҳли аёлга муҳаббат, шаҳвониятга ружу ва ҳоказо. Сулукка кирган солиқ учун парвардигори оламдан келадиган нури тажаллидин ўзга барчаси абас. Шу боис алар бу дунё жилваларига этак силтаб, ишқи илоҳийни афзал билганлар. Иброҳим Адҳам подшолик тахтини сўфийлик маснадига алиштирди.

Мир Алишер Навоий ҳазрат рўзғор маишатини ўзларига раво кўрмадилар. Бир кўнгилга бир ишқ кифоя, дея мутасаввифлар қавмини муносиб кўрди. Пири комилимиз ҳазрат Баҳоуддин (ул зоти шарифнинг қабри нурга тўлсин) ўн етти ёшларида уйландилар. Бир оқшом Хизр алайҳиссалом тушларига кириб, сен ё у йўлни, ё бу йўлни танла, дедилар. Иккала юзинг Аллоҳ тарафга қараган бўлсин, рўзғор сенга ҳожат эрмас, дея ғойиб бўлдилар. Ҳазрат аҳли аёлдин ажрашдилар ва хонақоҳни танладилар. Тажарруд борасида сўрасалар, Ҳазрат ҳикмат ила “Мо ин кор намекунем, вале инкор намекунем”, яъни

биз бу ишни қилмаймиз, лекин инкор ҳам этмаймиз, деб жавоб қилдилар.

Энди, деҳқон иним, сизнинг касбингизга келсак, кетмондан қолманг. Яссавий пиримиз “Деҳқон эмас, кетмон чошиб, нон емаса” дея васият қилганлар. Нақшбанд ҳазрат “Дил ба ёру даст ба кор” деб панду насихат айладилар. Бу ҳикмат замирига қулоқ солинг. Кўнглинг Ҳақ ёдида бўлсин, кўлинг юмушдан бўшамасин, меҳнат сенинг ҳаётинг, демоқда авлиёи кабир. Сизга айтар сўзимиз шул: ҳалол меҳнат ила аҳли рўзғорни ризо қилсангиз, беш вақт салот саловот бирла фарзу суннатни адо этсангиз, бас, сиздан худо ҳам, халқ ҳам рози бўлғай. Валлоҳу аълам биссаवоб!

Иккала уламанинг аниқ-тиниқ ва лўнда гапларидан Шайбонийхон қаноат ҳосил қилди. Хаёлига ёқутдек порлаб ҳазрат Навоийнинг бир байти келди. Хуш овозда ўқиди:

*- Қилиб ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий муни бил тариқи тасаввуф.*

Пири комилдин ўткариб тасаввуф таърифин айтиб бўлмас. Мазкур шоҳбайт кўнглимиздаги тугунларга барҳам бергай, иншооллоҳ!

Эшикка яқинроқ ерда ўтирган новча, қотма, чўққисоқолли киши ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху!
– дея таъзим қилди. Атрофга кўз югуртириб тилга кирди.
– Фақир мадрасада толиби илмларга сабоқ берадурмиз. Муллабаччалар бизни гоҳо сўроққа тутадилар. Мансур Ҳаллож ким ўзи? Авлиёи кабирми, шариатга шак келтирмиш кофирми? Валиюллоҳ бўлса, невчун “Анал-

ҳақ” деб худолик даъво қилур? Не сабабдин дорга осдилар уни? Муҳтарам зотлар, мушкулимизни осон қилсангиз...

Шайбонийхон чап тарафига ўгирилди. Ҳайъатда хоннинг доимий дил маҳрами ва йўлдоши Фазлуллоҳ Рўзбеҳхон чўк тушганди.

– Мавлоно Рўзбеҳхон, - деди хон, - биз Сизни наинки насру назмда, жумладан тасаввуф илмида ҳам закий деб билурмиз. Мударрис жанобларига муносиб сўз айтингиз, токи анинг кўнгли жойига тушсин, толиби илмлар сўроқларига жавоб олсинлар.

Рўзбеҳхон аллақачон оёққа қалқиб, лабини жуфтлаб турган эди.

– Муҳтарам мударрис, - деб гап бошлади Рўзбеҳхон, – Сиз қол одамисиз, зоҳирий ирфон бирла машғулсиз. “Анал-ҳақ”нинг маъносига етмак учун сурат ила сийрат фарқига бормоқ лозимдур. Бунинг учун шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мақомларини эгаллаб, фано мартабасига эришмоқ даркор. Хожа Аҳмад Яссавий пиримиз “Пўсти иймон, мағзи - тарик”, деб лутф этганлар. Бу ҳикмат маъниси недур? Ўйланг, кўлингизда бир дона анор турибди, дейлик. Сиз бул меванинг сиртига қараб, ани анор деб танийсиз, вале пўст ичидаги дондан, мағиздан беҳабарсиз. Анорнинг аслини билмоқ учун мағзини ҳам тотиб кўриш шартдур. Мансур Ҳаллождек валиуллоҳлар мағизнинг мазасига мушарраф бўлган зоти шарифлардур. Аларнинг шарҳи ҳолини, илоҳий ишқ йўлида жон фидо қилганликларини англамай, уларни кофирга йўймоқ гуноҳи азимдур.

Сизга аёнки, жаноб мударрис, Ҳақ Таоло инсонни яратганда унга ўзининг сифатларидан ҳам бир чимдим кўшиб берган. Шул сабаб раззоқ эгамиз, бандаларига

қарата, сиз менинг ердаги халифамсиз, деб иноят қилган. Биз биламизки, инсон дунёга келганидан унинг қонида раҳмоний ва ҳайвоний хулқ баробар яшайди. Бир кимса ўсиб-улғайган сайин хулқидаги ҳайвоний сифатлар кучая боради, ўзга кимсаларда раҳмоний, илоҳий фазилатлар тараққий этади. Оллоҳ деган бандалар тоат-ибодат, риёзат, сабр, шукр, таваккал ила ҳақ васлини тилайди. Илми қолни бажо айлаб, илми ҳол мақомини адо этиб, салби вужудни афзал кўради. Энди бундоқ зокирнинг жони-жаҳони ёлғиз Оллоҳ ёди, Оллоҳ жамолига етмак иштиёқи ила банд бўлади. Ўзини илоҳий руҳ бирла вобаста, ҳақнинг ёнида кўради. Ҳазрат Мир Алишер зикр этганларидек, Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв этади ва илоҳий руҳга эш бўлади. Шундоқ жозиб кезларда Мансур Халлождек фанога етган авлиёлар, беихтиёр “Анал-ҳақ”, мен ҳақман, зоти пок бирла биргамен, деб хитоб қиладилар. Бу хитобда куфр йўқдур, бу жазба ҳолатдур, илоҳий кароматдур.

Энди дор масаласига келсак. Бир тўп нодоннинг фатвоси боис, Мансурнинг қўл-оёғини чопдилар, бошини танасидан жудо қилиб, дорга осдилар. Сўнг куйдириб, кулини дарёга сочдилар. Оқибат не бўлди? Дажла исёнга келди, тошиб, қирғоқдан ошди, шаҳар тўфон ичида қолиб, маҳв бўлишга юз тутди. Мансур бир муридига васият қилгон эди. “Қачонки менинг кулимни сувга оқизсалар, дарё тошиб, Ироқни сув босар. Ўшал чоғ сен менинг хирқамни олиб, қирғоққа ташла!” Мурид шундоқ қилди. Тўфон изига қайтди. Шаҳар хароб бўлмади. Бул суйган бандасига ўз илоҳий сифатини ато этган Ҳақ таоло инояти, муҳаббати эмасму? Буни хоҳ Хувайдои ишқ денг,

хоҳи Раҳмон эгамнинг қудратидан келадиган нури тажалли денг, ўзингизга ҳавола.

Рўзбеҳхон ваъзини тугатиб, хон томонга таъзим қилди. Мударрис ҳам юзига фотиҳа тортиб ўтирди. Шу билан анжуман оёқлади.

Шайбонийхон чап қўлини кўтариб, бармоқларини қарсиллатди. Эшикда донг қотиб турган хос мулозим елиб келиб, хон олдида қўшқўллаб таъзим қилди.

– Айтинг, хазиначини чорласинлар, – деди хон. Зум ўтмай ҳовлиқиб хазинабон кириб келди. Маҳтал бўлиб хоннинг оғзига тикилди.

– Тўртта чопон, бир халта кумуш ақча келтиринг.

Ҳадемай хазиначи етовида икки йигит тўрт зарбоф тўн олиб киришди. Хон ишорасига кўра Шамсиддин Абдулло, Раҳматулло Мажидий, – Шайх Мансурхўжа, Фазлуллоҳ Рўзбеҳхонларнинг елкаларига зарнигор тўн ёпилди.

Масжидда жам бўлган сомеларнинг ҳаммасига ўн донадан кумуш танга тарқатилди. Абдулло Яманий тик турганча дуо қилди:

– Омин! Халладаллоҳу мулкаҳу ва салтаната! Раҳмон эгам олийни шон шоҳимизнинг мулкани ва салтанатини боқий қилсун, умрларини узун, мартабаларини фузун айласун, Оллоҳу акбар!

Эл оёққа қалққанда Шайбонийхон бир сўз айтди:

– Шомдин сўғин уламои киром очик майдонга келсун, биз Аллоҳ таоло ва таборакнинг яктолигига бир назора айлайлик.

Халойиқ, ул не мўъжиза бўлди эркан, деб хушхандон тарқалди.

Шом намозидан сўнг мақбара ўнгидаги кенг майдонга элликка яқин халойиқ тўпланди. Хон қирқта мис тос келтиришни буюрди. Тосларни сув билан тўлдирдилар. Ҳаво очиқ эди. Бир замон уфқдан катта лочирадек тўлган ой жамол кўрсатди.

– Осмондаги тўлғон ойга қарасинлар! – деди Шайбонийхон. Барча нигоҳини кўкда ярқираб сузаётган камарга тикди.

– Ой нечта? - сўради хон.

Чор тарафдан “Битта, хон ҳазратлари!” деган жўр-воз эшитилди.

– Энди мана бу жомларга бир боқиб, мушоҳада айланг! – деди хон тосларни кўрсатиб. Халойиқ тосларга назар солдию, бирдан “Мошоллоҳ! Раббим!” деб хитоб қилди. Сув бетида тилла баркашдек бўлиб тўлин ой қалқиб турарди.

– Ой нечта эркан, жаноблар? - Хон кулимсираб сўради.

– Қирқ... қирқта эркан... Во ажаб!

– Боракалло! Ой якка-ю, шуласи қирқта! Агар чандики, бул ерда тагин қирқ минг жом бўлса, шуъласи қирқ минг бўлғай, юз минг бўлса - юз минг ой жилва қилғай эрди. Ўшал камар янглиғ Раҳмон эгам ҳам ёлғиздур. Вале такбир айтиб, шаҳодат келтирган ҳар бир бандасининг кўксига Қозиюл ҳожот ислом нуруни ёғдирғайким, бу зиёни нури тажаллий дерлар. Илоҳий нур эмган юраклар охират яроғини зора дил тумори деб билсалар. Биз бу сўзни “Анал-ҳақ”дан гумонсираб турган ғофилларга ибрат бўлсун, деб айтдик. Вассалом, валлоху аълам биссавоб.

Уламолар имом уз-замон Шайбонийхон муқтадолигида хуфтон намозини адо этгали ҳовлига йўл олдилар. Шу билан Қасри орифондаги зиёрат ва анжуман ҳам итмомига етди.

ХОН ЭҲРОМ КИЙДИ

Саккиз йилдирки, Рўзбеҳхон Шайбонийхоннинг дил маҳрами, маслаҳатчиси, шахзода Хуррамбекнинг мураббийси. Туркистон диёри унинг кўнглига хуш келди. Тукқан юрти Исфаҳонда одам қалин эди, кундуз кунлари бақириқ-чақириқдан, шовқин-сурондан қулоғинг батанг бўларди. Бу ерлар мутлақо ўзгача. Аввало ер кўп. Учикири кўринмайдиган, уфққача туташиб кетган дашт, биёбон, чўл... Кейин чор-атроф житжит. Фақат бетўхтов эсгувчи шамол товушини демаса, на-да хайқириқ, на-да сайха эшитилади. Рўзбеҳхон бу фараҳбахш осойишта даштга ўзича Сукунат салтанати, дея ном қўйиб олди. Маҳаллий халқнинг ҳаёт тарзи, туриш-турмуши, емиш, либослари, шеваси, расм-русумлари Рўзбеҳхонни ҳайратга соларди. Бу ерда ўғил болалар беш ёшидан камон ушлаб ёй отишни билар, қизлар муштдайлигидан оналари ёнида ўтириб, туя, эчки, қўй жунини титиб, урчукда ип йигирар экан.

Рўзбеҳхоннинг ҳайратини тошириб, завқини келтирган нарсалардан бири кўчманчи улуснинг уйлари эди. Чорвадор аҳли кўклам келди дегунча оппоқ ўтовларини катта шотили араваларга ортиб, серўтлоқ яйловлар томон йўл оладилар. Шаҳардан ташқарига чиқиб, қараб турсангиз, бепоён дашт узра гўё кумушранг гумбазлардек бўлиб

сирғалиб кетаётган сон-саноксиз оқ ўтов уйларга кўзингиз тушади. Ёлғиз дашти қипчоққа хос бу ғаройиб манзара Рўзбеҳхоннинг илҳомини келтиради, беихтиёр бир-икки байт битмоқчи бўлиб қўлига хома олади.

Ўзларини ўзбек деб атагувчи бу халқнинг тағин бир хислати - уларнинг шеваси эди. Бу ерликларнинг тилида арабча, форсча иборалар деярли учрамайди. Улар Маҳмуд Қошғарийдан қолган ўша қадим туркий лаҳжада сўзлашадилар. Рўзбеҳхон дашти қипчоқ элининг лафзидаги атамаларни эринмай дафтарига ёзиб борди. Масалан, бу ерда лабни эрин, пойдеворни ул, кафтни олақон, зинани ошқолдоқ, тешани чўт, михни чага, чирокни уш, пайтавани чулғов, ангишвонани ўймоқ, ҳандалакни домча дер эканлар.

Туркистонликларнинг оиладаги муомала санъатини кўриб, Рўзбеҳхоннинг ҳаваси келди. Бу ерликлар уят билан андишани рўзғорнинг зийнати деб санар эканлар. Шунинг учун ёш келинлар тўрт-беш болалик бўлгунларига қадар қайининилари билан қайин-сингилларининг отини айтиб чақирмас, уларнинг юз-кўзи, касб-корига қараб лақаб қўйиб олар эканлар. Масалан, бодомқиз, эркақиз, қоракўз, кенжатой, тўра йигит, сулувбика, олтиной ва ҳоказо.

Алқисса, Рўзбеҳхон ўзи учун Туркистон деган азим ва беназир бир мамлакатни кашф этди. Уни иккинчи ватанидек суйиб қолди. Рўзбеҳхон бу элга келиб қадр топди, мол-дунё орттирди. Хон ҳазратларининг дил маҳрами деган шарафли мартабага ноил бўлди. Бунисига шукр қилиб, у Оллоҳ Таолога ҳамду сано айтади. Аммо... ҳануз кўнглининг бир чеккаси ғаш. Юраги недандир безовта. Сабабини билолмайди. Не бу? Туққан юрт

соғинчими? Тажарруд³⁰ айлаб дунёдан тоқ ўтиб кетмоқда. Шунинг асоратими? Ва ё кексалик нишонасими? Ҳар қалай, бешинчи мучални оёқлаш арафасида турибди...

Хоннинг хос табиби Абдулахад Сигноқий Рўзбеҳхонга турли дамламалардан ичирди. Фойдаси бўлмади. Юрагининг хуружи босилмади.

– Сизнинг баданингизда иллат йўқ, – деди бир куни табиб, – иллат руҳингизда, жисми жонингизда. Дард берган эгам, шифосини ҳам бергай, иншооллоҳ, мавлоно.

Рўзбеҳхон ўйлаб-ўйлаб, Шайбонийхоннинг ҳузурига кирмоқчи бўлди. Тепасида тилла туғ ҳилпираб турган маҳобатли чодирга бир-икки бориб келди. Хон давлат ишлари билан банд экан, киролмади. Ниҳоят, уни хоннинг ўзи чорлатди. Шайбонийхон унинг заҳил юзига бир қур назар солиб, сўради:

– Мавлоно бугун беҳудроқ кўринурсиз. Не бўлди?

Рўзбеҳхон хаста ҳолидан арз қилди:

– Сигноқий табиб карам айладилар. Ҳовуч-ховуч дармон дори ичдим. Табиб жанобларининг ташҳисларига кўра иллат фақирнинг баданида эмас, жисми жонимизда эмиш. Руҳият...

– Магарким иллат руҳиятда эркан, шифо топилгусидир. Сиз дарҳол отланинг. Яссига бориб, пиримиз, авлиёлар султони Яссавий ҳазратларининг марқабини зиёрат қилинг. Зора пири муршидимиз ёрлақаб шифо топсангиз.

Ҳикоямизнинг давомини Рўзбеҳхоннинг ўз сўзлари билан давом эттиришни маъқул кўрдик. “Наврўзи Султонийнинг учинчи куни (1509 йил 19 март) Сигноқдан

³⁰ Тажарруд – ёлғизлик, оила қурмай дунёдан тоқ ўтиши.

Собронга қараб равона бўлдик. Зулҳижжанинг сўнги куни (мартнинг охири) Собронга етиб келдик. У ораста, ойжамол шаҳар экан. Саҳронинг кўйнида, кафтдек текис ерда барпо этилибдир. Шаҳарга кадам босишингиз билан димоғингиз чоғ бўлади. Ҳавоси тоза, танга роҳат элтади”.

Шундан сўнг муарриҳ яна ўз хасталиги ҳақида гапиради: “Рухим ва баданимдаги дарддан ҳаргиз фориғ бўлолмадим. Муборак Яссига бориб, кутбул замон Хожа Аҳмад Яссавий пиримнинг пурзиё марқабини тавоф этмагунча бу дард мени чангалидан халос қилмаслигига кўзим етди”.

Қадим Соброн билан Ясси ораси уч-тўрт фарсах (тахминан йигирма чақирим) эди. Рўзбеҳхон Собронда бироз дам олгач, яна йўлга отланади. У ёзади: “Зулҳижжанинг тўртинчисида (1509 йил 26 март) Соброндан азм айлаб чиқдик ва ўшал куни оқшомда Шайхулмашойихнинг турбатини кўзга суртмоқ шарафига ноил бўлдик. Зоҳидларнинг каъбаси, обидларнинг қибласи бўлмиш бу нурли марқаб зиёратидан сўнг кўнгилда хотиржамлик ошён қурди, руҳимдаги эзгинлик ва беҳудликдан асар ҳам қолмади”.

Рўзбеҳхон ўн икки кун пири муршид турбатини кўзига суртиб, мужовир бўлиб ётади. Бирор ҳафтадан сўнг хос маҳрамларини қабатига олиб, Шайбонийхон ҳам етиб келади. Хон гўё Маккаи мукаррама зиёратига келгандай, эҳром кияди, мулозимлари билан “Лаббайка!” деб маҳобатли мақбарани етти марта айланади. Сўнг қибла тарафидаги баланд супага чиқиб ўтиради. Аввал қорилар Қуръони каримни тиловат қиладилар. Кейин шайхулмашойихнинг муридлари жўровоз бўлиб, Яссавий ҳикмат-

ларини ўқийдилар. Султон ул-орифиннинг зиёрати зокирларнинг зикри ила якунланади.

Тариқат аҳкомига кўра, Шайбонийхон аркони давлат бирла бир неча кун зиёратгоҳда муқим туради. “Тунги суҳбат чоғида, - деб ёзади Фазлуллоҳ Рўзбеҳхон, - хон жаноблари шайхул-машойихнинг кароматларидан сўзладилар. Чунончи, Ҳазрат Яссавий пирим демишларки, ҳузуримизга тулки бўлиб келганларни (яъни мискин, ғариб кишиларни) шер этажакмиз, ўзини шер чоғлаб келган кимсалар тулкига айлангусидир. Мутакаббурлар ботиний дарддан фориғ бўлиб (яъни кибрдан кутулиб), ҳаққа бир қарич яқин бўлгай”.

Хусусан хон тилидан эшитган ажиб бир каромат Рўзбеҳхонга илоҳий мўъжиза бўлиб туюлади. Бул ривоятнинг мухтасар баёни бундай:

Ҳазрати Султон ҳар жумъа намозидан сўнг жамоатга амри маъруф айтар, бундай мажлисларда муслима аёлларнинг ҳам иштирок этишига ижозат берар эди. Негаки, Шайх “илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” деб ҳисобларди. Пири комилнинг бу амали тухматчиларга қўл келди. Шайхул-машойихнинг юксак мартабасини кўролмайдиган аламзада кимсалар миш-миш тарқатдилар: “Шайх Яссавийнинг мажлисларида заифалар ҳам номаҳрамлар қабатинда ўлтириб ваъз тинглашармиш. Аларнинг ёпинчиқлари йўқ эрмиш, бошлари очиқ-сочиқ эрмиш. Бул амал шариатимизга хилофдир”.

Туркистонлик ғанимларнинг ғийбати Хуросондаги айрим дин пешволарига ҳам ёқиб тушди. Улар Шайхни маломат қилишга ўтдилар.

Ҳазрати Султон тухматчиларга сабоқ бериб қўймоқчи бўлдилар ва бир куни Жомеъ масжиди олдига халойиқни тўплаб мурожаат қилдилар:

– Балоғат ёшидин то шу кунга қадар ўнг қўли авратига тегмаган киши бўлса, бу ерга чиқсун!

Ҳеч ким қимир этмади. Шайх хитобини яна қайтардилар. Ниҳоят, Шайхнинг содиқ муридларидан Хожа Ато ўртага чиқди. Шайхул-машойихнинг қўлларида мўъжаз бир қутича бор эди. Пири комил қутичани Хожа Атога топшириб тайинладилар:

– Бул омонатни Хуросон ўлкасига элтинг. Аҳли сунна вал-жамоани йиғинг. Аларнинг кўз олдида қутичани очинг. Не каромат кўрсангиз, бизга келиб айтурсиз.

Хожа Ато чўлу биёбонлардан ўтиб, ниҳоят Хуросонга етиб келди. Ҳар тарафга чопарлар юборилди. Туркистон авлиёсидан келган сирли қутини кўргани улкан майдонга гурас-гурас одам тўпланди. Уларнинг орасида Яссавийни маломат қилган дин пешволари ҳам бор эди.

Хожа Ато қутини очди. Қутининг ичида бир тутам пахта, пахтанинг устида эса ёнғоқдек чўғ кип-қизариб турарди. Маломатчилар кўзларига ишонмай қутига қайта-қайта боқдилар. Чўғ бозиллаб иссиқ тарқатиб турар, лекин пахтанинг ҳатто чети ҳам қуймаган эди. Одамлар ҳайратдан ёқа ушладилар. Яссавий тарафдорлари шукрона айтиб, пири комил кароматига яна бир карра иймон келтирдилар. Авлиёни бадном қилмоқчи бўлган фитначилар хатоларини англаб, тавба-тазарру қилдилар.

Ривоят айтиб бўлинди, аммо сомелар ҳамон сукут сақлаб ўтирар, гўё Шайхнинг сирли қутиси уларни ҳам сеҳрлаб қўйгандек эди. Ва ниҳоят “Ё раббим! Мошоллоҳ!”

деган хитоблар янгради. Хон кўр аҳлига зимдан разм солиб, аста деди:

– Ҳақ Таоло ва таборак, биз сизларнинг амалларингизга эмас, ниятларингизга боқамиз, дея марҳамат қилди. Қутидаги чўғнинг нияти тоза эди, ёвузликдин йироқ эди. Шул боис момикқа тажовуз этишдан тийилди. Чўғни эр киши, момикни ожиза деб тасаввур қилингу ривоятнинг мағзини чақинг. Валлоҳу аълам биссаваб!

Неча кундирки, Шайбонийхон пири муршиднинг муборак қабри ёнида ўтириб, Қуръон тиловат қилади. Бир куни субҳи содиқ маҳали у “Ёсин” сурасини ўқиб бўлиб, юзига фотиҳа тортди. Сўнг бошини эгиб, сукут сақлади. Дафъатан хоннинг вужудини илоҳий бир нур чулғаб олгандек бўлди. Мажҳул хаёллари тарқаб, шуури тиниқлашгандек эди. Кўнглида гўё офтоб чарақлади. Қалбида илҳом жўшди. Тилига ўз-ўзидан қайноқ сатрлар қуйилиб кела бошлади. “Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш”, деб шивирлади хон. Хос хонасига ўтдию хома, қоғоз олиб ёзишга тушди:

*Авлиёлар сарвари ул шоҳи Туркистон эмиш,
Ер юзини нури тутқон моҳи Туркистон эмиш.
Йўл ёнгилгонларга дерман боролинг Соброн сари,
Қилма умринг энди зое, роҳи Туркистон эмиш.
Айтайин онинг суйининг васфидин бир шаммае,
Оби замзамким, деюрлар чоҳи Туркистон эмиш.
Кўнглима келгил, деюрман ул Самарқанд орзулаб,
Билмамишменки, кўнгил дилхоҳи Туркистон эмиш.
Айтайин мен, эй йигитлар, ушбу сирни англандиз,
Сарвар ўлурга лойиқ ер - жоҳи Туркистон эмиш.*

*Дедилар, қайга борурсен, кўп Самарқандда валий,
Бу Шабоний орзуси - даргоҳи Туркистон эмиш.*

Бирор ҳафтадан сўнг Шайбонийхон Сиғноққа қайтди. Уй-уйларига тарқаб, ором олаётган аскарларини тўплаб, Хуросон томонга юриш қилди. Шу кетганича у Туркистонга қайтиб келмади.

КИБРДАН КЕЛГАН ЖАЗО

Шайбонийхон ўрдасига бош бўлиб, Хуросон тарафларга йўл олди. Кўнглида кўпдан бери бир армон яшайди. Салтанатимнинг сарҳадларини кенгайтирсам, мағрибгача бориб, соҳибқирон Амир Темур забт этган ерларни тасарруфимга киритсам, дея орзу қилади.

Бу пайтлар Хуросоннинг ярми, Ироқ, Озарбайжон Шоҳ Исмоил Сафавий қўл остида эди. Исмоил шиалар сардори, такаббур, айёр, ўтакетган мутаассиб бир шахс эди. Суннийларни ўзича ғайридин деб санар, шиа мазҳабига тил теккизганларни аёвсиз қатли ом қилишдан қайтмасди. Филжумла, Шоҳ Исмоил Ҳиротни олганида шаҳар шайхулисломи Сайфиддин Аҳмадни ҳузурига чорлади. Жамоат олдида суннийларни лаънатлаб, шиаларни олқишла, деб буюрди. Шайх иймонини ютмади, ўлимдан кўрқмади. Шиаларни, уларнинг сардори Шоҳ Исмоилни лаънатга буркади. Шоҳ ғазабланиб, ўз қўли билан Шайхни кўкрагидан отди, сўнг уламони дарахтга боғлаб, ўт кўйдилар.

Шоҳ Исмоил хуфялари орқали Шайбонийхоннинг кўшин тортиб келаётганини эшитди. Сафавийлар билан Шайбонийхонлар неча йилдирки, ўзаро қаттол рақиб.

Шоҳ Исмоил шиалик тариқатини тарқатиш мақсадида Мовароуннахр худудига хужум қилади, Шайбонийхон эса, “қизилбош”ларнинг расули акрамни маломат қилганини кечиролмайди, имоми замон, халифат-ул раҳмон сифатида суннийлар шарафини ёқлашни фарз деб санайди. Хуллас, ҳар икки тараф ҳам иймон ва эътиқод жангига тайёр эди. Шоҳ Исмоил пухта ҳарбий ҳозирлик кўриб олиш учун имкон қадар тўқнашувни ортга суришни ўйлади. Шу ниятда у Шайбонийхонга сулҳ таклиф қилди. Бир дунё қимматли совға-салом билан хон ҳузурига ўз элчиларини жўнатди. Элчилар Шоҳ Исмоилнинг мактубини Шайбонийхонга топширдилар. Хатда жумладан шундай сўзлар битилган эди: “Кўп замонлардан бери ўртадаги аҳдномага амал қилиб, яхши кўшничилик расмини адо этиб келдик. Кўнгилдаги келишмовчилик чанг-ғубори кўтарилди. Иккала тарафда гина-кудурат қолмади. Магар сиз тарафдан оталик қондаси мувофиқ кўрилса, биз томондан ҳам фарзандлик йўриғи бажо келтирилгай, иншоолло”.

Шайбонийхон Шоҳ Исмоилнинг маккорлигини хўб биларди. Хон мактубини ўқиб чиқиб, ғижинди: “Ҳийлакор илон! Бизни омий деб ўйлаётир у қизилбош. Илон барибир чақади, фақат захрини йиғнаб олмоқчи холос”.

Шайбонийхон жавоб хати ёздириб, элчиларнинг кўлига тутқазди. Хат кибру ҳаво билан битилган эди: “Сен ўзингни кимга тенглаштирмоқчи бўласан? Сен киму мен ким, ўйлаб кўр! Мен Чингизийлар авлодиданман, Султон Абулхайрхоннинг набирасиман. Ҳар бир киши отасининг ҳунарини қилиши керак. Отанг ким эди, биларсан. Дарвешлар дарвеш, қаландар! Эсингдан чиққан эрса, ота касбингни давом эттир, деб сенга уч нарса юбордим.

Кашкул, асо, жанда. Ҳали ҳам кеч эмас, бидъатдан юз ўгир, Ҳақ Мустафо йўлига кир, шунда тангрим гуноҳларингни кечиргай. Аллоҳу акбар!”

Бу мактуб Шайбонийхоннинг биринчи хатоси эди. Негаки, одамизот, мазҳабидан қатъий назар, худонинг бандаси. Аллоҳ Таоло бандаларига қарата, биз сизларни мукаррам қилиб яратдик, дея марҳамат қилган. Бас, насли башар борки, парвардигори олдида бирдек тенг ва масъулдир. У гадоми, шоҳми, фақирми, ғанийми бари - бир. Ўз қавмидаги кимсаларни, сен фалончининг фарзандисан, тагинг паст, деб камситиш, буни такаббуруна иншо билан тасдиқлаш мусулмончилик шевасига тўғри келмайди. Кибр аслида шайтоннинг юмуши. Қуръони карим “Ер юзида гердайиб юрма” деб огоҳлантиради (“Исро” сураси).

Халқда, аччиқ данак экиб, ширин мева кутма, деган нақл бор. Ҳадемай “салом”га яраша “алик” келди. “Ҳар бир ўғил отасининг ҳунарини қилиши керак, деб даъво сўқибсан, - дейилганди Шоҳ Исмоилнинг жавоб хатида, - ундай бўлса, Одам алайҳиссаломнинг ҳамма авлодлари пайғамбар бўлишлари керак эди. Валекин, Оллоҳ Таоло суйган бандаларини набий қилиб танлади. Сен Чингизийман, деб керилма. Хон наслидан бўлсанг-да, қиличимизнинг кучини уруш майдонида синашамиз. Оёғим узангида. Сенга дук билан чарх юбордим. Ҳаддинг сиғса, қаршимга чиқ, чиқолмасанг, чархни йигириб ўтиравер”.

Хатни ўқиб Шайбонийхоннинг вужуди ўт бўлиб ёнди, кўзлари қонга тўлди. Шоҳ Исмоил чарх, дук юбориб, уни заифалар қаторига қўшаётган эди. Шайбонийхон кўл остидаги аскарларини жамлаб, зудлик билан жангга

тайёргарлик кўра бошлади. Бу маҳал Шоҳ Исмоил салкам ўттиз минглик кўшин билан Марвга етиб келди. Шайбонийхоннинг аскарлари анча оз эди. Убайдуллахон билан Темур Султон Бухородан йўлга чиққан эди. Хоннинг яқин кишиси Амир Қамбар, уларни кутайлик, ҳар бирида йигирма мингдан сарбоз бор, деб маслаҳат солди. Шайбонийхон кўнмади. Яна кибрга эрк берди. “Бу уруш мол-мулк учун эмас, иймон учун, суннийлар мақоми учун бўлажак”, деб жанг майдонига отланди. Бу - Шайбонийхоннинг иккинчи хатоси эди. Марвдан четроқдаги сайхонликда қаттол олишув бўлди. Ҳар икки тарафдан минглаб одам шаҳид бўлди. Оқибат Шоҳ Исмоил хийлага ўтди. У гўё мағлуб бўлгандек, жанг майдонини тарк этди. Аскарларини олиб, изига қайтиб кета бошлади. Шайбонийхон бундан руҳланиб, сафавийларни қувишга тушди. Аммо пистирмага йўлиқди. Шоҳ Исмоилнинг неча минглаб аскарлари Шайбонийхоннинг ортидан ҳужум қилди. Хон исканжада қолди. Олдинда ҳам, ортда ҳам қизилбошлар бостириб келарди. Алал-оқибат Шайбонийхоннинг ҳамма амирлари ҳалок бўлди. Ўзи жанг майдонида шаҳид бўлди. Бу фожиа 1510 йилнинг 10 декабрида рўй берди.

Шоҳ Исмоил бир-икки йилгина Мовароуннаҳрга эгалик қилди. 1512 йилда Убайдуллахон уни мамлакатдан ҳайдаб чиқарди ва ҳокимият яна Шайбонийхонлар қўлига ўтди.

ХОТИМА ЎРНИДА

Шайбонийхон ўлди. Энди ўқувчида ўринли савол туғилиши мумкин. «Хўш, кейин нима бўлди? Шайбонийлар сомондай тўзиб, дош қозонда қовурилган бугдой доналаридек тўрт томонга сочилиб кетдими?»

Йўқ, Шайбонийлар сомондай тўзимасди, бодроқдай сочилмасди ҳам. Убайдуллахон ёш бўлишига қарамай, қолган-қутган сарбозларининг бошини қовуштира олди. Аввало, ота ўрнида ота Шаҳиди аъло Шайбонийхон Султоннинг жасадини шариат аҳкомига мувофиқ Самарқандга элтиб, хонлар хилхонасига, отаси Маҳмуд Султоннинг ёнига дафн эттирди. Сўнгра аҳли аёли, бир неча минг кишилик лашкари билан Туркистон томонга чекинди. Унинг жисми-жонини, алам, кин, ўкинч, интиқом ўртарди. «Биз яна қайтамиз, - деди жигари хун бўлиб, сўзсиз қайтамиз! Шаҳид кетган хон ҳазратларининг қутлуғ қони билан қасам ичиб айтаманки, қизилбошларни юрт тупроғидан ҳайдаб чиқаришга жонимизни тиккаймиз.

Шайбонийхоннинг ўлиmidан кейин Бобурнинг кўнглида умид учқунлари пайдо бўлди. У Ҳисор тарафларда саргардон кезиб юрарди. Қулай вазиятдан фойдаланиб қолиш ниятида Шоҳ Исмоилга элчи устига элчи, киши устига киши юбориб имдод сўради. Шоҳ Исмоилнинг аввал бошдан мақсади Мовароуннаҳрни ўз давлатига қўшиб олиш ва туркийлар юртида шиалик мазҳабини ёйиш эди. Шоҳ Исмоил Бобурга мактуб йўллаб, унга кўмак беришга тайёр эканлигини билдирди. Лекин бир неча шарт қўйди. Шартлар қаттол эди. Бобур аввало шиаларнинг ўн икки имоми тақлидан бошига салла ўраши,

жоме масжидида Шоҳ Исмоил номига хутба ўқитиши ва шоҳ унвони билан танга зарб эттириши лозим эди. Бобур икки ўт орасида қолди. Шоҳ Исмоилнинг шартларига кўнса, Ҳанафия мазҳабига хиёнат қилдинг, деб Самарқанд аҳлиғалаён кўтариши мумкин. Кўнмаса, тожу тахтдан мосуво бўлиб, тағин ғариблик даштида бесарусомон кезишга маҳкум.

Бобур ётиб ўйлади, туриб ўйлади. Ва ниҳоят бир қарорга келди. Ҳукмдорлик лаззати қонидан вужудига сингган иймон-эътиқоддан устуворлик қилди. У Шоҳ Исмоилнинг ҳамма шартларини адо этди. Ҳисордан Самарқандга келиб, шунчаки Самарқанд ҳокими лавозимига эга бўлди холос. Бир ёқдан уламолар норози, бир ёқдан авом халқ «қизилбошлар қулига айланган» Бобур Мирзога хизмат қилишдан бош торта бошлади.

Бобурнинг бўласи (холасининг ўғли) машҳур тарихчи Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Бобур саккиз ойгина Самарқанд тахтида ўтирди», деб ёзади. Бу эътирофни инобатга олсак, биз айтган «қизилбошларга қулчилик» 1511 йилнинг адоғи, 1512 йилнинг бошларига тўғри келади.

Хуллас, Бобур 1512 йил баҳоригача шайбонийлардан хавф-хатар кутмай, салтанат жиловини қўлида ушлаб турди. Бу бўладиган сукунатни эслатарди.

Аксинча Туркистонда сукунат йўқ эди. Қасос онлари етиб келган эди. Шунинг учун бўлғуси жангга тайёргарлик кўриларди. Убайдуллахон 1512 йилнинг апрелида пирри туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси олдида қурултой чақирди. У аллоҳ каломини тажвид билан (юксак мақомда) ўқийдиган ҳофизи қурдин эди. Овози янгроқ эди, ширали эди, сомеларни ўзига қуръон ром

этадиган беназир воиз эди. Убайдуллахон ҳақ таолога муножот қилди, Султон ул-орифин руҳидан мадад сўради. Сўнг қавмларига, элатдошларига юрагини ёрди.

– Биродарларим! Оға-иниларим! Менинг кимлигимни яхши биладиган баҳодир аскарларим! Токайгача ўз ёғимизга ўзимиз куйиб-ёниб, юрамиз? Қачонгача гулдай Самарқанду Қуббатул ислом Бухорони келгинди шиаларга бериб қўямиз? Суннийлик мазҳабимизни оёқ ости қилганларга тагин қанча чидаймиз? Қасос фурсати етмадими? Бир четда қўл қовуштириб тураверсак, Шаҳиди аъло Хон Ҳазратларининг арвоҳи чирқирамайдими? Бас, эркакман деган мард бўлса ўртага чиқсин! Ватанни озод кўрмоқчи бўлган мардумлар бизнинг сафимизга қўшилсин. Биз ғазотга отланажакмиз. Яратган эгамнинг инояти бирла иншоолло Зафар бизники бўлғусидир.

Убайдуллахоннинг ёниқ хитоби аҳли жамиатга таъсирини ўтказди. Аммо улар орасида «Қизилбош деганлари худонинг ғзаби эмиш», дея иккиланувчилар ҳам бор эди. Барибир бешта-ўнта шоввоз аста келиб Убайдуллохоннинг қабатига турдилар. Ўн-ўн беш кун ичида Жонибек Султон туманидан яна бир неча юз аскар сафарга розилик билдирди. Баҳорнинг ўрталарига бориб, Убайдуллахон қўшини салкам уч минг кишига етди. Ғазот фурсати келган эди. Сарбозларнинг қурол-яроғи шай, отлари чопқир, лашкарда илгари жанг кўриб, кўзлари пишган баҳодирлар етарли эди. Убайдуллахон «қанча-қанча кам сонли лашкар ҳақ таоланинг инояти ила ўзидан кўп сонли лашкарни енгган» деган оятни дилига туғиб йўлга отланди.

Шитоб билан юриб, бир ҳафта деганда Ғиждувонга етиб келдилар. Убайдуллахон эртаси Бухорога кириб

борди ва шаҳар қалъасини қамалга олди. Бу пайт Бобур Самарқандда эди, туйқусданкелган шум хабарни эшитдию Шоҳ Исмоил берган қирқ минг кишилиқ лашкарга бош бўлиб, Бухоро сари от солди. Убайдуллахон ҳам бундан хабар топди ва Бухоро яқинидаги Кўли Малик деган мавзеда Бобурни кутиб турди.

Қаттол жанг бошланди. Убайдуллахон бир неча соатгина саваш қилдию гуё қочаётган бўлиб, Хоразм тарафга юз бурди. Буни мағлубият деб ўйлаган Бобурийлар ҳовлиққанча ғурурланиб душманни қувишга тушдилар. Шунини кутиб турган Убайдуллахон тўлғама усулини қўллади. Тўлғама ҳарбий санъат эди. Тўлғамада душманга орқадан, ўнг ва чап томонидан ҳужум қилинарди. Сафавийларнинг минглаган аскарлари эсанкираб қолди. Рўпарада оз сонли бўлса-да, душман, чапда ҳам, ўнгда ҳам учқур от минган минглаган сипоҳилар. Бақирик, чақирик, ҳай-ҳайлаш, ярадорларни фарёди оламини тутиб кетди. Икки кун ўтиб, учинчи кун Шайбонийларнинг кўли баланд келди. Шоҳ Исмоилнинг ишонган тоғи амир лашкар Нажми Соний жанг майдонини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, қирқ минг кишидан иборат сафавийлар уч минг шайбонийлардан мағлуб бўлди. Улар неча минглаган сарбозларининг ўлигини йиғиштиришга ҳам бетламай қарши томон чекиндилар. Убайдуллахон учун Бухоро дарвозаси ланг очилди. Бу воқеа 1512 йил 28 апрелда содир бўлди.

Убайдуллахон ҳали олдинда ҳаёт-мамот турганлигини савқи табиийси билан сезарди. Шунинг учун Қарши, Ғузор, Ғиждувон, Кармана шаҳарларига садоқатли амирларни, туғишган жигарларини тайинлади. Қалъаларни му-

стаҳкамлади, қурол-яроғни кўпайтирди, маҳаллий халқни мудофага тайёрлади. Бир-икки ой ичида Убайдуллахоннинг ғалабасидан руҳланган собиқ аскарлар ҳам шайбонийлар сафига келиб қўшилди. Убайдуллахоннинг лашкари бир неча баробар кўпайди.

Кўли Маликдаги шармандали мағлубиятдан кейин анча вақтгача Нажми Соний ўзига келолмади. Кеч кузда эса, саксон минглик қўшин билан Қаршига хужум қилди. Шаҳарга ўт қўйилди, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ўн беш минг фуқаро қатлиом этилди. Убайдуллахон Қаршидаги оз сонли аскарлари билан тўфондай қўққисдан бостириб келган душманга бас келолмаслигини билиб, вақтинча чекинишга қарор қилди. Кўчкинчихон билан Темур Султон Миёнқўлни, Убайдуллахон билан Жонибек Султон Ғиждувон қалъасини эгаллаб турдилар. Қизилбошлар Қаршидаги ғалабасидан сармаст бўлиб, Ғиждувон орқали Бухорога қараб от сурдилар. Убайдулла Султон пухта тайёргарлик кўриб қўйган эди. Туркистондан Султоннинг пири муршиди Мир Араб етиб келди. У мудофаа аҳлини руҳлантириб, уларга яратгандан ҳифзу зафар тилаб дуо қилди. Бир сиқиб тупроқ олиб душман тарафга сочи: «Илоҳо, шу тупроқдан сочилиб, тупроқ остига киргайсанлар!»

1512 йил 24 ноябрь (ҳижрий 918 сана, рамазон, якшанба) кунини қирғин-барот жанги бошланди. Кўчаларда қон дарё бўлиб оқди, ўликларнинг кўплигидан отлар қоқилиб йиқилади, найзабозлар, ёяндозлар, қиличбозлар ҳар кўча, ҳар маҳалла учун жон олиб, жон бериб олишардилар. Халқ томлардан туриб, босқинчилар бошига тош ёғдирар, Шайбонийларга қурол етказиб берар,

ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқишарди. Убайдулла Султон бу сафар уч бўлак сарбозларини душманнинг уч тарафига пистирмага қўйган эди. Уруш авжига чиқиб, сафавийлар шаҳарга бостириб кирмоқчи бўлганларида ҳалиги уч жанговар бўлинма тўсатдан хужум қилиб, ёғийни эсанкиратиб қўйди.

Бомдодда бошланган тўқнашув номози асрга бориб ниҳоясига етди.


Убайдулла Султон бошлиқ ватан фидойиларининг қўли баланд келди. Сафавий босқинчилар яксон этилди. Саксон минглик лашкарининг салкам ярмидан маҳрум бўлган Нажми Соний ўз бошини қутқариш пайига тушди. У шунчалик ваҳима ичра қолган эдики, устки кийимини кийишга ҳам улгурмади, иштончан отига миниб қочди. Лекин Темур Султоннинг одамлари уни ушлаб олиб, калласини уздилар. Амири лашкардан жудо бўлган қизилбошларнинг бир қисми асир тушди, қолганлари иснод, номус ўтида қоврилиб ўз юртларига равона бўлдилар. Мовароуннаҳр шиалар зулмидан озод бўлган эди. Кўп ўтмай Убайдуллахон Самарқандга етиб борди. Ўз номига хутба ўқиттирди. Шоҳ Исмоил зарб эттирган тангаларни бекор қилди, уларнинг темир парчасичалик қадри-қиймати қолмади.

Убайдуллахон Шайбонийлар сулоласи русумига кўра ката амакибаччаси Кўчкинчихонга бош хонлик мақомини берди. Тошкент вилоятини Севинчхожага, Самарқанд вилоятини Муҳаммад Темур Султонга, Миёнқўл вилоятини Жонибек Султонга тортиқ қилди. Ўзига Қарши ва Бухоро вилоятларини қолдирди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Шайбонийхон асос солган ўзбек давлати қайта тикланди ва у бир юзу эллик йил ҳукм сурди.

Мухтарам ўқувчи! Сиз Убайдулла Султон бошчилигидаги жонфидоларнинг саккиз ой ичида ажнабий босқинчиларни икки марта мағлуб этиб, уларни мамлакат сарҳадидан ҳайдаб чиқарганликлари ҳақидаги маълумотнома билан танишдингиз. Эътиборингизга яна бир ишончли иқрорномани ҳавола этмоқчимиз. Шайбонийларнинг замондоши, буюк муаррих Муҳаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарида шундай зикр қилади: «Фақир банданинг фикрича, кейинги юз йил давомида ҳукмронлик қилган подшолар ичида Убайдуллахонга ўхшаганини ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган. Биринчидан, у художуй мусулмон, худодан кўрқадиган, ҳар нарсадан нафсини тия оладиган одам бўлган. Мамлакат, салтанат, дин, раият, лашкарга тегишли барча ишларни шариат ҳукмлари асосида бажарар, ундан бир қадам ҳам чекинмас эди. Жасорат ўрмонида ботир шер бўлса, саховатпешалик денгизида кафти марварид чиғаноғига айланарди. Унинг бахт-иқболга тўлиқ шахсияти хилма-хил фазилатлар билан безанган эди. У етти хил хатда ёза оларди, насх хатида айниқса яхши ёзарди. У бир қанча қуръон сураларини кўчириб ёзиб, уларни муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига юборган эди. У настаъликда ҳам яхши ёзган. Унинг туркий, форс, араб тилларида битилган девони мавжуд. У мусиқа ва ашула айтиш билан ҳам шуғулланган. Ҳозир ҳам мусиқачилар у басталаган куйларни ижро этишади.

Ҳайдар Мирзо эътирофига қўшимча қилиб яна шунини айтиш мумкинки, Убайдуллахон буюк мутасаввуф эди. У ҳақ таоло фарзи, расулоллоҳ суннатини умрининг сўнмас чароғи деб биларди. Хонақоҳ аҳли унинг дил маҳрами, шайхлар, сўфийлар, дарвешлар, зоҳидлар, риндлар мусойиби эди. Тасаввуфда Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига мансуб эди. Ўзи ҳам Яссавий ҳикматларига ҳамоҳанг байтлар битарди. Зикр мажлисларини хуш кўрар, жаҳрия маросимида ҳаққа сано айтиб, ўзи ҳам иштирок этарди. Замонасининг алломаларидан бири Ҳиротий Фаҳрий Убайдуллахонни «Дарвеш кийимидаги шоҳ» деганида мутлақо ҳақли эди. Сўзимизнинг исботи учун қул Убайдий – Убайдулла Султоннинг тасаввуфона битилган рубоийларидан бир нечтасини диққатингизга ҳавола этамиз.



*Дил аҳлига мен ёру яқин бўлгум бор,
Маҳбуб ул-қулуби аҳли дин бўлгум бор,
Бир лаҳзада ҳар икки жаҳонни унутиб,
Дин аҳли каби гўшанишин бўлгум бор.*

*Солик киби ҳол аҳли ичинда бўлайин,
Ҳолат юзидин оҳ ура эврилайин,
Чун ўлмак эмиш ниҳояти ишингким,
Ўлсам доғи Оллоҳ йўлида ўлайин.*

*Кўрса сени хушҳол бўлади аҳли яқин,
Чехранг нуридин ёришади хонаи дин.
Ул ёқда худо васли муяссар бўлсун,
Бул ёқда дуо қилиб турай лаҳза сайин.*

*Гар бўлди зиёда қайғуга эшлигимиз,
Ёлғизлик ҳасратидан дилрешлигимиз.
Юз шукр Худога, яхшидир шоҳликдин,
Эй дарвешлар, ҳамиша дарвешлигимиз.*

*Юз шукрки, мен аҳли шариат бўлдим,
Ҳам машҳури арбоби тариқат бўлдим.
Мақсад менга асрори ҳақиқат шундан –
Мен ошиқи асрори ҳақиқат бўлдим.*

2018 йил

МУНДАРИЖА

“Дашти қипчоқ лочини (Муҳаммад Шайбонийхон) қиссаси” ҳақида	3
Менинг исмим Шоҳбахт!.....	6
Муҳаббат қалъаси.....	11
Жаннати маъво Самарқанд.....	27
Тошкент фатҳи.....	30
Хон дастурхон ёзди.....	35
Кўса Шайхулислом.....	39
Бектелбанинг элчилиги.....	47
Бир байтлик жанг.....	52
Мусибат.....	57
Ҳирот.....	66
Топағон Беҳзод.....	74
Занжирбанд шер не дейди?.....	81
Зиёрат.....	86
Сигноқдаги мушоира.....	97
Бухоро. Қасри Орифон.....	106
Тўлғон ойнаинг шуъласи.....	113
Хон эҳром кийди.....	123
Кибрдан келган жазо.....	130
Хотима ўрнида.....	134

Саъдулла Сиёев

Дашти Қипчоқ лочини
(Мухаммад Шайбонийхон) қиссаси

Мухарир: Илхом Халилов

Техник мухарир: Мухиддин Хакимов

Нашриёт лицензияси № АІ 170. 23.12.2009

Нашриёт манзили: Тошкент. А.Темур кўчаси, 19 – уй.

Босишга 2016 йил 20 январда рухсат этилди.

Офсет қоғози. Бичими 60x841/16.

Times гарнитурасида офсет усули. Шартли босма табағи 11.

Нашр табағи 10,75. Адади 1000 нусха. Буюртма № 04

Адади 1000 нусхада.

«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.

100170, Тошкент ш. Циольковский, 356-уй.